

Али Мухаммадхон ПЎЛОДИЙ

ОИЛА ОДОБИ

Илмий-адабий дастур

«ФАРФОНА» нашриёти,
2012 йил

MAJBURIY NUSXA

УДК: 37.0181

КБК: 87.77

П-99

*Маънавий-ахлоқий ва иجتимоий
сисема наъриятлар*

2012 йил – «Мустаҳкам оила йили»га бағишланади

Педагогика фанлари номзоди

Б. Латипов таҳрири остида

*Мазкур китоб Фарғона вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши
ҳомийлигида чоп этилди.*

ПЎЛОДИЙ, Али Мухаммад

ОИЛА ОДОБИ: Илмий-адабий дастур/ Али Мухаммад Пўлодий. –
Фарғона: «ФАРҒОНА» нашриёти, 2012 й. – 108 б.

*Мазкур китобда буюк мутафаккирлар панд-ҳикматлари-
дан ўринли фойдаланилган ҳолда муаллифнинг оила бобидаги
ҳаётий тажрибалари, ахлоқий, психологик, иқтисодий ва
эстетик қарашлари баён этилган.*

*Китоб ота-оналар, ўқитувчилар, мактаб ўқувчилари,
олий ўқув юрти, академик лицей ва коллеж талабалари
ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.*


ISBN 978-9943-349-50-6

УДК: 37.0181

КБК: 87.77

© П. Али Мухаммад

© “Фарғона” нашриёти, 2012



ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

2012 йилнинг мухтарам Президентимиз Ислом Каримов таклифи билан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги аини муддао бўлди. Дарҳақиқат, оила мукаддас даргоҳ бўлиб, унинг мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлиги, жамиятнинг мустаҳкамлиги эса пурмазмун ва тўзал ҳаёт омилidir. «Ватан остонадан бошланади» деганларидек, ҳаёт ҳам оиладан бошланади. Шунинг учун оилани жамият пойдевори десак, муболаға бўлмайди. Чунки инсон оилада туғилиб, камол топади. Бас шундай экан, ҳаётимиз қасрининг пойдеворини қанчалик мустаҳкам қўйсақ, бу қаср шунчалик узок яшайди.

Меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром, юксак маданият ва маънавият мустаҳкам, барқарор ва фаровон оиланинг пойдеворидир. Бирок бу пойдеворнинг қай даражада сифатлилиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг мисли кўрилмаган даражада улкан ўзгаришлар юз берди, ҳар бир соҳа юқори суръатларда ривожланмоқда, турмушимиз ҳам кундан-кунга фаровонлашиб борапти. Бирок гуруч курмаксий бўлмаганидек, айрим оилаларимизнинг муҳити, ҳаёт, инсон ва жамиятга муносабати биз фахр этаётган мустақил юртимиз турмуш тарзига тўла мос келмайди.

Биз янги жамият курмоқдамиз. Табиийки, жамият учун соғлом ва барқарор оилалар керак. Шунинг учун мамлакатимиз Президентининг оилалар мустаҳкамлигини кўзлаганлари ҳаёт тақозосидир.

Айрим оилаларимизда меҳр-оқибатнинг камлиги, ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг йўқлиги, жанжал-низоларнинг кўплиги, баъзи ҳолатларда оилалар бузилиши бу китобни ёзишга ундади.

Ушбу китобда оилавий муносабатларга оид фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар жамланган бўлиб, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром, ҳар бир оила аъзосининг ҳаётдаги мавқеи ва вазифалари бобида сабоқ беришга ҳаракат қилинган. Ўз педагогик фаолиятим ва ҳаётим тажрибаларим асосида оқ қоғозга тушган қарашларим ҳамюртларимизнинг оила ҳақидаги тушунчаларини кенгайтира олса, кўнгилларига ижобий таъсир этса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Зеро, ҳар бир оила давлатимизнинг асосий бўғини, жамият пойдеворидир.

Муаллиф

ҲАЁТИЙ ВА ИБРАТЛИ КИТОБ

Китоб – бу, кўзгудир. Инсон унинг ёрдамида ўзининг камчиликлари, хато ва нуқсонларини англаб, уларни ислоҳ этишга ҳаракат қилади.

Китоб инсонларни ёмон ва кингир йўллардан огоҳ этиб, ростлик, поклик, тўғрилиқ, тартиблиликка ундайди, инсоний хислатлар томон ҳидоят қилади.

Китоб – бу, мушфиқ беминнат дўст, ёлғизлик ва ғам-қайғу дамларида меҳрибон ва ғамхўр шерикдир. Машхур форс-тожик мумтоз шоири Абдурахмон Жомий айтганидек:

*Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат бергуси такрор.*

Бинобарин, янги авлодни комил инсон қилиб вояга етказиш ҳар бир замондошимизнинг муқаддас бурчидир. Инсонда яхши хислатларни тарбиялаш осон иш эмас, албатта. Бу жараён узок давом этиб, биздан сабр-тоқат ва қатъиятни талаб қилади.

Оила педагогикасининг ривожини ва ёшларнинг таълим-тарбиясида маърифатпарвар аجدодларимизнинг меросини ўрганиш ғоятда муҳим.

Али Муҳаммадхон Пўлодийнинг «Оила одоби» рисоласи кўп йиллик тажрибалар асосида ёзилган бўлиб, у оилаларнинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги, шу орқали Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини яратиш йўлида ўзгача аҳамият касб этади.

Мазкур рисола «Оила одоби» ва «Тўғрилиқ ҳақида» деб номланувчи иккита фаслдан иборат бўлиб, унда оила одобининг барча қирралари тасвирланган. Муаллиф оиланинг ҳар бир аъзоси шахсиятига алоҳида тўхталиб, улар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларни имкон қадар кўрсатишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга бу камчиликларни тузатиш йўллари ҳақида тавсиялар берган.

«Оила одоби» китоби оила ва рўзгор санъати ҳақидаги асардир. Бу китобдан қизлар, келинлар, оналар, қайноналар, ўғиллар, куёвлар ва оталар кўпгина муҳим саволларга жавоб топишлари мумкин.

Китобда ҳаётий воқеалар, ривоятлар, байтлар, ҳикматлар, ва мақоллардан ўринли фойдаланилган бўлиб, улар асарнинг таъсирчанлигини, қимматини оширган.

Асарда жамиятимизда учраб турадиган ёлғончилик, ҳасад-гўйлик, қасамхўрлик, ифвогарлик, риёкорлик, ғийбат, хиёнат, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик, қиморбозлик, лоқайдлик, фоҳишабозлик, тухмат ва бошқа шу каби иллатлар муҳокамага ташланган.

Муаллиф ўз китобини Ватанга садоқат, халққа ҳурмат ғоялари асосида чинакам маҳорат билан ёзишга ҳаракат қилган. Шу боис уни ўқиган киши ҳар бир мавзунинг охирида мулоҳазага берилади: ўзидаги одат ва кўникмаларни китобда ёзилганлар билан қиёслайди. Феъл-атворидаги номақбул жиҳатларни ислоҳ қилиб, намунавий шахслар ва оилалар қаторидан ўрин олишга ҳаракат қилади.

«2012 йил – Мустаҳкам оила йили»да ўқувчиларга тақдим этилаётган бу китоб катта ахлокий-тарбиявий аҳамиятга моликдир, ҳамда жуда ўринли ва ўз вақтида ёзилган бўлиб, уни оилаларимизнинг ҳар бир аъзоси ўқиб-ўрганиб, ёзилганларга амал қилса, аини муддао бўлар эди.

Б. ЛАТИПОВ,
*Фаргона вилоят халқ таълими
бошқармаси бошлиги ўринбосари,
педагогика фанлари номзоди.*

ИНСОН ҲАЁТИНИНГ РАҲНАМОСИ

Инсон туғилганидан умрининг охиригача тинмай ҳаракатда бўлади. Ана шу ҳаёт, яъни гўдаклик, ўсмирлик даврида, оилавий ва меҳнат фаолияти давомидаги инсонларнинг муомала ва муносабатларини тартибга солувчи бир муайян қолип бўлиши лозим. Ана шунга одоб дейдилар.

Одоб шарм-ҳаё, билим, ақл, меҳрибонлик, поклик, тўғрилиқ, хайр-эҳсон билан баҳоланади. Яъни одоб киши хулқ-атворининг меъёри бўлиб, одамлар бир-бирлари билан муносабатда унинг юзасидан амал қиладилар. Инсон одобининг қандайлиги унинг билими, ақли, муомаласига боғлиқ. Яхши фазилатли, яхши одобли одамлар мазмунли, марокли ва фаровон ҳаёт кечирадилар:

Адаб – феълу табиат оройиши,

Адаб – аҳволу ҳолат осойиши.

Адаб ҳусну жамолнинг жамидур жам,

Адаб – кўклам, камолнинг жамидур ҳам.

Ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатадики, одобли одамлар эъзоз топиб, фаровон ҳаётнинг баланд чўққиларига етадилар, бой-бадавлат, тинч-тотув ҳаёт кечирадилар.

Одоб илмсиз ва илм одобсиз ноқисдир, яъни инсон бу икки нарсани ўзида акс эттириши лозим. Илм одобнинг ёпиқ эшикларини очувчи калитдир:

Тан тирик жон билан, жон тириклиги илм,

Қалб қони ичра бир гавҳари жондир билим.

Носир Хисрав.

Илмли ва одобли инсонларда одамгарчилик фазилатлари кўп бўлиб, ёмон йўлга юриш, ёмон ишларни қилишга йўл қўймайди:

Ким ақл йўлидан юрса, у киши

Ҳеч маҳал бўлмагай ёмонлик иши.

Абулқосим Фирдавсий.

Илм, одоб ҳамма жойда, ҳамма ишда, айниқса, оилада жуда зарур. Зеро, яхши одоб-ахлоқ ва яхши тарбия оиладан бошланади. Бунинг учун ота-оналар ва бошқа ёши катта кишилар яхши хислатлар ва одатлар эгаси бўлишлари лозим. Чунки одам сихат-саломат,

бақувват ва олим бўлиши мумкин, аммо яхши фазилатларсиз комил инсон ҳисобланмайди. Хуллас, одамлар одобли ва олижаноб инсонларни ҳурмат, киладилар ва яхши кўрадилар. Биз ҳам ана шундай эҳтиромга сазовор бўлишга ҳаракат килмоғимиз керак.

ШИРИН ОРЗУЛАР

Ҳар бир гўдак бир неча йил ширин хаёллар оғушида яшайди. У ўйинлар ва ўйинчоқлар оламига маҳлиё бўлиб, дунёнинг бошқа ҳодисаларига бефарқ қарайди. Ёши етти-ўнларга етганда кундан-кунга, йилдан-йилга атроф-муҳитга ҳаваси ортиб боради. Ҳар бир табиат ҳодисасига ўзгача қараб, ҳаёт ва турмуш тарзига нисбатан қалбида янги-янги орзу-ҳаваслар уйғона бошлайди. Яъни мактабда аъло баҳолар билан ўқиш, академик лицей, касб-хунар коллежларида, олий ўқув юрғларида ўқишни давом эттириш ҳақида ўйлайди. Балоғат остонасидан ҳатлаб ўтгач эса ширин орзулар кўлами янада кенгайди. Кейинчалик бирор корхона, идорага раҳбар, ёки олим, адиб, учувчи, муҳандис, санъаткор бўлиб Ватанга хизмат қилиш истаги қалбида жўш уради.

Шунингдек, ўзига муносиб жуфт топиб, у билан оила қуриш, уй-жой барпо этиш, замонавий машина сотиб олиш, оромгоҳларга ва хорижий давлатларга бориб мароқли дам олиш ва яна қуйидаги каби покиза туйғулар уни қамраб олади: ота-она ҳурматини ҳамиша бажо келтириб, улар истаган нарсаларни муҳайё этиш, турмуш ўртоғи билан, болалар, қайнота, қайнона, қариндош-уруғлар ва кўни-қўшнилар билан муроса-ю мадуро қилиб, ширин ҳаёт ўтказиш... Болаларни яхши парваришлаб, тарбиялаб, маълумотга яхши касб хунарга эга қилиш, қариллик чоғида уларнинг хузур-ҳаловатини кўриб, бировнинг кўмагига муҳтож бўлмасдан набиралар қуршовида ҳаёт кечириш...

Қаранг, болалик, ўсмирлик даврида ва ундан кейин қанчалаб ширин хаёл орзулар кечади бошдан. Бироқ улар ҳар кимга ҳар хил насиб этади. Яъни, баъзиларнинг ҳамма орзулари амалга ошса, баъзиларнинг эса бир қисм орзу-ниятлари амалга ошади. Баъзи

бировлар эса ўйлаган нарсаларининг кўпига эрша олмасликлари ҳам мумкин.

Шу ўринда бир савол туғилади: нима учун ҳамма бир хилда инсон бўла туриб, турмуш тарзи, касб-кори, бойлик, табиат неъматларининг тақсмоти ҳар кимда ҳар хил бўлади? Баъзилар бой-бадавлат, баъзилар камбағал, баъзилари тинч-тотув, баъзилари мудом ғам-ташвишда, баъзилари ҳалим-беозор, баъзилари бад-ахлоқ, баджаҳл, баъзилари комил инсон бўлиб тарбия топса, баъзилари ўғри, киморбоз ё гиёҳванд бўлиб улғаяди?..

*Бири шодмон, бири дардманд,
Бири комрон, бири мустаманд.
Бири бенаво, бири молдор,
Бири номурод, бири комгор...*

Саъдий Шерозий.

Агар ҳаётимиз бир текисда кетаверганида, биз яхши-ёмон, ок-кора, ҳаром-ҳалол, иссиқ-совуқнинг фаркига бормай колармидик? Ҳар бир шахснинг феъл-атвори муҳитга, қайси оила ё хонадонда вояга етгани, ота-онасининг кимлигига, қандай одам бўлганлигига боғлиқ. Бинобарин, қуйида бу ҳақдаги баъзи фикр-мулоҳазаларимиз, ҳаётий тажрибаларимиздан чиқарган хулосаларимизни сиз азиз ўқувчиларга ҳавола этамиз.

БИРИНЧИ ФАСЛ ОИЛА ОДОБИ

БИРИНЧИ БОБ ОИЛАДА КИМЛАР НИМАЛАРНИ БИЛИШЛАРИ КЕРАК?

Ҳар бир шахс, аввало, ўзи яхши фазилатли инсон бўлиб, зиммасидаги масъулиятни, олдида турган бурч ва вазифаларни ҳис этиб, уларга амал қилиши лозим. Шундан кейингина бошқалардан шу нарсаларни талаб қилса, ҳақли ҳисобланади.

ҚИЗЛИК БУРЧЛАРИ

Оилада киз фарзанд дунёга келиши буюк хушбахтлик саналиб, бу воқеа хонадоннинг ҳадсиз кувончига сабаб бўлади. Агар оилада тўнғич фарзанд киз туғилса, нур устига аъло нур. Чунки у 8-9 ёшга кирганда, она ёрдамчиси, хонадон тозалигини сақловчи, укалари ва сингилларига бош-қош бўлади. Қизи бор хонадонда фойз-барака, саранжом-сарипталик, хурмат-эҳтиром ва хушмуомалалик ҳукм суради. Ота-она учун фарзанд хоҳ ўғил, хоҳ киз бўлсин, азиз ва муҳаббатга лойиқдир. Аммо кизлар хассос, калбан нозик эканликлари боис уларга нисбатан ота-оналарнинг меҳри ўзгача бўлади. Қиз нафақат оила аъзоларига, балки бошқа қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга ҳам мунис, меҳрибон ва беминнат ёрдамчига айланади.

Оилада болалар тарбиясидан кўра бошқа оғир, мураккаб ва масъулиятли иш йўқ. Қизлар тарбияси эса янада кўпроқ диққат-эътибор, масъулият ва эҳтиёткорликни талаб қилади.

Қадимда кизларнинг ўқиб маълумотли бўлиш, касб-хунар ўрганиш, меросдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари камситилар эди. Қизларни ҳатто 9 ёшга кирганида мажбуран эрга берардилар. Тасаввур қилинг, бу ёшдаги кизча оилавий ҳаётга тайёр бўладими? Унинг жисму-жони, тажрибаси ва дунёкараши мустақил ҳаёт кечириш талабларига жавоб бера оладими? Ҳозирги тиббиёт илми фақат 17-18 ёшга тўлган кизларгагина оилавий ҳаёт ҳуқуқини беради. Ислоҳ динида ҳам кизларга нисбатан мурувват кўрсатилган. Жумладан, Ҳадисларда шундай дейилган: «Ҳар кимки, уч кизи ё уч синглиси бўлса ва уларга нисбатан меҳрибон бўлса, балоғат ёшига етгунларича Оллоҳ таоло уларнинг ҳаққини жаннатдан беради».

«Энг пок фазилатларни санашимни истайсизми? Қизларга, эри талоқ берган ва Сизга қараган аёлларга нисбатан хушмуомалалик».

Мамлакатимиз Қомусида эркаклар ва аёлларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари баробардир. Аёллар учун бирон-бир монъелик ё чеклашлар йўқ. Шунга қарамасдан, бугун қизларимиз янада кўпроқ билим, маънавият, яхшироқ тарбия ва одоб-ахлоққа муҳтождирлар. Ота-оналаримиз уларнинг шавқ-хаваслари, хоҳиш-истакларини

инобатга олишлари керак. Айтиш жоизки, қизлар балоғат ёшига етганларида яхши кийиниш, пардоз-андоз қилишга қизиқишлари ортиб боради. Бу паллада уларга ортикча меҳрибонлик кўрсатиш, истаган қимматбаҳо кийим-кечакларини олиб бериш яхши эмас. Аксинча, уларга хоксорлик, камсарфлилик, саранжом-саришталик, ширин муомала ҳақида кўпроқ тушунчалар бериб бориш лозим. Қизлар тарбияси асосан оналар зиммасидадир. Тежамкорликни ва рўзғор санъатини ўз вақтида ўрганмаган қиз, бошқа оилага келин бўлганида кўпгина оилавий низоларга сабабчи бўлади.

Қизларнинг бахтли бўлишлари учун уларнинг итоаткорликлари, меҳнатсеварликлари, ахлоқ-одоби, сир яширишлари ва ширин-сўзликлари кўл келади. Агар бордию она ўзи фарзандлар тарбияси ва уй ишларига бепарво, муомаласи ёмон бўлса, бу қизлар тарбиясига ҳам салбий таъсир қилади. Чунки қизлар одоб-ахлоқ ва аёлларга хос фазилатларни оналаридан оладилар. «Онасини кўриб, кизини ол» деган мақол бежизга айтилмаган.

Агар она ҳар жиҳатдан намуна кўрсатса, кизи ҳам доно ва оқила бўлиб камол топади. Бошқа оилага келин бўлганида ҳам тезда янги хонадон аъзолари билан тил топишиб, эрининг, қайнота-қайнонасининг, қариндош-уруғлар ва кўни-кўшнилариинг ҳурмат-эътиборини қозонади.

Қиз деганда кўз ўнгимизда ифбатли, ширин сўзли, чакқон, покиза ва меҳрибон сиймо гавдаланади. Лекин қизларнинг ҳаммаси ҳам бир хил бўлмайди. Афсуски, бу нотўғри тарбия натижасидир. Қизи бор оилада, у хоҳ кичик бўлсин, хоҳ балоғат ёшига етган бўлсин, оила аҳли эҳтиёткорлик билан муомала қилишлари керак, ҳар қандай муаммони унга билдирмасдан ҳал қилганлари маъқул.

Ҳар бир қиз ёши 14 га етганидан сўнг қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўйиши керак:

1. Ота-онаси ва бошқа қариндошларга меҳрибон бўлиш.
2. Мактабни аъло баҳолар ва намунавий хулқ билан тамомлаш.
3. Касб-хунар ўрганиш. Шароит бўлса, олий маълумот олиш.
4. Қайси соҳада бўлмасин, Ватанга ва халққа хизмат қилишни асосий мақсад деб билиш.

5. Турмушга чикиб, она бўлганида фарзандларни одобли қилиб тарбиялаш.

Балоғат ёшига етган киз эр танлашда саросималикка йўл қўймаслиги лозим. Бўлажак куёвнинг оиласидаги ўзаро муносабатни ва турмуш тарзини ўрганиши керак. Зеро, бу умр савдосидир. Бу ишда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Баъзан қариб қолган бобо-момоларни ваз қилиб, ё мавжуд бойликларни инобатга олиб қизларни тезроқ эрга берадилар. Ва ё хусни- жамолига, ё молдавлатига қизиқиб куда-анда бўладилар. Бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди. Қариндош-уруғлар, опа-сингиллар, ака-укалар, опа-ука ака-сингиллар бир-бирлари билан куда бўлишади. Келинкуёвларнинг қони бир бўлгани боис кўпинча носоғлом фарзандлар дунёга келади. Баъзида эса опа-сингил ё опа-укалар оила қурган фарзандларининг ажрашиб кетишлари оқибатида бир-бирлари билан юзкўрмас бўлиб кетадилар...

Қизларим, агар бирор йигит сизни ёктириб қолиб, муҳаббат изҳор этса, сизда унга нисбатан меҳр уйғонса ҳам, дарров розилик берманг. Ўйланг, уни ҳар томонлама текшириб кўринг, оилавий ҳаётини ўрганинг, шундан кейингина муҳаббат ришталарини боғланг.

РИВОЯТ: Қадим замонларда бир бой оилада улғайган қизни қўшни қишлоқлик бир камбағал йигит севиб, унга совчи юборади. Қизнинг ота-онаси бундан ғазабланиб, совчиларни ҳақоратлаб, ҳайдаб соладилар. Қиз бўлса ўша йигитга турмушга чиқишга қарор қилади.

– Нима, жонингдан тўйдингми? – уни ўртага ола бошлайдилар оила аъзолари. – Бу гадойваччага тегиб, очликдан ўлмоқчимисан? Ўзи бир етим бола бўлса, ўзига етарли нони йўқ, ота-онасидан яхши тарбия кўрмаган, сенга қандай қарайди?

– Яхши қарайди, – дейди киз. – Шу кунгача унинг йўлбошчиси бўлмаган. Энди мен унга умр йўлдоши, маслаҳатчи бўламан. Бир мени эмас, кўп одамларни боқиши мумкин. Яхшилик билан унга фотиҳа беринг. Мана кўрасизлар, мен уни Сизлардан ҳам бадавлатроқ қиламан.

– Агар унга тегмоқчи бўлсанг, зар-зевар ва тўю-тамошодан ҳам маҳрумсан, бор унга, – дейдилар.

Қиз индамасдан эрта сахар билан қўшни қишлоққа йўл олади.

Йигит хурсандлигидан ўзини кўярга жой тополмайди. Дарров ўша куни ош дамлаб, никоҳ ўкитади. Эртасига киз қўлидаги тилло узукни эрига бериб, уни сотиб ип олиб келишини тайинлайди. Дастгоҳ ясаб, жияк тикишни бошлайди. У бу хунарни қўшни кизлардан ўрганган экан. Йигит бўлса, ғишт куйишга киришади. Хуллас, эр ташқаридан, хотин ичкаридан ҳаракат қилиб, кишлоқда ягона бўлган ҳашаматли иморат ва боғ-роғларни бунёд этадилар. Орада 3-4 нафар бир-биридан ширин фарзандлар дунёга келади. Оқила аёлининг тадбиркорлиги туфайли бой-бадавлат бўлиб кетган йигитнинг донғи қўшни кишлоқларга ҳам етиб боради.

Қизларининг кирдикоридан ор қилган ота-онаси ўша донғи кетган йигитнинг куёвлари эканини хаёлларига ҳам келтирмай, унинг иморатини кўришга келадилар. Бориб қарасалар, шундай шоҳона иморат ва жаннатий боғ-роғларнинг эгалари ўзларининг кизи ва куёви эканлар. Ота-она қизларининг бу тадбиркорлигидан ҳам хижолат тортиб ва ҳам қувониб, шу уйда набиралари ўртасида яшашга қарор қиладилар...

Бир нарсага эътибор беринг: сиз ҳамма вақт ҳақ чиқа олмайсиз. Ота-оналарга қулоқ солиш керак, чунки уларнинг аксарияти катта ҳаётий тажрибага эга. Улар сизнинг бахтли ҳаётингиз учун ҳамшиша курашадилар.

Балоғат ёшида изҳор этиладиган муҳаббат ўткинчи хавас бўлиши ҳам мумкин. Бу ёшда бир қарорга келиш мушкул. Бир қарашда, бир ой ё бир йилда одамни тўлиқ англаб етиш амри-маҳол. Бу ҳақда шундай деганлар: «Одамнинг оласи ичида». Ё зохири зебо, ботини расво.

Қизларимизга куйидаги яхши сифатларни ўзлаштиришларини тавсия қиламиз:

1. Болалик чоғлариданок ширинсўзлик, ҳалоллик, саранжом-саришталикни ўрганишлари керак.

2. Энг яхши фазилат – бу, атрофдагиларга чиройли тарзда мурожаат этиш: отажон, онажон, акажон, укажон, опажон, амакижон, холажон, тоғажон... десак, суҳбатдошимизнинг бизга нисбатан меҳри ортади.

3. Гапириш оҳангига эътибор беринг: баланд овоз билан бемаъни сўзларни сўзлаш ва ҳақоратлаш кизларга хос эмас. Қиз очилган гулдир ундан очик чеҳралилик ва назокат кутадилар.

4. Нозик чиройли ҳаракатлар, иссиқ истара ва меҳрибонлик кизлар хуснига ҳусн кўшади.

5. Иккиюзламачилик, бахиллик, иғвогарлик, фирибгарлик, гина-адоват, хиёнат энг чиройли кизнинг ҳам обрўсини йўққа чиқаради.

6. Мулойимлик, ғамхўрлик, фидокорлик, сабр-бардош кизларга хос яхши фазилатлардир.

7. Яхши фазилатлардан бири – бу, шукр қилмоқликдир. Бошқалардан қимматбаҳо совғалар кутиш ва сотиб олишни талаб қилиш маданиятсизлик нишонасидир.

8. Алламаҳалгача кўча-кўйда, қон-қариндошлар, дугоналари уйларида юриш кизларга ярашмайди.

9. Оилали бўлгунга қадар олий маълумот олсалар ё бирор бир касб-ҳунарни ўргансалар, келгусида пушаймон бўлмайдилар.

10. Балоғат ёшига етган қизлар эр танлашда шошилмасликлари керак. Эр-хотин билим ва дунёқараш, насл-насаб, эстетик дид, қадқомат, мол ва мулкдорлик жиҳатидан бир-бирига мос бўлишлари шарт.

11. Қизлар хабар олувчи, қон-қариндошлар орасида муросакор бўлишлари керак.

12. Яхши билишлари керакки, эр танлашда хатоликка йўл қўйган аёллар келгусида эрсиз қолишлари мумкин.

13. Қизлар ишқ бошқа, эр-хотинлик бошқа эканлигини ёдда тутишлари зарур. Улар ўз қизлик ифбатларини ҳамиша асрамоқлари лозим.

КЕЛИНЛИК БУРЧЛАРИ

Вақт шамол каби ўтиб кетади. Кечагина орзулар осмонида шод-хуррам, озод қуш каби учиб юрган кизалоқ, қарабсизки, келин бўлибди. Бу нозанингина келин кечагина ота-онасига эркатойлик қилиб, истаган ишини қилар, қўнглига ёққан кийимини кийиб, истаган қон-қариндошлари ва дугоналари уйларига хоҳлаган вақтида борар, истаган маҳал телевизор кўрар, истаганича истироҳат қилиб, вақтини ўз билганича сарфларди. Энди эса, бошқа даргоҳ, бошқа муҳит, бошқа шарт-шароит, бошқа одамлар. Энди бу янги оилада ўз оиласида ўрганган одоб-ахлоқи, рўзгор ишлари, тажрибалари керак бўлади, токи тушган хонадониди

ўрнини топиб, ўзига яраша ҳурмат-эҳтиромини қозонса.

Тўйдан кейинги дастлабки кунларда хонадон аҳли келинчакка меҳрибонлик ва самимийлик билан муносабатда бўладилар. Ана шу даврда у эҳтиёткорлик билан аста-секин ўзи учун янги бўлган оиланинг муҳити ва бу ердаги одамларнинг феъл-атворларини ўрганади. Ҳар бири билан муносиб муомалада бўлиш йўлларини излайди. Бир ҳафтадан кейин ҳаёт уни синовдан ўтказга бошлайди. Энди унинг ҳар бир ишни ижозат билан қилишига тўғри келади.

Ҳар куни эрталаб ҳаммадан олдин туради, ховлини супуриб, эрталабки нонуштага дастурхон ёзади, хонадон аҳлини иш ва ўқишларига жўнатиб, хўжалик ишлари билан шуғулланади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига очик чеҳра ва самимий табассум билан муомала қилиш келинларнинг яхши сифатларидан ҳисобланади. Айниқса, қайнона ва куёвнинг опа-сингиллари билан яхши муносабатда бўлиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини жойига қўйиш келиннинг муҳим вазифаларидандир. Ҳаётга ҳар томонлама тайёр келин ота-онасига раҳматлар келтиради.

Келинларга ҳам айрим тавсияларимизни ҳавола этамиз:

1. Оилада яхши ният, умид ва орзулар билан яшашни ўрганинг.
2. Турмуш ўртоғингизга аввалдан меҳрибон, ғамхўр ҳамда итоаткор бўлинг. Бирор бир ноҳўя иш ва ё сўзингиз билан уни ранжитмасликка ҳаракат қилинг. Акс ҳолда, бу қилмишингиз бутун ҳаётингиз давомида хижолат ва пушаймонлигингизга сабаб бўлади. Ёдда тутинг: у келгусида фарзандларингиз отаси, оила пушти паноҳи, таъминотчиси, энг яқин маслаҳатчи ва бир умрлик дўстингиз бўлади.
3. Ёлғончилик, ёлғон қасам ичиш, бахиллик, иғвогарлик ва хиёнатдан узоқ бўлинг.
4. Эрингиз пул, мол-мулкининг асрагувчиси бўлинг. Унинг руҳсатисиз бировнинг манфаатига сарфламанг. Чунки ўғрилиқ ва хиёнат – кечирилмас гуноҳдир.
5. Хонадон сирини ҳатто ота-онангизга ҳам айтманг.
6. Хонадон аъзолари ўртасида низо чиқарманг, уларни бадном қилишга уринманг. Чунки «Ким бировга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилур».

7. Исрофгарчиликка йўл қўйманг, ҳар бир сўм ва ҳар бир нон ушоғининг қадрига етинг.

8. Ҳаддан ташқари сунъий пардоз-андозга берилиб кетманг. Шарм-ҳаёни энг зўр пардоз деб билинг. Хусн хусн эмас, ҳаё хусндир.

9. Мол-давлатга кўнгил қўйманг.

10. Оиланинг бор-йўғида шукрли ва сабр-тоқатли бўлинг.

11. Оила осойишталиги, эр ва фарзандларингиз саломатлигини бебаҳо давлат деб билинг.

12. Бирор жойга бориш, бирор нарса сотиб олиш, бирор ишни қилишни истасангиз, аввало эрингиздан рухсат сўранг. Зарурат бўлиб қолиб, эрингиз бўлмаса, қилган ишингиздан уларни хабардор қилинг. Чунки Сукрот айтганидек: «Ҳар бир сир олдинроқ ё кейинроқ ошкор бўлади».

13. Ҳамма вақт кечиримли бўлинг. Оила аъзоларига гина-адоват қилиш келинчакка ярашмайди.

14. Хонадоннинг яхши қадбонуси бўлишга ҳаракат қилинг. Оилада кўпроқ низолар келиннинг ҳунарсизлигидан бошланади. Хонадон аҳлига лаззатли пиширикларни тортиқ қилиб, улар кўнглини шод этинг.

15. Ўз пулингиз ё ота-онангиз томонидан берилган молларингизни эрингизга кўз-кўз қилишингиз одобдан эмас.

16. Оила аъзоларингиз олдида бошқаларнинг мол-давлатини таърифлаб, оилангиз яқинлари камчиликлари ва ножўя ишлари ҳақида гапирманг. Аксинча, уларнинг яхши ва ибратли жиҳатларини мактанг.

17. Эрингизни асосиз рашқ қилманг. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

18. Хонадон бошлиғининг ғазабланган ҳолатида ёки мастлигида узок сукутда ва хомуш бўлиш яхши.

19. Оила аъзоларингиз ва эрингизнинг ярашмайдиган, ювилмаган ё эски кийимда ташқарига чиқишларига йўл қуйманг. Бордию кийимга эътиборсиз бўлсалар, сиз ўргатинг, ўзларига ярашадиган кийимларни кийишларига ҳаракат қилинг.

20. Эрингиз олдида хунук ва бадбўй кийимлар билан ўтирманг.

Кийимларингиз тоза, нафис ва хушбўй бўлишига ҳаракат қилинг.

21. Эрингиз олдида ҳаддан ташқари ноз-карашма ва пардоз-андоз қилишингиз яхши эмас. Бу борада ҳам меъёрга риоя этиш маъқул.

22. Кам гапириш, кам ичиб-ейиш, кам ухлашга одат қилинг.

23. Ўз қон-қариндошларингизга қандай муносабатда бўлсангиз, эрингиз қон-қариндошларига ҳам шундай муносабатда бўлинг.

24. Сизнинг яқинларингиз томонидан эрингизнинг яқинларига нисбатан ҳурматсизлик содир бўлмаслигига ҳаракат қилинг. Сиз улар ўртасида муросакор бўлинг.

25. Агар сизнинг маслаҳатингизга эҳтиёж бўлса, ўз мулоҳазаларингизни айтинг, йўқса ҳар бир ишга беҳуда аралашаверманг.

26. Яхши хотин-қизлар билан суҳбатда бўлинг, ёмонларидан узок юринг.

27. Ҳамма вақт ўзингизни ҳақ деб билманг. Атрофдагиларнинг тўғри маслаҳатини қабул қилинг. Нотўғри бўлса, гап қайтармасдан, ўз фикрингизни ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилинг.

28. Агар сўзингиз ва муносабатингиз низо чиқишига сабаб бўлиб қолса, яхшиси ўзингизни кўрмаган ва эшитмагандек тутинг.

29. Эрингиз ва унинг яқинлари томонидан содир қилинган камчиликларни уларга рўқач қилиш унчалик яхши эмас.

30. Агар эр-хотин аҳил ва яхши фазилатли бўлсалар, оила даромадини маслаҳат билан биргаликда барча эҳтиёжларга сарф қилишлари маъқул. Агар эри ёмон одатли бўлса, хотини ўзи барча даромадлардан оқилона фойдаланиши керак.

31. Тўйнинг илк кунларидан қайнона ва қайнисингиллар билан яхши муносабатни йўлга қуйинг, улар кўнглини топинг.

32. Эрингизнинг ота-онаси ва ўз ота-онангиз томонидан берилган жиҳозлардан бир хилда асраб-авайлаб фойдаланинг.

33. Барча меҳмонларни, хоҳ сизга, хоҳ эрингизга қарашли бўлса, бир хил иззат-икром билан қарши олинг. Ўз ота-онангизга қандай меҳрибонлик қилсангиз, эрингизнинг ота-онасига ҳам шундай меҳрибончилик кўрсатинг.

34. Келинингиз келажакда сизга яхши муносабатда бўлишини

истасангиз, қайнонангизга ҳам шундай муносабатда бўлинг.

35. Эрингизнинг оила аъзолари ўртасида ҳурмат-эҳтиром ва ахилликни барқарор этишга ҳаракат қилинг. Улар ўртасидаги низолар сабабчиси бўлманг.

36. Эрингиз билан шундай яхши муомала қилингки, бошқа жойда бундай хузур-ҳаловат топмасин.

37. Доимо ширинсўз, хушмуомала, камтарин, иболи, итоаткор, саранжом-сариштали ва гўзал бўлишга ҳаракат қилинг.

38. Жиддий далил-асоссиз эрингиздан талок сўраманг. Чунки ривоят қилишларича, эркак киши бу калимани тилга олганда бутун борлик: тоғ-тепалар, дашт-сахро, дов-дарахтлар ларзага келар экан.

«Ҳар аёлким эридан далилсиз талок сўрайди, фирдавс боғи атридан маҳрум бўлур» (Ҳадис).

ОНАЛИК БУРЧЛАРИ


Кечагина матолардан кўғирчоқ ясаб, ўзича аллалар айтиб, она бўлиш орзусида юрган кизча бугун шарафли Она номига муяссар бўлди. Энди унга яна бир масъулият – боласига ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш, энг муҳими, болани яхши тарбиялаб вояга етказиш юкланди.

Она янги туғилган боласига оила аъзолари маслаҳати билан муносиб исм қуйиши керак. Боласининг жисмини парваришлаш каторида уни руҳан тарбиялаши ҳам лозим. Оналар ўз аллалари билан боланинг тили ва онгини шакллантирадилар.

Оналарнинг мўтабарлиги, мунислиги ва меҳрибонлиги ҳақида бир донишманд айтган экан: «Дунёда гўдакни қўлига олган онадан кўра бошқа гўзалроқ киши йўқ».

Ҳар бир аёл – она, мураббий ҳисобланади. Ёш оналарга янги туғилган боласини парваришлаш ва тарбиялаш мушкул кечади. Бунда оналаридан ўрганган тажрибалари, окила ва сабрли қайноналари ёрдам бера олади.

Ўтмишда оналаримиз ўнта ва ундан ортик фарзанд туғар эдилар. Бу оилавий шароит, турмуш



салбий таъсир кўрсатарди. Ҳозирги тиббиёт илми муайян вақт оралиғисиз туғиш аёл саломатлигига зарарлигини исботлади. Миллий анъанамизга мувофиқ она боланинг соғлом ва бақувват вояга етиши учун унга икки йил сут бериши керак. Мазкур даврда она ўз саломатлиги ва қувватини барқарор қилади, бола тарбияси ҳам энгиллашади. Бу эр-хотин розилиги билан амалга ошади. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун аёллар шифокор маслаҳатига амал қилишлари керак.

Болани боғча ва кейинроқ мактабга бериш яхши натижа беради. Унинг мураббий ва ўқитувчилари билан тез-тез учрашиб, ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қиз боланинг тарбиясига кўпроқ оналар масъулдирлар. Уларга уй-ҳовлини супуриш, таом пишириш, ювиниш, либосларни тикиш, гўдакларга қараш каби рўзгор ишларини ўргатишлари лозим. Балоғат ёшига етганда аёлларга хос фазилатлар, эри ва унинг оила аъзолари билан муносабат тарзи, оилавий муаммолар ва уларнинг ечими, рўзгор тутиш йўл-йўриқларини ўргатиб, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашлари зарур.

Энди болаларни уйли-жойли қилиш вақти келди. Бу – ниҳоятда жиддий ва айни пайтда мураккаб масала. Қизимни ким келин қилади? У қандай оилага боради? Ҳаёти қай тарзда кечади? Бу саволлар ҳар бир она ҳаёлидан кечади. Ё аксинча, ўғлимга кимни, қаердан, қайси оиладан келин қиламан? Бу ишларда бепарволик, эътиборсизликка йўл қуйиш мумкин эмас, «Етти ўлчаб бир кес» деган мақолга амал қилиш айни муддао.

Болангиздан сўрамасдан уни уйлантириш – бу, жиддий хато. Ким билан оила қуриш нияти борлигини ундан сўраш лозим.

Ёшлигида болалар кўпгина нарсаларнинг фарқига бормайдилар. Улар ота-оналар касбига, ажодлар анъаналарига ва келажакдаги турмуш ўртоғининг феъл-атворига эътибор бермасдан муҳаббат изҳор қилишлари мумкин. Болангизнинг кимга майли бўлса, унинг хулқ-одобини, оила муҳитини ўрганиб чиқинг. Ҳатто ёши ва мучалига эътибор беринг. Ҳамма муълумотларни ўрганиб чиқиб, кейин бир хулосага келинг. Баъзида ота-оналар муқобил тарафнинг мол-мулки, уй-жойи, мансабига қараб келин

излайдилар. Фарзандлар ҳам зохирий ҳусн-жамол ё мол-давлатга берилиб, бир-бирларига севги изҳор қиладилар. Натижада кўп ўтмай табиатлари бир-бирларига тўғри келмай оила бузилади, ўрталарида фарзанд бўлса, тирик етим бўлиб қолади. Бу ҳақда бир неча ҳаётий мисоллар келтирамиз:

Бир қизни фақат отаси истаги билан эрга берадилар. Уч йилдан сўнг оилавий низолар ва тушунмовчилик натижасида бир бегуноҳ фарзанди билан эридан ажрашади.

Бир қизни мажбуран эрга берадилар. Қиз беш кун яшайди. Эри билан яқинлашмасдан ажрашади. Шунча сарф-харажат зое кетади.

Бир йигит ўз қариндошлари қизига уйланишни хоҳламасди. Тўйдан кейин йигит билан қиз ҳеч муроса қила олмай ажрашадилар. Қариндошлар ва ака-укалар муносабатлари ҳам бузилади.

Оналарга ўз қариндошлари билан куда бўлмасликларини маслаҳат берамиз. Чунки бу уларнинг фарзандлари саломатлигига ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин. Бегоналар билан куда бўлинг, қариндошларингиз кўпаяди, соғлом ва бақувват фарзандлар дунёга келади.

Оналарга бир қатор маслаҳат ва тавсиялар:

1. Энг аввало болангизга яхши исм қўйинг.

2. Дилбандингиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун ҳамма ишингизни режалаштиринг. Болани овқатлантириш, тозаллиги, дам олиши, ўйинига вақт ажратиш, бунга қатъий амал қилинг. Бу болангизнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига кўмак беради.

3. Бола ухлаб ётганида ё ўйнаётганида қаттиқ гапириш, телевизорни баланд овозда қўйиш, жанжал қилиш салбий таъсир қилади.

4. Лоқақал 6 ой ё 1 йилгача болани ўз сутингиз билан эмизишга ҳаракат қилинг. Сутингиз камлиги ё етишмаслиги ҳолатларида шифокор маслаҳатини олиб, унга амал қилинг. Ҳар нарсани меъёрдан ортиқ едириш ё кунлик режага амал қилмаслик боланинг касалланишига олиб келиши мумкин.

5. «Менинг вазифам – болани вояга етказиш» – деб, бошқаларга ҳурматсизлик қилиш – оналарга ярашмайдиган одат.

6. Ҳамиша болангизга исмини тўлиқ ва чиройли талаффуз

килиб мурожаат қилинг. Унга одоб-ахлоқ ва муносабат борасида намуна бўлинг. Чунки у сизга тақлид қилади. Унга ҳамиша ширин сўзлар айтиб, эҳтиром туйғусини сингдилинг, «сиз» деб мурожаат этишни ўргатинг.

7. Болангизга ёлғон ваъдалар берманг. Берган ваъдаларингизни ижро қилинг. Акс ҳолда унинг сизга бўлган ишончи йўқолади. Боланинг ҳамма истагини муҳайё қилиш ҳам яхши эмас. Ўз навбатида унга нисбатан ҳаддан ташқари каттиққўл бўлиш ҳам нотўғри. Сизга нисбатан меҳри камаяди.

8. Гўдаклар олдида оила аъзоларингизга, қон-қариндошларингизга дағал гапирманг, уларни ҳақоратлаб, беҳурмат қилманг. Бу қариндошлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни камайтиради. Аксинча, фарзандлар, қариндошлар ўртасида меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиромни барқарорлаштиришга ҳаракат қилинг.

9. Аксарият оналар ўз қариндошлари совға қилган ўйинчоқлар ва кийим-кечакларни болаларига эслатиб турадилар, аммо эрининг қариндошлари совғаларини эслатмайдилар. Бу инсофдан эмас. Гўдакнинг қалбида онасининг қариндошларига ҳам, отасининг қариндошларига ҳам бир хил меҳр-муҳаббат пайдо қилишга интилинг.

10. Фарзандларингизни ҳаддан ташқари эркатланг ва бошқалар томонидан ортиқча эркатилишига ҳам йўл қуйманг, ҳатто болангиз ягона бўлса ҳам.

11. Болангизнинг руҳий ва жисмоний ривожланишига шароит яратинг. Одобсиз ва тартибсиз болалар билан ўйнашлари ҳамда борди-келди қилишларига йўл қуйманг.

12. Фарзандлар олдида эр-хотинга хос сўз ва амаллардан эҳтиёт бўлинг.

13. Оила ва хонадон аъзолари сирини болаларга айтманг.

14. Уларга ҳар доим совғалар келтираверманг. Одатланиб қолишади.

15. Ёши учга етганда хоналарини алоҳида қилинг.

16. Болаларга бир-бирларини ҳурмат қилишни ўргатинг. Бу эҳтиром бир-бирларига ака-ука ё опа деб мурожаат қилишларидан бошланади.

17. Болангизнинг билимли ва одобли бўлиб камол топиши учун ҳамма шароитни муҳайё қилинг, ўқув асбоб-анжомларини, кийим-кечакларини олиб беринг, унинг мураббий ва ўқитувчилари билан тез-тез учрашиб, ҳамкорлик қилинг.

18. Болангизнинг мактабдаги тўғарақларга қатнашишига эътибор беринг. Бўш вақти кўпайиб, ҳар қандай болаларга шерик бўлишига йўл қуйманг.

19. Болаларингизнинг яхши тарбияланишлари учун уларга бадий китоблар, газета ва журналлар, тарбиявий фильмларни топиб беринг. Ёшларига мувофиқ телевидение ва радио дастурларидан фойдаланинг. Ўз ёшларига мос келмайдиган кўрсатувларни томоша қилмасликларига ҳаракат қилинг.

20. Фарзандларга меҳнатсеварликни ўргатинг. Қизларга уй-рўзғор юмушлари: саранжом-саришталик, супуриш, тикиш, овқат пишириш, ўғилларга чорва молларига қараш, хўжалик ишлари, ер ва боғларни суғориш каби ишларни ўратиб керак.

21. Балоғат ёшига яқинлашган фарзандларга турмуш, оила сабоқларини тушунтириб бориш лозим. Келгуси ҳаётлари тўғрисида уларнинг хоҳиш-истагидан ташқари қатъий қарор қабул қилишнинг оқибати яхши эмас.

22. Балоғат ёшига етган болаларга алоҳида муносабатда бўлинг. Уларнинг юриш-туришига эътибор беринг. Уларга кичкина болаларга бўлгандек муносабатда бўлманг. Олий маълумотли ва касбухунар эгаси бўлишларига ҳаракат қилинг.

ҚАЙНОНАЛИК БУРЧЛАРИ

Қайнона бўлиш жуда мураккаб ва мушкул вазифадир. Ундан катта тажриба, билим ва маҳорат талаб этилади. Бир неча келин ва куёви бор хонадонда, набираларга меҳрибон момо бўлиш, уларни тарбиялаш ва эрқалатиш, оилада тинчликни сақлаш, келин-куёвларнинг қариндошлари билан муроаса қилиш, келинлар уйини рўзғор ашёлари билан тўлдириш, уларга уй-жой қурдириш, набиралар суннат тўйларини ўтказиш машаққатли ва масъулиятли

ишлардир. Бунда чукур мулоҳаза, сабр-токат, эҳтиёткорлик керак, чунки ҳар бир келин бошқа-бошқа оилаларда улғайган бўлиб, турлича хислатларга эгадирлар.

Қайнона оилада муҳим мавқега эга. У тинчлик-тотувликни, аҳилликни ва оила аъзоларининг яхши муносабатларини таъминлай олади. Айниқса, келинлар муаммосини ҳал қилиб, қайнота ва куёвларга яхши маслаҳат бериб, тўғри йўлга элтади.

Ҳар бир қайнона бу масъулиятни чукур англаган ҳолда қуйидаги маслаҳатларга амал қилса яхши бўлади:

1. Қайнона уй саранжом-саришталигида, овқат пиширишда, либос кийиш ва тикишда, рўзгор анжомларини жойлаштиришда, хўжалик ишларида, энг муҳими, эру фарзандлар ва набиралар билан муомалада бой тажрибага эга бўлиши лозим. Ҳамма ишда келин-куёв ва набираларига ўрнак бўлиши керак. Оилавий ҳаётда ҳийла ишлатиш, келин-куёв ва набиралар сирини ташқарига чиқариш – қайнонага ярашмайдиган нуқсондир.

2. Қайнона келинига ўз кизидек муносабатда бўлиши керак. Ўғлини қандай орзу-умидлар билан, қандай машаққатлар билан уйлантирганини унутмаслиги лозим. Шунингдек, қарилик дамларида, ё беморликда ўша келин дардига малҳам бўлишини, бир пиёла сув беришини ёдда тутиши керак.

3. Қайнона тарози паллалари мувозанатини асрамоғи лозим. Низолар пайтида унинг қайси паллада бўлиши масалани ҳал қилади. У ҳар икки тарафга бир хил қараса, муаммо ижобий ечим топади. Ноҳақ келин томон ё куёв томонга ёндошса, бу ёмон оқибатга олиб келади.

4. Қайнона ҳамма вақт келинга хайрихоҳлик билан қараб, уни сабр-қаноат, яхшилик, тинчлик-тотувлик ва фаровон турмуш тарзига чорлаши керак.

Яхши қайнона номига мушарраф бўлиш – ифтихор ва айни пайтда хонадон осойишталигини таъминлашнинг асосий омилдир.

Яхши ва ёмон одатли қайноналар бор. Айрим қайноналар ўзлари уй-рўзгор ишларини, оила тартиб-интизомини, кийиниш, саранжом-саришталик, фарзандлар билан муомала қилиш, эр хурматини сақлашни яхши билмай туриб, бу фазилатларни

бошқалардан талаб қиладилар. Ўз келинининг камчиликларини яшириш ўрнига ҳамма жойда овоза қиладилар, келини билан ўғлининг муносабатларини бузадилар. Ҳар хил майда-чуйда баҳоналар билан оиланинг ахиллигига раҳна соладилар. Ахир ёшларнинг айрим хато ва камчиликларини кечириш мумкин-ку?!

Борди-ю келиннинг юлдузи тўғри келмай қолса, ҳар хил ваз-баҳоналар билан, келин-куёвнинг самимий муносабатларини, бир-бирларини севиб ҳурмат қилишларини инобатга олмай, уларни ажратиб, ўғлини бошқасига уйлантириш ҳаракатини қиладилар. Бири билан муроса қила олмаган кайнона бошқаси билан келиша оладими?

Бир-бирларини чин дилдан севадиган, ё ўрталарида фарзанд бўлган айрим эр-хотинлар вазиятни тезда тушуниб, оила барбод бўлмаслиги учун бошқа жойга уй-жой қуриб, чиқиб кетадилар. Бундай кайноналар ўз эрлари гапларига қулоқ солмайдилар, не-не азоблар билан йиққан мол-мулкларига ачинмайдилар. Улар ўз вақтида кайнона-қайнота ва эрларига азоб берганлар. Бундай аёллар «ҳар ким ўз экканини ўришини» доимо ёдда тутишлари керак. Бу тоифа кайноналар ўз қизлари ва ўғилларига ачинадилар, бироқ...

РИВОЯТ. Қадим замонларда одамлар ёз фаслида салқинлиги боис томда ётарканлар. Бир кампирнинг ўғли ва келини томнинг бир тарафида, қизи ва куёви эса бошқа тарафида ётишган экан. Кампир кечаси томга чиқиб қараса, ўғли ва келини устиларини ёпиб олишган эмиш.

– Вой ўлай, шундай иссик ҳавода кўрпа ичида ётишларини қаранг, – деб кўрпани олиб ташлаб, уларга бир-бирларидан узокда ётишларини таъкидлабди.

Томнинг бошқа тарафига бориб қараса, қизи билан куёви бир-бирларидан узокда, устилари очик ётган эканлар.

– Вой ўлай, шундай совуқ ҳавода очик ётишларини қаранг-а, – деб уларни яқинлаштириб, устиларини ёпибди.

Воқеадан хабар топган бир киши ёка ушлаб дебди: «Ё тавба, бир томда икки ҳаво-я?!»

Яхши кайноналар окила, доно, ширинсўз, саранжом-саришта

аёллардирлар. Улар исрофгарчиликка йўл қўймадилар, ҳар қандай хўжалик ва уй ишларини аъло даражада бажарадилар, атрофдагилар билан яхши муомала қиладилар, бошқаларнинг қила олмайдиган ишларини ўргатадилар. Бундай қайноналар келинларининг унчалик жиддий бўлмаган хатоларини кечириб, сирларини яширадилар. Улар ўғиллари ва келинларининг бахтли, аҳил яшашлари учун ҳаракат қиладилар, келинларига ўз қизларидан қўра яхшироқ муносабатда бўладилар. Бундай қайнонаси бор хонадон аҳил, тинч-тотув ва бахтли ҳаёт кечиради.

Қайноналарга муҳим тавсиялар:

1. Хушмуомалалик, меҳрибонлик, саранжом-саришталик, тежамкорлик, озодаликда намуна бўлинг.

2. Оила муҳити, хонадон аъзоларининг феъл-атвориغا мослашиб олгунига қадар келинингизга танбеҳ бермаслигингиз, унга қаттиқ гапирмаслигингиз лозим. Шуни унутмаслигингиз керакки, бир куни унинг кўмагига муҳтож бўлишингиз мумкин.

3. Ўзингиз пазандачилик, кир ювиш, бичиш-тикиш ва хўжалик ишларида яхши маҳоратга эга бўлишингиз лозим. Ундан кейин келиндан талаб қилишга ҳақлисиз. Лекин ҳаддан зиёд талаб қилиш хато.

4. Келин ё куёвингизнинг ота-оналарини улар ё бошқалар олдида ёмонламанг. Чунки ўзингизга қайтиши мумкин.

5. Келин ё куёвингизнинг муомаласи ва ишларини мақтаб, уларни руҳлантиринг.

6. Келин ё куёвингизнинг хато-камчиликларини ҳеч кимга айтманг, уларга етгунча тамоман бошқача тус олади ва муносабатларингиз ёмонлашади.

7. Келинингизни ўз қизингиздек кўринг. Баъзилар ўз қизларига бошқача, келинларига бошқача муносабатда бўладилар. Гўё келин уларнинг чўрисидек, бу инсофдан эмас.

8. Келинингизни ҳаддан ортиқ ишлатиб, хор-зор қилманг. Агар жиддий камчиликлари бўлмаса, унга шафқатсиз бўлманг. Ёдда тутингки, у ҳам сизнинг азиз фарзандингиз каби бировнинг азиз фарзандидир. Биров сизнинг фарзандингизни шу қўйга солса, қандай ҳолатга тушасиз? Эҳтимол унинг ота-онаси, ё бирон-бир яқин қариндоши ва борадиган жойи йўқдир. Бу қилмишингиз тўғрими?

9. Агар келинингиз касал бўлиб, касалхонага ётиб қолса, унга ғамхўрлик кўрсатинг. Ота-онаси харажат қилишларига йўл қўйманг. Ахир у сизнинг оила аъзоингиз. Келинингиз ҳомиладор бўлса, набирангизнинг соғлом ва бақувват туғилиши учун барча шарт-шароитнинг мухайё этилишига эътибор беринг.

10. Эрингизга меҳрибон ва ғамхўр, келин-куёвингиз ибрат олишига арзигулик муносабатда бўлинг.

11. Мол-дунёга ҳирс қўйманг. Арзимас нарсалар деб келинингизни ранжитманг. Кўпгина масалалар сизга боғлиқ. Раҳматли онам айтардилар: «Мен яхшиман, оилам яхши».

12. Яхши ном чиқаришга ҳаракат қилинг, одамлар сиз билан куда бўлишга ҳавас қилишсин.

13. Келинингизнинг ота-оналари билан борди-келди муомаласида самимий бўлинг. Қизингизнинг осойишталиги ва бахти учун куёвингизга ҳам самимий муомала ва эҳтиромда бўлишингиз лозим.

14. Ўғлингиз билан келинингиз, ё кизингиз билан куёвингизга гина-адоватингиз бўлса, дардингизни набираларингиздан олманг. Уларга меҳрибон бўлинг, фарзандларингиздан кўрмаган яхшилик ва ғамхўрликларни набираларингиздан кўришингиз мумкин. Уларнинг ҳаддан зиёд эрка бўлишларига ҳам йўл қўйманг.

15. Келин қайнона изидан дейдилар. Бинобарин ёлғончилик, бахиллик, ҳасадгўйлик, фириб, найранг, хиёнат каби салбий жиҳатлардан узоқ бўлинг.

16. Агар Сизнинг шароитингиз қизингиз шароитига нисбатан яхши бўлса, ёрдамингизга эҳтиёжи бўлса, чин дилдан кўмаклашинг.

17. Қайноналар қизлари ёки ўғиллари оиласи бузилмаслиги, ҳамда кейинги ўғилларига келин олиш учун ҳар қандай қийинчиликларни енгишлари керак.

ЎҒИЛЛИК БУРЧЛАРИ

Оилада ўғил туғилиши – бу, ота-она, қавм-қариндошлар учун бебаҳо бахт ва шодликдир. Ўғил туғилишини ҳамма замонларда,

бутун миллату элатлар кувонч билан қарши олиб келадилар. Ўғил келажакда оиланинг таянчи бўлади, отаси касб-хунарини давом эттиради. Ўғил туғилиши ота-она учун хотиржамлик демакдир. Чунки ўғил қарилик пайтида ота-онага куч-қувват, уларга қаровчи, асрагувчи ва тупрокка топширгувчи, уларнинг чирогини ёндиргувчи бўлади.

Ота-оналар ўғилларининг чаккон, довюрак, қўрқмас, ботир, паҳлавон, билимли, ақлли ва касб-хунарли бўлишлари учун, келажакда Ватан ва халқига хизмат қилишлари йўлида ҳаракат қиладилар. Соғлом вояга етишлари учун борлиқларини аямайдилар. Уларни устозлар ва ҳунарамандларга тарбия учун топширадилар. Ўтмишда ўғил сиймосида паҳлавонлар, қахрамонлар, ўктам жангчилар ва етук савдогарларни кўрардилар. Шунинг учун ўғил туғилганда тўй-томошалар берардилар.

Ҳозирги замонда моддий жиҳатдан бойлигимиз, неъматларнинг фаровонлиги, техниканинг ривожланиб бораётгани, замонанинг тинч-осойишталигига қарамасдан баъзи оилаларда одоб-ахлоқ, аҳил-иноқлик ва меҳр-оқибат нисбатан паст даражада.

Ота-оналари маърифатли ва меҳнатдўст хонадонларда фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратилади, бундай таълим-тарбияси учун барча шароитлар яратиб берилади. Натижада уларнинг фарзандлар баркамол бўлиб улғаядилар, яхши касб-хунар эгаси бўлиб, халққа хизмат қиладилар. Ота-оналарини ҳамиша эъзозлаб, уларнинг айтганларидан ҳеч қачон чиқмайдилар.

Низомий Ганжавий айтганидек:

*Гофил ўтирма: ўйин вақтимас,
Хунардан унсин гурур ва ҳавас.
Дониш талаб қил, бўлгил улугроқ,
Кунингдан кунинг бўлсун бўлугроқ.*

Тўғрисўзлик, жасорат, яхшилик қилиш ёшларга хос фазилатлардандир. Иккиюзламачилик, фирибгарлик, кўрқоқлик, ваъдабозлик ва шикоят уларга ярашмайди. Қизлар ва аёлларга кўмаклашиш ўғил болаларнинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки Худо кизлар ва аёлларни эркакларга нисбатан заифроқ қилиб яратган. Қариялар, касаллар ва муҳтожларга ёрдам бериш ҳам ўғил болалар зиммасидадир.

Қизлар ва аёлларга қандай муносабатда бўлишни ўғил болалар оилада ота-онасидан ўрганадилар. Фақатгина ўқиб маълумот олган, ё бирор-бир касб эгаси бўлган, одобли, фаросатли ўғил мустақил ҳаёт кечиришга, оила қуришга тайёр бўлиши мумкин. Оилали бўлиш учун ота-она, дўстлар, ака-опалар ва сингиллар ҳамда қариндошлар билан маслаҳатлашиш одобдандир. Агар бировни севсангиз, у ҳақида ота-онангиз ва бошқа яқинларингизга гапириб беринг. Уларнинг розилигини олиб, кейин оила қуришга ҳаракат қилинг.

«Ота рози – Худо рози,

Она рози – ҳамма рози»

– деб бежизга айтилмаган.

Ўғиллар ота-оналари қариб қолган бўлиб, ҳеч бир ишни ҳал қила олмасалар ҳам, миллий анъаналаримизга кўра, оила бошлиқлари сифатида уларнинг ҳурматларини жойига қўйишлари керак. Ўзларининг бир неча ўғил-қизлари бўлса ҳам ҳар бир ишда уларнинг маслаҳат ва дуоларини олишлари лозим. Бу фарзандлар тарбиясида ўз самарасини беради.

Ёшлар маҳалла ободонлиги ва оилалар фаровонлиги уларнинг меҳнат фаолиятларига боғлиқ эканлигини билишлари керак. Ёшлар Ватан ва халқ таянчларидирлар.

Ўғил болаларга бир неча тавсиялар:

1. Билимли, ақл-фаросатли, сабр-тоқатли, намунали обод-ахлокли, хушмуомала бўлишлари ва ҳамisha покиза кийинишлари лозим.

2. Ота-боболар, она-момоларни кадрлаш, уларга муруват кўрсатиш, улардан ҳеч нарсани аямаслик ўғил болаларнинг ақл-фаросатли эканлигидан дарак беради.

3. Ўғил болалар ҳамма жойда ўз фазилатлари билан ўрناк бўлишлари керак. Тартиб-интизомлари уларнинг обрў-эътиборини оширади.

4. Шижоатли, ботир, ўқтам, ташаббускор, тадбиркор, ишбилармон, тўғрисўз ва ваъдага содик бўлишлари лозим.

5. Одамлар орасида жанжаллашиш, кимнидир ҳақоратлаш, тартиб-интизом ва осойишталикни бузиш йигитчиликдан эмас.

6. Хушчакчаклик ва очик чехралилик йигитларга ярашади.

7. Йигитларнинг энг асосий вазифаларидан бири – бу, қариялар, заифлар, беморлар ва мажрухларга кўмаклашишдир.

8. Ёлғончилик, чақимчилик, риёкорлик, ҳасадгўйлик, бахиллик, хийла ва найранг, ваъдага вафо қилмаслик, хиёнат ёмон хислатлар бўлиб, йигитлар обрў-эътиборини пасайтиради.

9. Ўғрилиқ, киморбозлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ҳалокатли одатлардир. Бундай ишлардан узоқда юринг. Одамлар бундай ёшлардан нафратланадилар.

10. Оилада опа-сингилларига, ака-укаларига нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари керак. Кўча-кўйда, маҳаллада ҳам атрофдагиларга нисбатан шундай муносабатда бўлишлари шарт.

11. Тўй-маъракаларда, томоша ва мусобақаларда ўғил болалар ўзларининг жасурликлари, зийракликлари ва ботирликларини кўрсатишлари лозим.

12. Ишлари юришмай қолганда, табиий фалокатлар, касаллик, мусибатлар пайтида маъюс бўлмай, тadbиркорлик билан масалани ижобий ҳал этиш чораларини топишлари керак.

13. Севги изҳор қилишда саросималик ва ҳою-ҳавасларга йўл қўймасликлари лозим. Ўз қарор ва режаларини чуқур мулоҳаза қилиб, яхши кўрган қизларининг табиати, оила аъзолари, уларнинг қариндошлари, қўшниларининг унга нисбатан муносабатларини ҳар томонлама ўрганиб, кейин севги изҳор қилсалар яхши бўлади.

14. Ота-оналарининг ҳар бир истак ва маслаҳатларини ижро этишлари керак. Чунки ота-оналарига қандай муносабатда бўлсалар, фарзандларидан ҳам ўша муносабатни кўрадилар.

15. Қонун-қоида ва шариатга зид бўлган ота-она буйруқларини ижро қилмасликлари лозим. Аксинча, уларга вазминлик билан тўғри тушунтириб, бу ниятларидан қайтаришлари керак.

КУЁВЛИК БУРЧЛАРИ

Кечагина ширин хаёллар оғушида, парвои фалак бўлиб, ўйнаб-кулиб юрган, рўзғор ташвишларидан хабари йўқ ўғил бола бугун

бир кизга уйланиб, оила бошлиғи ва куёв номига эга бўлди. Шу кунгача у истаган ишини қилар, вақтини билганича сарфларди. Кечалари алламаҳалгача кўчаларда ва дўстлари уйларида юрарди. Бугундан бошлаб унинг ҳар бир қадами, ҳар бир иши ва ҳар бир борган жойини назорат қилувчи одами бор. Бугундан бошлаб унинг мажбуриятлари икки қарра кўпайди. Энди ҳар бир ишни мулоҳаза билан қилиши керак. Келинга мулоимлик ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлишига тўғри келади. Чунки у оиланинг янги аъзоси бўлиб, куёвнинг яқинлари билан тўлиқ таниш эмас. Унга оила аъзолари хислатларини атрофлича ўрганиши учун имконият яратиш лозим.

Аксарият хонадонларда ота келин билан тез тил топишади, бироқ ҳамма оналар ҳам келин билан муроса қила олмайдилар. Бордию йигит онаси истаган қизга уйланмай, ўз севгани билан оила қурган бўлса, кўпинча онанинг келин билан муроса қилиши қийин кечади. Бундай ҳолларда куёв она ва келинни муросага келтириш учун актёрлик қобилиятини ишга солишига тўғри келади. Уларнинг ноҳўя гапларини бир-бирларига айтмай, аксинча яхши жиҳатларини айтиб, бир-бирларига нисбатан меҳр уйғотишга ҳаракат қилиши керак. Куёв онасининг ҳар бир гапига қулоқ солиб, хотинини таҳқир қилиши яхши натижа бермайди. Шундай муносабатда бўлсинки, «ҳам лаъл қўлга келсин, ҳам ёр ранжимасин».

Куёв оилада қатъий фикр эгаси бўлиши керак. Барча рўзгор эҳтиёжларини ўз вақтида муҳайё қилиши унинг мартабасини мустаҳкамлайди.

Доно ва зийрак куёв онасини бир кафтида, хотинини бошқа кафтида кўтаради. Хотинни деб онадан, она кўнгли деб хотиндан воз кечиш – жиддий хато. Хотини ҳам она эканини, яъни фарзандларининг онаси эканлигини унутмаслиги керак. Шунга кўра, аёл ҳақ-ҳуқуқларини камситиш – инсофдан эмас. Икковлари билан тил топишиб, уларнинг ўзаро яхши муносабатларини таъминлаши лозим.

Куёвларнинг қуйидаги тақлиф ва тавсиялар юзасидан иш тутишлари уларнинг оиласи мустаҳкам бўлишига замин яратади:

1. Хотинингизни хурмат қилинг, ўзингизга нисбатан меҳр-мухаббат ва ишончини уйғотинг, ўзингиз ҳам унга нисбатан ишончли бўлинг.

2. Келиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қариндош-уруғлари ва кўшниларию дугоналари билан яхши муносабатда бўлинг. Бу уларда сизга нисбатан хурмат туйғусини уйғотади.

3. Имкон қадар хотинингиз мол-мулки ва бойлиги, ота-онасининг ёрдамига умид боғламанг. Ҳар бир керакли нарсани ўзингиз топиш ё қилиш ҳаракатида бўлинг. Чунки хотинингиз бирор кун сизга таъна қилиши мумкин.

4. Хотинингизга алломалар насихатлари, ҳикоятлар, ҳаётий ибратли воқеаларни айтиб бериб, унда ёлғончилик, ҳасад, бахиллик, ғийбат қилиш каби ёмон одатлар мавжуд бўлса, уларни бартараф қилишга ҳаракат қилинг. Бу оилада низолар ва тушунмовчиликлар юз беришининг олдини олади.

5. Илк кундан бошлаб, оилавий даромадларингизни бир-бирларингиздан яширманг. Аксинча, маслаҳатлашиб тўғри сарфлаш мақсадга мувофиқ.

6. Хотинингиз билан ўрталарингизда бўлган гап-сўзларни ташқарига чиқарманг. Ишхонада ё кўча-кўйда бўлган ҳар бир ишни келинга айтиш шарт эмас. Фақатгина керакли, тарбиявий жиҳати бор нарсаларни айтиш ўринли. Яхши хонадонларнинг яхши келинлари ва муносабатларини гапириб беринг.

7. Хотинни, жиддий камчилик ё сабаб бўлмаса, ҳақоратлаш, уриш, камситиш, хўрлаш, хизматкордек ишлатиш одобдан эмас. Ҳозирда эр-хотин ҳуқуқлари тенг эканлигини унутманг. Агар бундай муносабатни сизнинг синглингиз ё опангизга раво кўришса, тоқат қилармидингиз?

8. Хотинингизни асоссиз рашк қилманг. Ҳаддан зиёд рашк қилишингиз оилангиз бузилиши, ёки хотинингизнинг сизга хиёнат қилишига олиб келиши мумкин.

9. Хотинингизнинг ўқиши, касб-ҳунар ўрганиши, ёки ишлашига яхши имконият яратиб беринг. Бу оилангиз фаровонлигига хизмат қилади.

10. Хотинингизга истаган либослари ва керакли нарсаларини харид қилиб беринг. Аммо ҳаддан ташқари қиммат заргарлик буюмларини олиб бериш яхшиликка олиб келмаслиги мумкин. Ўрта харжни танланг.

11. Келинга ҳаддан зиёд меҳрибонлик кўрсатиш, уни таърифлаш ҳам яхши натижа бермайди.

12. Ўзаро муомалада, кийинишда, ишлаш ва тановул қилишда шундай чиройли ва намунали бўлингки, хотинингиз сиздан зиёд эрақни кўрмасин.

13. Рўзгор ишларида сизга эҳтиёж туғилса хотинингизга ёрдам беринг.

14. Аёллар байрами ва туғилган қунида кичкина бўлса ҳам совға бериб, уни табриклашни унутманг.

15. Жиддий далил-асоссиз талок сўзини ишлатмаслик керак. Бу сўз билан хотинни ўртага қўйиб қасам ичиш ҳам ёмондир. Чунки бу сўзни тилга олгандан сўнг уйдан файз-барака, тинчлик-осойишталик кўтарилади. Бу сўз ҳуда-беҳудага ёки ҳазиллашиб айтиладиган сўз эмас. Уни минг-минглаб маротаба ўйлаб, сўнгги чора сифатида ишлатиш мумкин. Ҳадисда «Оллоҳ ёмон кўрадиган нарса – бу, талок» дейилган.

ОТАЛИК БУРЧЛАРИ

Йигит уйланганидан сўнг бир қанча муддат ўтиб, фарзанд кўрди ва шарафли ота номига сазовор бўлди. Энди у жамият олдида фарзандли эрақ, оилада ота, оила бошлиғи, аёли ва фарзандлари таянчидир. Бошқа оила аъзолари қатори унинг ҳам фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиши, улар тарбиясига эътибор бериши даври бошланди. Энди уй шароитига янада жиддийроқ қарашига тўғри келади. Чунки оила шароити ва муҳитининг фарзандлар тарбиясида ўзгача ўрни бор.

Миллий анъаналаримизга кўра, оилада аксарият ишлар эрақларга боғлиқлиги боис оталар кўп жиҳатдан ҳамма оила аъзоларидан бутунлай фарқ қилишлари керак. Яъни отанинг билими, одоб-ахлоқи, ғайрат-шижоати, муомаласи, меҳрибонлиги

бутун оила аъзоларига ўрнак бўлиши лозим. Одатда ўғиллар кўпроқ оталарига таклид қиладилар. Шунинг учун оталар ҳамиша ёмон одат ва қиликлардан узоқ бўлишлари керак. Бир донишманд айтган экан: «Оталарнинг фарзандларига қолдирадиган энг яхши мероси – бу, яхши тарбиядир».

Оталар, Худонинг берганига шукур қилинг, киз туккани учун хотинингизни ҳақоратлаб, ранжитиб унга гина-адоват қилиш инсонийликдан эмас. Чунки киз ё ўғил туғилишига аёл айбдор эмас. Хоҳ киз бўлсин, хоҳ ўғил, ҳаммаси фарзанд. Айрим оталар хотинлари 2-3 нафар киз туғсалар улар билан жанжаллашиб, ажрашиб, бегуноҳ болаларни тирик етим қиладилар ва бошқа аёл билан турмуш қурадилар. Бир неча йилдан сўнг пушаймон бўладилар, бироқ кеч бўлиб қолади. Ахир, кўпгина қизлар вояга етиб, ота-оналарига ўғиллардан кўпроқ манфаат келтирадилар, ота-оналар ўғилларидан кўрмаган яхшиликларни қизларидан кўрадилар.

Оталар олдида фарзандлари келгусида ундан рози бўлишлари учун бешта асосий вазифа туради:

1. Муносиб, яхши исм қўйиш.
2. Ҳалол меҳнат ҳисобидан болаларни боқиш.
3. Агар фарзанд ўғил бўлса, уни хатна қилдириш.
4. Билим, касб-хунар, маълумот ва яхши одоб-ахлоқ эгаси қилиб тарбиялаш.
5. Балоғат ёшига етганда оилали қилиш.

Ривоят. Бир киши ўз ўғлини халифа ҳазрати Умар ҳузурига олиб келиб, ундан шикоят қилиб, айтди: «Ё, амиралмўминин, бу фарзандим менга итоат қилмаяпти, мени кўп ранжитмоқда, хатто бугун юзимга тарсаки туширди. Мен сиз ва тобеларингиз гувоҳлигида фарзандимни оқ қилиш учун келдим».

Ҳазрати Умар (р.а.) бу йигитга айтдилар: «Эй ўғлим, Исломия шариати олдида ота хизматини қилиш фарзанднинг энг буюк вазифаларидан эканлиги ва Оллоҳнинг ҳафалиги отанинг ҳафалигидан эканидан хабаринг йўқми?» Йигит Ҳазрати Умар (р.а.)га қараб, деди: «Албатта, отанинг фарзандга нисбатан ҳаққи кўп, аммо сиз марҳамат қилиб айтингчи, фарзанднинг ҳам отага нисбатан ҳақлари борми?» Ҳазрати Умар (р.а.) дедилар: «Ҳа,

ҳақлари бор. Энг аввало отанинг бурчи фарзандни ҳалол касб ҳисобидан едириш ва кийдириш, иккинчиси яхши исм қўйиш, учинчиси эса шариат илмини ўргатиш».

Йигит жавобан деди: «Ё амиралмўминин, сиз айтган ҳақларни биронтасини ҳам отам мен учун адо этганлари йўқ. Аввало онамни никоҳсиз тўрт юз дирҳамга сотиб олган, касби эса ўғрилиқ ва киморбозлик. Иккинчиси, менга «Жуъал» (капалакнинг бир тури) деб исм қўйган ва менинг касбим саркит териш. Ҳазрати Умар (р.а.) бу сўзларни эшитиб, отасига қараб дедилар: «Фақад аккақа», яъни Исломия шариати олдинга қўйган ҳақларни ижро эта олмаганинг сабаб ўғлинг сендан эмас, балки сен ўғлингдан оқ бўлдинг».

Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларга дедилар: «Икки томонлама оқ бўлишдан кўркинлар». Сўрадилар: «Ё Расулulloҳ (с.а.в.) бир томонлама оқ бўлишни биламиз, чунончи агар фарзанд ўз отонасини ранжитиб норози қилса «оки волидайн» бўлади. Аммо икки тарафдан оқ бўлиш қандай бўлади?» Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Агар ота-оналар шариат улар олдига қўйган ҳақларни бажара олмасалар, Исломия шариати олдида «оки писар» (ўғил) бўладилар. Бу иккинчи томондан оқ бўлишдир».

Оталар болаларни соғлом ва бақувват вояга етишлари учун хўжалиқ ишларига, молларни боқиш, ховлини саранжом-саришта қилишга жалб этиб, меҳнат ва спортга ҳавасларини уйғотишлари зарур.

Айрим оталар маошларини олиб, дўстлари билан кўча-кўйда ё тўйларда ҳуда-беҳудага сарфлайдилар. Баъзилари эса хотини ва фарзандлари маоши билан, оила шароитига умуман эътибор бермай майпарастлик қилиб юрадилар. Бу инсофдан эмас, албатта. Ота нимаики еса, кийса ва қандай истироҳат қилса оила аъзоларини ҳам шундай едириб, кийдириб ва истироҳат қилдириши керак.

Баъзи оталар ўзлари мактабларда, олийгоҳларда ўқитувчилик қилдилар, шоир ё бошлиқ, машҳур санъаткор ё спортчи, ё ҳуқук-тартибот идораларида ишлайдилар, аммо фарзандлар тарбиясига лоқайд қараб, истаган нарсаларини ҳаддан зиёд ижро этиб, уларнинг ғурурли ва ахлоқсиз бўлиб вояга етишларига сабаб бўладилар. Ҳолбуки, бундай оталарнинг фарзандлари ҳар жиҳатдан бошқа одамларнинг фарзандларидан устун туришлари лозим. Шу ерда бир

савол туғилади: ўз фарзандини тарбиялай олмаган ота бошқаларнинг фарзандларини тарбиялай оладими? Албатта, йўқ.

Айрим аёллар ҳам ўзларининг ёмон хислатлари билан, манманлик ва ғурурга берилиб, фарзандларининг эрка ва безори бўлиб камол топишига сабаб бўладилар. Айрим оилаларда эса ота ўзининг ёмон хислатлари билан ном чиқарган. Аммо хотинлари окила ва доно, фарзандларни одобли ва билимли қилиб тарбиялаб оладилар. Бироқ ўз турмуш ўртоғини тарбиялай олмайдилар. Бу эса фарзандларга кўпгина қийинчиликлар келтиради. Улар боғчада, мактабда, кўча ва маҳаллада, ўртоқларидан маломатлар эшитиб, рухий азоб чекадилар. Ва оталарига нисбатан меҳрлари йўқолиб, ҳатто нафратлари келади. Бу фарзандлар балоғатга етганда ҳам яхши одоб-ахлоқ, хусн-жамол ва касб-хунар эгаси бўлишларига қарамасдан, оила қуришда муаммоларга дуч келадилар. Яъни ахлоқсиз отасини инobatга олиб, киз бермайдилар, ё кизини келин қилмайдилар. Натижада узок вақт оила қурмай, охирида ноқулай тарзда оила қуриб, бир умр азоб чекишлари мумкин.

Шундан оталарни уч тоифага бўлиш мумкин: биринчи тоифага билимли, одобли, меҳнатсевар, ватанпарвар, атрофдагиларга меҳрибон ва ғамхўр оталар киради. Иккинчи тоифа оталар – билимсиз, одобсиз, парвойи фалақдирлар. Улар на ота-онасига, на хотини ва на болаларига ачинадилар. Ўз маишатларини ўйлайдилар холос. Учинчи тоифага лоқайд оталар мансуб. Улар ҳам на оилага қарайдилар, на жамиятга. Улар учун муайян мақсад йўқ, кунлари ўтса бўлди.

Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларимизни умумлаштириб, айрим маслаҳатларимизни оталарга ҳавола этамиз:

1. Миллий анъаналаримизга асосан оталар оила бошлиғи ҳисобланиб, оила тинчлиги, мустаҳкамлиги, аҳил-иноқлиги уларга боғлиқ.

2. Ота қонунга мувофиқ ота-онасини боқишга, фарзандларни вояга етгунча парваришlashга масъуллигини билиши керак.

3. Ота ҳеч қачон хатога йўл қўйиб, хотинига нисбатан ногўфри қарор чиқариб, болаларни етим қилмаслиги лозим.

4. Ота фарзандларни эъзозлаб, кадрига етиши керак. Чунки фарзанд тирноғига зор эркаклар ҳам бор.

5. Ота шундай ишлаб, яшаши керакки, фарзандлари таъна-маломат эшитиб, хижолат чекиб, маънос бўлмасин. Аксинча, оталарига ҳавас қилиб, улар билан фахрланиб, таклид қилишсин.

6. Ота кизларига нисбатан кўпроқ меҳрибон ва ғамхўр бўлиши лозим. Чунки улар бир муддат унинг меҳмонларидирлар.

7. Ота фарзандларнинг эрка, безори, ичкиликбоз, гиёҳванд, киморбоз ё хиёнаткор бўлиб вояга етишига йўл қўймаслиги лозим. Фарзандларга ҳеч қачон ёмон ишларни бажариш ҳақида буйруқ бермаслиги керак.

8. Ота ҳамиша фарзандларини, қаерда ва қимлар билан юрганини билиши керак. Улар устидан доимо назорат қилиб туриши зарур.

9. Фарзандга ҳаддан ортиқ эрк бериш мумкин эмас. Кибр-ҳавога берилиб, улар истаган қимматбаҳо нарсаларни, машина олиб бериш, дабдабали тўй-томошалар қилиш улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

10. Аёли беморлигида, ё бирор сабабга кўра уйда бўлмаганида ҳамиша фарзандлар билан бирга бўлиши керак. Ҳар қандай уй ишларини қилиши лозим. Болаларига оналари кўрсатадиган меҳр-муруватни кўрсатиши, уларнинг овқатланишлари ва кийинишларидан бохабар бўлиши, дарс тайёрлашларига шароит яратиб бериб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаши лозим.

11. Дам олиш кунлари ва байрамларда ота фарзандларни кино-театрларга, истироҳат боғларига ҳамда шаҳарнинг кўркем жойларига томошаларга олиб бориши керак.

12. Ота қон-қариндошлари, дўстлари ва қўшнилар фарзандларининг яхши хулқ-атвори, одоблари, яхши амалларини тез-тез мисол келтириб, ўз фарзандларини уларга таклид қилишга ундаб туриши лозим.

13. Оталар фарзандларини яқин, узоқ қариндошлари, дўстлари билан таништириб, тўй-тантаналарга олиб бориб, ўрталаридаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашлари керак.

14. Обрў-эътиборли оталар, яъни машҳур шахслар, педагоглар, раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, мулло, хожи ва масжид имомлари бўлсалар, фарзандлари бадахлоқ бўлмасликлари керак.

ҚАЙНОТАЛИК БУРЧЛАРИ

Мана, ота фарзандларини боқиб, тарбиялаб вояга етказди. Қизини эрга бериб, ўғлига келин олиб, келинли ва куёвли бўлди. Энди у келини ва куёвиги қайнота ҳисобланади. Қайнотанинг ҳам отага нисбатан ўзгача мажбуриятлари бор. Чунки у келгусида набираларнинг бобоси бўлади.

Қайнота келинига кизидек ва куёвиги ўғлидек муносабатда бўлмоғи керак. У мулоҳаза билан, келин куёвини феъл-атворларини ўрганиб, уларга оила аъзолари хулқини яқиндан ўрганишларига шароит яратиши лозим.

Миллий анъаналаримизга кўра, оилада икки-уч нафар келин бўлса, кичиги уйда қолиб, катталари бошқа жойга уй-жой куриб, кўчиб кетишади. Бунда қайнота уларга кўмаклашиши лозим. Уйда қолган келинга сал қийинроқ бўлади. Чунки қайнона-қайнота билан тил топишиш, улар таъбига мос овқат пишириш, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ва меҳмонларни яхши қарши олиш, уй саранжом-саришталигига қараш, хўжалик ишлари билан шуғулланиш осон эмас. Сабаби қайнона ва қайнота оиласи – бу, кўп йиллик оила бўлиб, рўзгори катта ва юмуши кўп бўлади. Ана шу вақтда қайнотанинг оила мустаҳкамлигидаги ўрни намоён бўлади. Чунки айрим қайноналар келинига раҳм-шафқат қилмай, уларга таъна-маломатлар қиладилар, ҳатто унинг эмизикли боласига карамаслик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қайнота ўз хотинини тўғри йўлга солиб, қайнона ва келин ўртасидаги низоларни бартараф этиш орқали келиннинг ишларини енгиллатиши, оилада аҳил-инокликни барқарор қилиши лозим. Бошқа жойга кўчиб кетган келинлари ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб, уларга маслаҳатлар бериб туриши, уларнинг борди-келди қилишларини таъминлаши ва оила аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббат уйғотиши керак.

Энди қайноталарга доир айрим тавсиялар билан танишинг:

1. Қайнота ўзининг ақл-фаросати, билими, дунёқараши, мулоҳаза ва тадбирлари билан оила аъзоларини лол қолдириши керак.

2. Келини ва куёвининг шахсиятига тегмасдан яхши муносабатда бўлиши лозим. Чунки бири ўглининг хотини ва иккинчиси кизининг эри бўлади.

3. Кўпинча қайнона ё ўғиллар келинга нисбатан адолатсиз муносабатда бўладилар. Бу ҳолларда келин ёнени олиб, уни руҳлантириш қайнотанинг бурчидир.

4. Келин ёки куёв яқинларига насл-насаби ва мол-давлатидан қатъи назар яхши муносабатда бўлиши лозим.

5. Агар келин ва куёв одобли, фаросатли бўлсалар, уларни доимий назорат қилиб юрмаслик керак. Токи улар эркин яшасинлар. Керакли ва истаган нарсаларини сотиб олишсин. Улар ишлаб топган пул-молларини тортиб олиб, ўзига тобе қилиш яхши қайнотанинг иши эмас.

6. Бирор ножўя сўзингиз ё қилмишингиз билан ўғлингизни келинингиз олдида, қизингизни куёвингиз олдида хижолат қилманг. Уларнинг ширин ҳаёти халал топишига йўл қўйманг.

7. Агар Оллоҳ таоло уларга фарзанд берса, набираларингизга меҳрибон бўлинг. Бу келинингиз, ўғлингиз, қизингиз ва куёвингизни руҳлантиради.

8. Табиий офатларда, ишлар юришмаганда ё беморлик чоғларида ўз вақтида ёрдам бериш сизнинг вазифангиз. Келинингизга отонаси ё бошқа яқинлари ёрдам беришларига йўл қўйманг.

9. Келин билан қайнона, келин ва эри, келин ва бошқа оила аъзолари жанжаллашганда одил ҳакам бўлиб, зудлик билан уларни муросага келтиринг.

10. Пул, уй-жой, мол-давлатни ҳеч ким олиб кетмайди. Шунинг учун ҳасислик қилмай хурсандчилик кунларни баҳам кўринг.

11. Агар фарзандингиз бир нафардан ортик бўлса, истак-хоҳишларига қараб, уларга алоҳида уй-жой қуриб, мустақил яшашларига имкон яратиб беринг.

12. Қайнота хотинининг келинга зуғум қилишига ва набираларнинг етим бўлишларига йўл қўймаслиги лозим. Чунки бу ўзи ва ўғли обрўсига путур етказди.

13. Агар келинингиз ё куёвингиз бирон ишни бажара олмасалар, сиз уларга ўргатинг. Унутманг, «куёв қайнотасига,

келин қайнонасига ўхшайди» деган гап бор.

14. Келинингизга қизим, куёвингизга ўғлим деб мурожаат қилишга одатланинг.

15. Келинингиз ва ўғлингиз олдида бу меники, у сеники деган амални йўқотиб, аҳиллик ва иноқликни жорий этиш керак.

16. Ўғлингиз номидан келинингизга ножўя фармойиш берманг.

17. Келинингиз ва куёвингизнинг исрофгарчиликка йўл қўймасликлари, тежамкор бўлишларига ҳаракат қилинг. Қизингиз ва келинингизнинг мол-давлатга ҳаддан ортиқ берилиб кетишлари олдини олинг. Чунки меҳр-оқибат камайиб, фарзандлар тарбияси, одоб-ахлоқи ёмонлашиши мумкин.

АЁЛЛИК БУРЧЛАРИ

Аёл – эркакнинг муқобил жинси. Аёл латофат ва назокат рамзи бўлиб, уни гўзал ва хушбўй гулга қиёслайдилар. Шунинг учун шарм-ҳаё, гўзаллик, ноз-ишва, меҳрибонлик, мулоимлик ва муҳаббат аёлларга хос яхши фазилатлардир. Аёл хонадон кўрки, поклик ва орасталик, тежамкорлик ва саришталик ундандир.

Аёл оилада асосий сиймо ҳисобланиб, оиладаги саранжомлик, осойишталик, турмуш ширинлиги ва фаровонлиги, тарбия, қариндош-уруғлар ва қўшнилари меҳр-оқибатлари кўпроқ уларга боғлиқ. Қизи ё аёли бор хонадонда тозалик ва тартиб-интизом ҳукм суриб, кишини оҳанрабодек ўзига тортади. Аёли йўқ уйга кишининг киргиси келмайди.

Ўтган замонларда ҳақ-ҳуқуқлари эркакларга нисбатан пастлиги боис, аёллар тўй-маъракаларда, йиғинларда иштирок этмасдилар. Давлат идораларида, жамият ишларида ишламасдилар. Умр бўйи уй ишлари, болалар тарбияси билан шуғулланардилар. Эрларининг гаплари қонун ҳукмига кирар эди. Аёллар эрлари буйруғини бекаму кўст ижро этардилар. Ўзлари ва фарзандлари яхши билимга эга бўлмасалар ҳам, одоб-ахлоқ, ота-оналарга ҳурмат-эҳтиром, қон-қариндош ва қўшниларга меҳр-оқибатлари жуда яхши эди. Аммо ўша замонларда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситиларди. Ҳолбуки, Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) ўз муборак

хадисларида аёлларни эъзозлаганлар:

«Дунё ва ундаги бор нарса кимматли, лекин дунёдаги энг кимматли нарса бу такводор аёлдир».

Аёл эрига меҳрибон, ғамхўр ва маслаҳатчи бўлиши лозим. Уй-жой, анжомлар, эрининг мол-мулки, пулларини кўз қорачиғидай асраши, эрини алдамаслиги, унга хиёнат қилмаслиги керак. Эри ишдан ё сафардан келганида очик чеҳра билан кутиб олиб, унга дастурхон ёзиб, ширин сўзларни сўзлаб, бир оз дам олганидан кейин аста-секинлик билан ишларидан суриштириб, уйда бўлган воқеалар ҳақида хабар берса яхши бўлади. Баъзи аёллар эрлари ишдан ё сафардан қайтган заҳоти ўшқирадилар: «Қаерларда юрибсиз? Уйда ун йўк, туз йўк», ёки: «Бола йиқилиб кўли синди, оғил девори йиқилди, сигир подадан қайтмади...» ва ҳоказо. Энди бу пайтда ишдан ё сафардан чарчаб келган эрнинг ҳолатини ўзингиз тасаввур қилинг: ҳаяжонланади, жаҳли чиқиб кетади, кутилмаганда қон босими ошиб кетади...

Бир тоифа аёллар эрлари эшикдан чиққан заҳотиёқ ўзлари ҳам эшикчадан чиқадиладар. Ўзларига зебу зийнат бериб, икки дона нонни олиб, кечгача уйма-уй юрадилар. Баъзан икки-уч кун ё ҳафталаб тўйдан бўшамайдилар. Бу тоифа аёллар бозорларда саёхат ва маишат қилиб юрадилар, эрлари пулларини ноўрин сарфлайдилар. Яна уялмасдан кўни-кўшнилари ва ўз қариндошларига у йўк, бу йўк, деб дод-фиғон қиладилар. Холбуки, эрлари бу тўрт чакани маошларидан ё мардикорликларидан йиғадиладар. Энди айтингчи, шу инсофданми? Қани аёлнинг яхши фазилатлари? Шундай аёл-оналардан одобли ва яхши тарбияли болалар улғайиб етишадими? Албатта, йўк. Аксинча, тарбиялари бузилиб, вояга етганда ҳурмат-эҳтиром ўрнига ота-оналарига қўл кўтарайдилар, ё уларга умуман эътибор бермай кўядилар.

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар:

«Барча аёллар ичида харжи кам бўлган аёлнинг баракати кўпроқдир».

«Мўъмин камхарждир».

«Иффат аёллар зийнатидир».

Қандай аёллар иффатли? Кўнгли пок, ўзини озода тутадиган,

хушбичим, ширинсўз, бошқаларга гина-адоват қилмайдиган, баланд ва беибо қулмайдиган, ҳаммани хурмат қиладиган, хушмуомала, худа-бехудага гапирмайдиган аёллар.

Бугунги аёллар ҳаммасоҳаларда эркаклар билан биргата тенгишлаб, оила фаровонлиги ва фарзандлар тарбиясида заҳмат чекмоқдалар. Ҳаммаси яхши, аммо айрим қизлар ва аёлларимизнинг шарм-ҳаёни бир четга суриб, бизнинг миллатимизга мансуб бўлмаган либосларни кийиб юришлари, беибо қулишлари ажабланарли ҳол.

Биз ота-боболаримизни, миллий урф-одатларимизни эъзозлашимиз, қадрлашимиз, бошқа миллатларнинг маънавиятимизга ёт бўлган урф-одатларига тақлид қилмаслигимиз, шарм-ҳаёли ва одобли бўлишимиз керак:

«Ҳаё ва иймон бир-бирларига қариндошдирлар» (Ҳадис).

Эронлик таниқли ёзувчи Муҳаммад Ҳижозий дейди:

«Аёлнинг энг яхши зийнати – унинг яхши хулқи ва соғлиғидир».

Кейинги пайтда аёллар савдо ишлари билан шуғулланиб, тўй-маъракаларда катнашиб, фарзандлар тарбиясидан узоқлашмоқдалар. Ҳолбуки, оилада асосан фарзандлар тарбияси уларга боғлиқ. Улар шаҳарма-шаҳар ҳафталаб ва ҳатто оилаб савдо ишлари учун юрсалар, уйда фарзандларга ким бошчилик қилади, ким тарбиялайди? Албатта эри, ё ота-онаси бўлишлари ҳам мумкин. Аммо оилада оналарнинг ўрни бошқача.

Тўғри, аёллар ҳам савдо қилиб, ё ишлаб оила фаровонлигини таъминлашлари керак. Чунки баъзи оилаларда ота-онаси ишга лаёқатсиз, ёки эри майпараст, ё мажруҳ бўлишлари мумкин. Биз аёлларнинг ишлашларига, савдо билан шуғуллунишларига қарши эмасмиз. Фақат ҳар бир ишнинг меъёрида бўлгани яхши. Меъёрдан чиқмай, ноҳўя ишлар билан шуғулланмай, уйга, болалар тарбиясига ҳам вақт ажратсалар оналик меҳри камайиб кетмайди.

Бир йиғилишда мўйсафидлар, маҳалла фаоллари ва ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари олдида бир қиз онасидан юз ўгириб, «бизга сендай онанинг кераги йўқ, биз бувимиз ва дадамиз билан яшаймиз» деб, онасидан нафратланишининг шоҳиди бўлди. Бу онанинг ўз фарзандига меҳр бера олмагани нишонасидир.

Агар аёллар қонун кўрсатмаларидан чиқмай, ҳалол пул топиб,

хашаматли уйлар куриб, мошина олсалар, катталар ва ота-оналарни хурмат қилсалар, эрларини болалар олдида таъна-маломат қилмасалар, буни мен қилдим, уни мен олдим, деб ўзларини кўз-кўз қилмасалар, бундай аёлларни ким ёмон дейди? Уларга ким эътироз билдиради? Бу тоифа аёлларни жаннати десалар муболаға бўлмайди.

Муҳаммад Ҳижозий аёллар хулқи ва одоби ҳақида яна шундай ёзган:

«Аёлнинг эркакка тасаллияти – бу, унинг ўзини тийишидир».

«Аёл мол-мақомга мафтун бўлади, эркак эса – гўзаллик шайдоси».

Орамизда шундай аёллар борки, эрларининг маоши ва топиши билан қаноатланмай, уларни таъна-маломатлар қилиб, савдогарлик ё бошқа ҳаром ишлар орқали даромад топишга мажбур қиладилар. Бечора эрлари хотинлари тазйики ва таъна-маломатлари зарбидан қон босимлари кўтарилиб, касал бўладилар, ҳатто бу ёруғ дунё билан эртароқ хайрлашишлари ҳам мумкин. Уларнинг бева қолган хотинлари эса икки-уч нафар етим болалари билан ҳаётда қийинчиликларга дуч келадилар, ота меҳрига зор болаларини кўриб, асабийлашадилар. Бора-бора ўз хатоларини тушуниб етадилар, бироқ кеч бўлади.

Бундай аёлларнинг бир тоифаси айбни эрларига юклаб, идоралар ва корхоналарга бориб, етим болаларига ёрдам сўрайдилар, ё болаларини ҳам номақбул ишларга мажбур қиладилар. Айрим аёллар эса андишасизлик ва сабрсизлик билан эрларига гап қайтариб, дўқ-пўписа қиладилар. Эрлари орияти устун келиб жавобларини бериб юборади. Аёл бир гапдан қолиб, ўзини босса, балки шундай бўлмас эди. Айтадилар:

*Ўз камингни бошқалар кўпидан афзал бил,
Ўз зогора нонинг бошқалар паловидан афзал.
Сабринг ганж берар,
Сабрсизлигинг ранж берар.
Бир сабр қил, минг афсус чекма...*

ЭРКАКЛИК БУРЧЛАРИ

Эркак – аёлнинг мукобил жинси. Аёлга нисбатан жисмонан бақувват, ҳар жиҳатдан устувор.

Эркак оила бошлиғи, ота-онаси, фарзандлари ва хотинининг таянчи, пушти паноҳи, мўътабар зот ҳисобланади.

Ўтмишда, техника ва илм-фан ривожланмаган даврда барча оғир ишлар эркаклар зиммасида эди. Шунингдек, спорт мусобакаларида, уруш ва муҳорабаларда, ҳарбий хизматда, Ватан ҳимоясида ҳамда подшолар саройида фақатгина эркаклар хизмат қилардилар.

Эркак киши қатъиятли ва бир сўзли бўлиши, ҳар қандай кийинчилик ва муаммоларни мустаҳкам иродаси билан енгиб ўтиши ва ҳал қилиши лозим. Эркак киши энг аввало ота-онаси, болалари ва хотинини ҳимоя қилиб, уларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр бўлиши, ўз оиласини ҳар қандай зарурий нарсалар билан таъминлаши керак. Уйдан ташқари улфатчилик, базмлар ва бошқа ўтиришларда ўз оиласи шароити ва муҳитига зарар етказмаслиги лозим. Бироқ баъзида шундай эркаклар учрайдики, кўча-кўйларда кайф-сафо қилиб юрадилар. Уйдаги шароит билан ишлари йўк, аксинча, оила осойишталигини бузиб, болалари ва хотини билан жанжаллашадилар. Боз устига кўни-кўшниларни ҳақоратлаб, бемаъни гаплар гапириб, эркаклик шаънига доғ туширадилар.

Ўз кадр-қиммати ва мавқеини яхши биладиган эркак бундай иллатлардан ҳазар қилиши керак. Эркак ҳеч қачон ўзининг эркак эканлигини унутмаслиги зарур. Ҳамма вақт оилада ўз бошчилигини сақлаган ҳолда беҳуда исрофгарчиликка йўл қўймаслиги, меҳнат қилиб топган мол-мулкнинг кадр-қимматига етиши лозим.

Баъзи эркаклар фарзанд тарбияси ва одоб-ахлоқига эътиборсиз бўладилар. Гўё уларнинг вазифалари фақатгина оилани моддий жиҳатдан таъминлаш бўлиб, фарзандлар тарбияси оналар вазифасига қиради. Аслида, бу мутлақо нотўғри. Оилада, фарзандлар тарбиясида оталар– эркакларнинг алоҳида ўрни бор. Оилада бу менинг вазифам, у сенинг ишинг, деб вазифа бўлишиш – жиддий хато.

Болага истаган нарсасини олиб бериш, уни назоратсиз

колдириш, ножўя ишлар қилиб қуйганида уни ҳимоялаш тарбияга салбий таъсир етказиши ҳаётда ўз тасдиғини топган. Эркаклар тарбиянинг ана шу томонларига алоҳида эътибор беришлари керак.

Эркаклар оила мустаҳкамлигида катта ва муҳим роль ўйнайдилар. Эркакнинг енгиллиги, бежо рашк қилиши, ҳар қандай гапларга ишониши, хотинига хиёнат қилиши оиланинг барбод бўлиши ва бегуноҳ болаларнинг етим бўлишига олиб келади. Шунинг учун вазминлик, мулоҳазакорлик, узокни кўзлаш, қатъият, матонат ва шижоат эркакларга хос фазилатлардир.

Хуллас, эркак шундай бўлиши керакки, ундан бошқаларга наф етиши керак. Бу ҳақда Муҳаммад Ҳижозий дейди:

«Мен қаердан келганимни ва қаерга боришимни билмайман, аммо шуни биламанки, бу ерда ўзим ва бошқалар осойишталиги учун курашишим керак».

ИККИНЧИ БОБ

ОИЛА ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

УЙЛАНИШ ҲАҚИДА

Дунёдаги барча жонзотлар жуфти билан яралган. Шундай экан, ҳар бир соғлом ўғил бола балогат ёшига етгандан кейин хотин олиш истагида бўлади. Парвардигор дунё жонзотларига ўз наслларини кўпайтириш ва шу орқали дунё давомийлигини таъминлаш учун шахвоний нафс берган.

Дунё мавжудотларининг энг олийси – инсон ўзининг ақл-фаросати ва онги билан бошқа мавжудотлардан бутунлай фарк қилади. Шунинг учун инсон ўз жуфти ҳалолини, бир умрлик ҳаёт йўлдошини танлашда ҳам ақл-идроки, онги ва эстетик карашларидан фойдаланади.

Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Бир умрлик жуфти ҳалолини танлашда йигитлар шошилмасликлари лозим. Хусн-малоҳатига учиб, мол-мулкига берилиб хотин танлаш яхши эмас. Чунки шундай чиройли, назокатли қизлар бўладики, шарм-ҳаё, ҳурмат-эҳтиром нималигини билмайдилар. Ё шундай бой-бадавлат одамларнинг қизлари ҳам бўладики, ҳар томонлама яхши шароитда эркатой бўлиб вояга етиб, ўзларининг мағрурлиги ва такаббурликлари туфайли эрларини менсимасликлари мумкин.

Хотин танлашда уни ҳар томонлама ўрганиш, оилавий шароити, билими, дунёқароши, шарм-ҳаёси, ақл-фаросати ва ҳаётга бўлган карашлари билан танишиш шартлиги сабаби ана шунда. Иложи борица ўз табиатингиз ва оилавий шарт-шароитингизга мос келадиганини танлаганингиз маъқул. Одоб-ахлокли, шарм-ҳаёли, доно ва оқила хотин эр хонадонининг файз-баракаси ва роҳатидир.

РИВОЯТ: Мулло Воҳид кўп илм ўрганганидан кейин сафарга чиқади. Бир шаҳарга бориб, хонадонларнинг биридан сув талаб қилади. Уйда яшовчи кампир унга сув олиб чиқади. Сув совуққина, аммо бир оз лойқа эди. Бунинг сабабини сўраганида кампир дейди:

– Бу – қизимнинг иши. У сувни атайлаб лойқалатди, токи сен озгина сабр қилсанг йўл чарчоғинг чиксин, соғлигингга зарар етмасин.

Мулло Воҳид қизнинг фаросатига қойил қолиб, ота-онасини совчиликка юборади. Қиз улардан ўғилларининг қасбини сўрайди. Улар дейдилар:

– Фарзандимиз дунёни кўрган сайёҳ.

– Бу касб эмас, ҳавасдир. Мен унинг қасбини сўраяпман, – дейди қиз.

– Сайёҳ олим, – дейдилар.

– Демак, олим бўлибди-ю одам эмас, саёҳат қилибди-ю акли кирмабди, биз бир-биримизга тўғри келмас эканмиз, – деб қиз рад жавобини беради.

Мулло Воҳид бундан тўғри хулоса чиқариб, дурадгорликни ўрганади. Ота-онаси яна совчиликка боришади ва қизнинг саволига:

– Фарзандимиз мохир уста, – деб жавоб берадилар.

Қиз рози бўлади. Тўй-томоша қиладилар. Мулло Воҳид хотинидан сўрайди:

– Сизга муносиб ёр, кадрдон дўст-биродар бўлиш учун нима қилишим керак?

Хотини дейди:

– Ота-онам, қон-қариндошлар, опа-сингилларим ҳамда дугоналаримга очик чеҳра ва чиройли муомалада бўласиз.

– Сизни ўз эгам деб билишим, рози қилишим, сизга муносиб ёр бўлишим учун нима қилишим керак? – кейин сўрайди қиз.

– Ота-онам ҳурматларини қилиб, дуоларини оласиз, дўст-биродарларимни очик чеҳра билан қаршилаб, кам-кўстимни ҳеч кимга айтмай, сирларимни сақлаб, обрў-эътиборимни ҳимоя қиласиз, – дейди Мулло Воҳид.

Улар бир-бирларининг шартларини яхши қабул қилиб, кўп йиллар бахтли яшайдилар.

Аёллар ҳақида дейдилар:

Аёли йўқ хонадонда ёруғлик йўқ.

Аёли йўқ уйда, билгилки, игна йўқ.

Яхши аёл – хонадон гули.

Эрни эр қиладиган ҳам аёл, қора ер қиладиган ҳам аёл.

Аёл – эрнинг вазири.

ФАРЗАНД ВА УНИНГ ТАРБИЯСИ

Оила қуриш балоғат ёшига етган йигит билан қизнинг бирлашиши бўлиб, инсон наслининг давомийлиги ва ривожланишининг асосий омилдир. Оила—биринчи мураббий, ҳаёт раҳнамоси, ҳар бир инсон феъл-атворининг асосчисидир. Оилада шахс тарбияланади, ахлоқий меъёрларни ўзлаштиради, ҳаётга тайёр бўлиб камол топади.

Оила мустаҳкам бўлиши учун, энг аввало, эр-хотин бир-бирларини севишлари керак. Бунда эр-хотин ўз ҳақ-ҳуқуқларини тенг билиб, барча оила аъзоларига хурмат-эҳтиром юзасидан муносабатда бўладилар.

Никоҳ оила қуришнинг асоси ҳисобланади. Никоҳсиз оила қонуний ё шаръий ҳисобланмайди. Жумладан, мамлакатимиз Конституциясида ҳам «Никоҳ эр-хотин розилиги билан асосланади» — деб қайд қилинган.

Оила қуриш (никоҳ йўли билан) инсоннинг жисмоний (шаҳвоний) ва маънавий эҳтиёжини қондиришда энг қулай йўлдир. Айтганимиздек, яратган йигит ва қизни бир нарсанинг икки қисми, бир бутуннинг икки ярмидек қилиб яратган. Бинобарин, бирлашиш туфайли бир тўлиқлик юзага келиб, табиий ва ижтимоий эҳтиёж қондирилади.

Оила қуриш заруриятининг бошқа томони — бу, фарзанд таваллуд қилиш ва инсон наслининг давом этиши бўлиб, бу инсоннинг муқаддас вазифаси ҳисобланади. Фарзанд — инсоннинг буюк ва бебаҳо неъматидир.

Иморат ғиштлардан таркиб топганидек, давлат ҳам оилалардан таркиб топади. Бинобарин, оиланинг жамият олдига муҳим вазифалари бор.

Оиланинг муҳим вазифаларидан бири — аҳоли инкишофини таъминлаш. Фарзанд кўриб, тўғри тарбиялаш оиланинг давлатий вазифаларидан ҳисобланади.

Фарзанд туғилиши оилани мустаҳкамлайди, унинг кадр-қимматини кўтаради, муҳаббат ва эҳтиромни барқарорлаштиради. Фарзандли бўлиш орзуси йўқ оила йўқ, она бўлиш орзуси бўлмаган

қиз, ота бўлиш орзусида юрмаган эркак йўқ дунёда. Гўдак таваллуд топиши оиланинг энг муҳим ва қувончли дамларидандир. Тожик халқининг бир мақоли бор: «Бойлик – бу, мол-пул эмас, бойлик – бу, фарзанддир».

Уй фарзанд билан, саҳро одам билан ободдир.

* * *

Фарзанд одам умрининг лаззатидир.

* * *

*Жаҳонда энг олий неъматдир фарзанд,
Фарзанд бўлур ёлғиз жонингга пайванд.
Фарзанд бирла тўлур мақсудинг жоми,
Фарзанд бирла қолур ҳар кимнинг номи.*

Абдурахмон Жомий.

Ҳақиқатан ҳам фарзанд ота-она номи ва ишларининг давомчиси, жамиятнинг келажагидир. Шунинг учун фарзандларни яхши ва тўғри тарбиялаш ота-оналарнинг муҳим вазифаларидир.

ҲИКОЯТ. Лукмони Ҳаким олдига бир аёл гўдагини олиб келибди ва тарбияси ҳақида маслаҳат сўрабди.

– Болангиз неча ёшда? – сўрабди Лукмони Ҳаким.

– Олти ойлик, – жавоб беради она.

– Унда сиз тарбиядан олти ой кечикибсиз, – дебди донишманд.

Демак, фарзанд туғилиши ҳали ишнинг ярми экан. Энг муҳим ва асосий иш – фарзандларни комил инсон сифатида тарбиялаш.

Меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандлар онгида инсонга нисбатан эҳтиром туйғусини уйғотиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила сабоқларини ўргатиш, инсоннинг дунё барқарорлиги учун масъул эканлигини улар онгида сингдириш ота-оналарнинг муҳим ва асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Фарзандлар тарбиясида оила муҳити, ота-оналар хулқ-атворлари ўз таъсирини кўрсатади. Шу маънода бир олим айтган экан: «Агар оила аъзолари меҳрибон ва илтифотли одамлар бўлса, улар жамият манфаатини ўйласалар, меҳнатни севсалар, бу фарзанд тарбиясига яхши таъсир кўрсатади. Аммо агар оила байрамона ҳаёт кечирса, доимо маишат изидан юрса, унга олий мақсад ёт бўлса, бундай оиладан одобли ва билимли фарзанд чиқиши амри-маҳолдир».

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

(«Оилада фарзанд тарбияси» китобидан)

Халқ оғзаки ижодиёти ва хаттий адабиётидаги баракатли панд-ҳикматлар асрлар бўйлаб халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётида ниҳоят ката мавқега эга бўлиб келмоқда. Ҳар бир халқ буюк аждодларининг оқилона панд-ҳикматларини эъзозлайди ва ҳаётда улардан фойдаланади. Жумладан, биз ҳам.

Шунинг учун фарзандлар тарбиясида мавриди келганда айрим зарбулмасаллар, мақоллар, ривоятлар, афсона ва топишмоқлардан фойдаланиш халқимизнинг азалий одатларидан бўлган. Агар ҳар бир афсона ё ривоятдан психологик ва педагогик талаблар жиҳатидан фойдаланилса, албатта фарзанд тарбиясида самарали бўлади.

Болалар катталарни ҳурмат қилиш, улардан маслаҳат ва руҳсат сўраш, улар маслаҳатига амал қилиш, ота-оналарига ёрдам бериш, уларга ғамхўр бўлиш руҳида тарбия оладилар.

Болалардикқатини меҳнатга жалб қилиш, яъни меҳнатсеварликка даъват қилиш улар тарбиясида катта роль ўйнайди.

Меҳнатсеварлик туйғусини ҳаётнинг туганмас сарчашмаси ё хазинаси деб бежизга айтишмаган. Агар болалар оила ва миллат келажаги бўлсалар, ота-оналар уларнинг ғам кўрмасликлари учун ҳаракат қилишлари керак. Тажрибали кишилар қуйидагиларни маслаҳат берадилар:

- бобо ва момоларимиз анъаналарини қўллаб-қувватлаш;
- катталарга эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- болаларга меҳмондорчиликни ўргатиш;
- катталар маслаҳатларидан фойдаланиш;
- халқ сайларида фаол қатнашиш;
- фарзандларни хокисорлик руҳида тарбиялаш;
- фарзандларга ўрнатилган кўрсатиш;
- фарзандлар тарбиясида ҳадислардан, содда зарбулмасал, мақол ва ривоятлардан фойдаланиш;
- атрофдагиларга меҳр билан қараш;

– бошка халқ ва миллатларга дўстона муносабатда бўлиш.

Тарбияга доир ҳаётий тажрибаларимиз асосида баъзи бир маслаҳатларимизни тавсия қиламиз:

1. Гўдак ҳаётини муайян режимга киритинг (овқатланиш, тоза ҳавода юриш, ҳаракатланиш, ухлаш, ювиниш, либос кийиш ва ҳ.к.)

2. Болага меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатинг.

3. Тетапоя бўлган кунларидан бошлаб, гўдакни ишлашга ундаш лозим. Масалан, дастурхон, қошиқ, пиёла кабиларни олиб келиш.

4. Болалар олдида қабих сўзларни айтманг.

5. Улар олдида бир-бирингиз билан хушмуомала бўлинг.

6. Ўз уйингизни ҳамиша тоза сақланг, идиш ва рўзғор асбобларини тартибли қўйинг. Айниқса, байрамлар арафасида уйни обдон тозаланг.

7. Болага истаган нарсасини дарров муҳайё қилманг. Халқда бир ҳикмат бор: «Боланинг расво бўлишини истасанг, истаган нарсасини муҳайё қил».

8. Бола ҳузурида чекманг, ичманг.

9. Меҳнат муваффақиятларидан ё камчиликларидан болани огоҳ қилинг, сиз билан хурсанд ва ҳамдард бўлсин.

10. Болаларга ёлғон гапирманг.

11. Болалардан берилган пул қайтимини талаб қилинг.

12. Болаларга ўз ақлини яхши англамагунча савдо ишларини ўргатманг, зеро савдо иши ёлғонсиз бўлмайди.

13. Болаларга ноўрин ҳазил қилманг, шарманда қилишлари мумкин.

14. Зарбулмасал, мақол, топишмоқ, ривоят, афсона ва тез айтишларни кўпроқ айтиб беринг ва бирга савол-жавоб қилинг.

15. Рангли китобларни кўпроқ кўрсатинг ва совға қилинг.

16. Афсоналар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувларни биргаликда тамошо қилиб, муҳокама қилинг.

17. Кечки овқатдан сўнг улар билан бирга сайр қилинг.

18. Ҳаддан ортик қаҳва, аччик чой берманг, айниқса уйку олдидан.

19. Болага ҳеч қачон меҳнат жазоси берманг. Масалан, мана шу ишни қилмасанг, қутилмайсан.

20. Болани ортиқча эркалатманг.
21. Болани меҳнатсевар қилиб тарбияланг, бахтли бўлсин.
22. Сабабини айтмасдан жазо берманг.
23. Уйқусидан баланд овоз билан уйғотманг.
24. Катталарга биринчи бўлиб салом беришга ўргатинг.
25. Кўпни кўрган бобо-момолар, олим ва фузалолар суҳбатидан маҳрум қилманг.
26. Тарбиясиз болалар билан ўрток бўлишдан асранг.
27. Улар томонидан бериладиган барча саволларга эринмай жавоб қайтаринг.
28. Болаларга кўп ўйинчоқлар олиб берманг, у манфаатпараст бўлади.
29. Ўйинчоқларини ўз ўртоқлари билан ўйнасин, лекин ўзи катталар маслаҳати билан таъмирласин.
30. Қаттиқ танбеҳ берманг, ёлғончи бўлади.
31. Гўдаклигидан ўнг ва чап қўлда қилинадиган ишлардан бохабар қилинг.
32. Овқатланишдан олдин қўл ювиш кераклигини болалигидан билиб олсин.
33. Бошқалар маъракаларидан болангизга ширинлик ё мева олиб келишни одат қилманг.
34. Овқатланиш, йўл юришда гапиришни ман қилинг.
35. Меҳмон дастурхонига, меҳмон косасига қарашни ва нарса сўрашни ман этинг. Кийимларни фарқ қилишни ўргатинг: ҳар кунлик, иш, уй ва байрамлар учун кийиладиган кийимларни фарқлашни болалигидан билиб олсин.
36. Кийиниш маданиятини ўргатинг, биринчи либос тери рангига, иккинчиси соч рангига, учинчиси кўзга мувофиқ келсин.
37. Нонга сарф бўладиган меҳнатни болаларга тушунтиринг. Токи, ноннинг қадрига етсин.
38. Болага мунтазам экологик, эстетик, иктисодий, жисмоний ва маънавий тарбия бериб бординг.
39. Бошқалар меҳнатини қадрлашни ўргатинг.
40. Ногирон ва нуқсонли одамларга ҳамдард бўлишни ўргатинг.
41. Тенгдошлари ва атрофдагиларга лақаб қўйишларига йўл

кўйманг.

42. Қабих сўзлар айтишга ўргатманг.

43. Ҳаддан ортик чиройли ва қимматбаҳо кийимларни кийдирманг.

44. Ота-оналардан бири танбех берганда иккинчиси бола ёнини олмаслиги керак.

45. Болани очик чехра қилиб тарбияланг. Қуёшнинг кадри очик чехрасидандир.

46. Чақимчиликка ўргатманг.

47. Ота-она, катталар ва ватанга муҳаббат руҳида тарбия қилинг.

ЁРГА ВАФО – САОДАТ КАЛИТИ

Бир йигит кекса, хирадманд кишидан сўради:

– Ҳамма ҳазар қиладиган ёмон унсурлардан бири нимадир?

Кекса киши йигитнинг юзига мулойим бокиб деди:

– Эй кўз нури! Кўнгилларга қора доғ туширадиган ёмон унсурлардан бири аҳдга вафо қилмасликдир. Покиза кўнгилли ва ҳаётни ўрганган одам аҳдга вафо қилмасликни ҳеч қачон ўзига раво кўрмагай.

Кишининг яхшилиги аҳдига вафо қилишидир. Вафосизлик шундай балодирки, баъзида ҳаётнинг обод биносини ва одамлар умргузаронлигини тамомила хароб қилур.

Ақлу хирад даражасида билиш керакки, азиз умр одамга бир марта берилади, ва бу айёмнинг ҳар бир лаҳзасини ширин ва яхшилик билан ўтказиш нақадар гаштли.

Бу ўткинчи умрда аҳдга вафо қилиш инсоннинг энг яхши фазилатларидан ҳисобланади. Аҳдга вафо қилиш ҳаётда кўпроқ оилада бўлиши керак. Зеро, баҳор фасли таровати гулу гулзор ва кўкаламзорларда маълум бўлгани каби, ҳаёт ширинлиги ва умр яхшилиги ҳам аксаран жуфти ҳалоли билан биргаликдаги ҳаётда билинади. Кимки, ўз турмуш ўртоғи билан тотув умр кечиради, у хамиша шод юради ва ишлари ўнгидан келади. Шул сабабдан оилада ёлгончилик, лафзсизликдан ҳазар қилиб, дил ойнасини губордан пок саклаб юриш керак.

Жуфти ҳалолига нисбатан хиёнат қилмаслик ва унинг кўзига макр-фириб ва бевафолик тупроғини сочмаслик керак. Меҳрибон ва вафодор жуфтига меҳрибонлик ва вафодорлик қилиш аҳдида устувор турувчи одамнинг энг яхши фазилатларидан ҳисобланади.

Баъзи эркаклар ўз хотинлари олдида ўзларини мутлоқ ҳоким ҳис этиб, фарзандларига мушфиқ ва меҳрибон она бўлган аёлга нисбатан ғайриматлуб муносабатда бўладилар. Улар тасаввур қила олмайдиларким, аёл – онадир. Она дунёнинг энг олий мартабали ва мухтарам зоти бўлиб, барча замину замон унинг олдида таъзим қилади, уни асрайди. Шунингдек, улар тасаввур қила олмайдиларким, она фарзандлари учун кўзларидан уйқуни қочириб, кўкрагидан сут беради.

Эркакнинг ҳасислиги оилада нотинчлик келтириб чиқаради, хурсандчиликни йўқотади, низоларга сабаб бўлади. Фаровонлик оилага қувонч ва шодлик олиб келади, кишини яхшиликка ундайди.

Бемаъни ва бемаврид таассуб қилиш эр-хотинга кулфат ва ташвиш келтиради, жанжал-низоларга сабаб бўлади. Ҳалигача айрим аёллар борки, енгил фикрлик билан таассуб ва тақлид қиладилар. «Нимага фалончи ундай экану мен эмас? Мен кимдан камман? Йўқ, мен ҳам...» деб овоз кўтардилар ва эрлари ёқасини ушлайдиларким, бу яхши оқибатларга олиб келмайди.

Бир-бирига ишонч билан яшаш энг асосий омил ҳисобланади. Зеро, ишонч ва эътиқод вафо илдизи бўлиб, бундан кўнгишлар сув ичади ва оила камол топади.

Шубҳа йўқки, баъзида эркакдан ё аёлдан хато ўтади. Бундай ҳолатда бир-бирига жаҳл қилиш, гина саклаш жанжал-низо кўтариш одоб ва хираддан эмас. Аксинча, мулоимлик билан муаммонинг келиб чиқишини ўрганиб, уни тузатишга ҳаракат қилиш зарур.

Хотиндан нолиш, уни ёмонлашга ҳаракат қилиш мард одамнинг ҳислатларидан эмас. Хотиндан ногаҳон содир бўладиган камчиликни рўй-рост ўзига айтиб, уни бартараф қилиш пайдан бўлиш керак. Ноўрин рашк ва асоссиз гап кўпайтириш эр-хотиннинг меҳр гулини қуритиши мумкин. Баъзида хонадонда арзимас бир нарса учун жанжал бошланади. Ҳар бири менинг



Сўхлик Мирожиддин Асрориддинов ва у кишининг турмуш ўртоғи Саломатхон эналар 11 нафар фарзандни вояга етказиб, севимли набира ва абиралари қушовида илрин ҳаёт кечирмоқдалар.



Ислом аканинг ўғли Мадаминжоннинг хотини Саёхон қайнониси вафотидан сўнг эрининг ука-сингилларини ўз оналаридек тарбиялаб вояга етказди.



Шодинисо Давлатова ҳам она, ҳам ота бўлиб, 5 ўғил, 3 қизни касбли ва уй-жойли қилди.



*Бахтиёржон Холов – олий тоифали ўқитувчи,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси. Сўх
туманининг 14-сонли ўрта мактабида кимё
ва биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлайди.
Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, халқпарварлик,
фидокорлик ва илганиш унинг шиоридир. У
рўзгорини бекаму кўст қилиш учун қўлига гоҳида
қалам, гоҳида кетмон олади.*

фикрим тўғри, деб туриб оладилар. Бу иддао аста-секин кучайиб, иш ҳатто ажралишгача бориб етиши мумкин.

Ёлғон гапириш, ноўрин ва асоссиз рашк ўрнига аёлларга хушмуомалалик лозим. Эркаклар ўз меҳр-мухаббатлари ва ақлу хирадлари билан раҳнамолик қилишга масъулдирлар.

Эрнинг меҳр-мухаббати, муносабати, яхши муомаласи шуни такозо этадики, байрам айёмлари, ўзи ва фарзандлари туғилган кунда бир-бирларини табрик қилишсин. Оилавий мухаббат рамзи сифатида бир-бирларига гул ва совғалар беришсин. Агар имконият бўлса, шу муносабат билан ёру дўстлар иштирокида ўтиришлар ташкил қилишсин. Бу хислатлар эрнинг меҳр-мухаббатини мустаҳкамлайди.

Ёрга мадакдор бўлиш, уй ишларига кўмаклашиш керак. Ҳар ишда икки дил пайванд бўлмоғи керакким, бу аҳиллик қувонч ва шодликка сабаб бўлур.

Ду дил як шавад бишканад кўҳро,

Парокандаги орад андўҳро.

Низомий Гапжавий.

(Мазмуни: икки дил бир бўлса тоғни қулатар, андухни пароканда килур.)

Агар икки ёр ҳар ишда бир бўлсалар, уларни ҳеч бир куч ажрата олмайди. Бундай оила охиригача хушбахт оила бўлиб қолади.

Агар ду ёри мувофиқ ду дил яке созанд,

Фалак ба як тани танҳо чи метавонад кард.

(Халқ ҳикмати).

(Мазмуни: агар икки мувофиқ ёр икки дилни бир қилсалар, фалак бир танҳо танаси билан нима қила олади?)

Турмуш ўртоғи бўлиш учун енгилфикрлик, енгилтабиатлилик тўғри келмайди. Зеро, хомфикрлик оқибати пушаймонликдир. Баъзида иккита ёш ўзаро кўнгил кўйиб, қисқа муддатда никоҳдан ўтишади, кейин эса айрим сабаб ва баҳоналар билан бир-бирларидан кўнгил узиб, ажралишга даъво қилдилар.

Ишк ва меҳр-мухаббатга вафо керакдир. Ҳаёт дарахти вафо бўлоғи сувидан баҳра олиб, кўкариб, ривож топади.

Эй йигит! Билгилки, ҳаётни мухаббатсиз тасаввур қилиб

бўлмайди. Муҳаббатсиз ҳаёт қуёшсиз ва ойсиз осмонга ўхшайди.
Унда на нур бор ва на зиё.

Муҳаббат машъал каби эгаси кўнглини мунаввар этади, умидли ва нурафшон ёшлик кўзлари олдига ишқ боғи ҳувайдо бўлади. Бинобарин, муҳаббат, ишқ ва ошиқликка жаҳолат кўзи билан қараш пушаймонлик ва надомат келтиради. Ҳаётда эса, муҳаббатга маломат кўзи билан қараш хирадсизлик камолидир. Муҳаббати бор қалбда вафо, матонат, ва яхши инсоний фазилатлар гули очилиши керак.

Хотинингга меҳрибонлик билан панд-насиҳат қил.

Мусулмонга хотинидан нафратланиш раво эмас.

Хотинига бир ғулумдек муносабатда бўлиш мумкин бўлмаган ишдир.

Эътиқодли аёл эрнинг энг катта бойлигидир.

УЧИНЧИ БОБ

ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

БОБО ВА МОМОЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Фарзандларни оилали, уйли-жойли қилиб, набирали бўлиб, бобо ё момо бўлиш бебаҳо бахт-саодатдир. Чунки шириндан-шакар набиралар қуршовида яшаш, уларнинг кунда-кунга улғайиб боришини кўриб туришнинг ўзгача хузур-ҳаловати бор.

Юқорида айтиб ўтганмиздек, оиланинг фаровонлиги ва барқарорлиги йўлида ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни ва вазифалари мавжуд. Жумладан, бу борада бобо ва момолар ҳам ўз мавқеига эгадирлар.

Бобо ва момолар, энг аввало, оила сарбони, раҳнамоси ва таянчидирлар. Чунки улар кўпни кўрган бўлиб, ҳаётда кўп тажрибага эгадирлар. Иккинчидан, улар оила посбони саналадилар. Ота-оналар фарзандларини бемалол уларга қолдириб, ўз ишларига борадилар ёки бошқа уй юмушлари билан банд бўла оладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бобо ва момолар энг аввало набиралар тарбиясида муҳим аҳамият касб этадилар. Чунки набиралар ҳаётни асосан улардан англайдилар. Бобо-момолар ибратли ҳаётий ҳикоя ва эртаклар айтиб, набиралар онгини шакллантирадилар.

Одатда набиралар кўпроқ бобо ва момоларини яхши кўрадилар. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, аксарият бобо ва момолар набираларига нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўладилар. Ахир набирани «қандак ўрик донаси» деб бежиз айтилмаган. Боболар ва момоларнинг вазифалари ана шу ширин-шакар набираларини тўғри йўлда тарбиялашдир. Шу билан бирга, оилада тўғри қарор қабул қилиш, набираларнинг ота-оналарини улар олдида айбламаслик, уришмаслик, набиралар қалбида уларга ҳурмат-эҳтиромини уйғотиш, оилавий низоларни тинчгина бартараф этиш каби фазилатлар бобо ва момоларимизга хосдир.

Бобо ва момолар бу шарафли номга сазовор бўлганларида оила

муқаддаслигини англаган ҳолда, ана шу масъулият ва вазифаларини ҳис этишлари керак. Фақат шундагина оила фаровонлик, бахт-саодат ва барқарорликка эриша олади.

Шундан келиб чиқиб бобо ва момоларга айрим маслаҳатларни хавола қиламиз:

1. Бобо ва момолар ҳамиша ўз набиралари билан самимий муомалада бўлиб, уларга ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари лозим.

2. Ҳамиша уларнинг номларини тўлиқ айтиб мурожаат қилишлари ва ҳаммаларини бир хил эркалатишлари керак.

3. Набиралари олдида ёлғон, қабих, ҳақоратли сўзларни айтмасликлари, жанжал қилмасликлари керак.

4. Набиралари олдида уларнинг ота-оналарини уришмасликлари, уларнинг ёмон жиҳатларини ошкор қилмасликлари керак. Бу набираларининг ота-оналарига бўлган меҳр-муҳаббатларини сусайтириши мумкин.

5. Бобо ва момолар оила бошлиқлари бўлганликлари боис, ҳар қандай тўй-маъракалар уларнинг бошчилигида ўтказилади. Шу боис дабдабали тўйларга, катта ва беҳуда сарф-харажатларга йўл қуймасликлари керак.

6. Набираларнинг ҳар бир ғамхўрлиги ва совғаларини хурсандчилик билан қабул қилиб, уларга миннатдорчилик билдириб, дуо-фотиҳалар билан руҳлантиришлари лозим.

7. Ўзларининг хушмуомалаликлари, меҳрибонликлари, раҳм-шафқатлиликлари, намунали феъл-атворлари билан фарзандлари ва набиралари хавасини уйғота олишлари керак.

ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Фарзанд оила мустаҳкамлиги, бахт-саодати ва давомийлиги асосидир. У оиладаги низоларнинг олдини олиб, оила аъзоларининг ўзаро меҳр-окибатини мустаҳкамлайди, гина-адоватларни йўқотиб, самимий муносабатларни барқарорлаштиради. Шунинг учун оилада фарзанд туғилиши катта аҳамиятли воқеа ҳисобланади.

Шу билан бирга, фарзанд туғилганидан кейин, ота-она учун

янги бурч ва вазифаларни бажариш даври бошланади. Уларнинг энг асосий вазифалари фарзанд тарбиясидир. Республикамиз Конституциясининг 14- боб 64-моддасида кўрсатилганидек: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар парваришлаш ва тарбиялашга мажбурдирлар».

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий ёзганидек, ота-оналар куйидаги вазифаларни бажаришлари керак:

– ҳар бир ота фарзандининг номусли аёлдан дунёга келишига ҳаракат қилиши керак, токи, унинг фарзанди вояга етганда атрофдагилар таъна-маломатлари остида қолмасин;

– фарзандига яхши ва чиройли исм қўйсин;

– унга илм-маърифат ўргатсин;

– фарзандини ҳалол таом билан вояга етказсин.

Ана шу амалларни бажарган ҳолда ота-оналар фарзандларини соғлом, етук ва баркамол қилиб тарбиялашлари лозим. Бу – ота-оналарнинг жамият олдидаги энг муҳим бурчлари ҳисобланади. Чунки дунё келажагини ана шулар, тарбияланган фарзандлар бошқарадилар. Дунё келажагининг қандайлиги эса уларнинг тарбиялари қандайлигига боғлиқдир.

Бундан ташқари, ота-оналарнинг яна бир муҳим вазифалари фарзандлар балоғат ёшига етганда уларни уйлантиришдир.

Ота-оналар энг аввало фарзандларининг оила куриш ҳақидаги фикрларини ўрганиб, ўз оилавий шароитларига мос келадиган оиладан келин ё куёв танлашлари лозим. Қуда танлашда унинг мол-давлати ва мансабига учмаслик керак. Ўз қон-қариндошларингиз билан қуда-анда бўлманг, бусиз ҳам қариндошсизлар. Бегоналар билан қуда бўлинг, токи, қариндошларингиз кўпайсин. Аксарият қариндошлик никоҳидан туғилган фарзандлар нуксонли ва касалманд бўлишини унутманг. «Қариндош билан қуда бўлдинг, жудо бўлдинг» деган мақол ҳам бор.

Бу ҳақда «Кобуснома»да шундай дейилган: «...аммо ўглинг балоғатга етганда, унга қара, агар у хотин олишга тайёр бўлса, хотин олиб бериш тадбирини қил, токи, яна бир ҳаққингни бажарсанг. Аммо қўлингдан келганича уни ўз қариндошларинг кизларига уйлантирма.»

Хулоса, фарзандларга муносиб умр йўлдош танлаш, уларни уйлантириш, янги қурилган оилага шароит яратиб бериш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ўрталарида пайдо бўлган келишмовчиликларни бартараф этиш, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун замин яратиш ота-оналарнинг бурчларидир. Чунки янги оиланинг барқарорлиги, мустақамлиги ва бахт-саодати ота-оналар муносабатларига боғлиқдир.

Ота-оналарга бир қанча тавсия ва маслаҳатлар:

1. Ота-оналар шундай яшашлари керакки, ўғиллар отасига ва кизлар онасига ҳавас ва тақлид қилишсин.

2. Фарзандларни ҳаддан ортиқ эрка қилмаслик ва эрка бермаслик керак.

3. Ота-она биргаликда болаларни касб-хунар ва олий маълумот эгаси бўлишлари учун заҳмат чекишлари керак.

4. Фарзандларининг никоҳ тўйларида қимматбаҳо мебель, гилам ва кийимлар, дабдаба ва беҳуда сарф-харажатларга йўл қўймасликлари керак.

5. Фарзандлари оила қурганидан сўнг ҳам назоратсиз қолдирмай, оилавий ҳаёт борасида ўз маслаҳатларини бериб туришлари лозим.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Фарзандни соғ-саломат катта қилиб, қаторга қўшиш учун ота-оналар не-не машаққатларни бошдан кечирадилар. Ўзлари емай-едирадилар, киймай-кийдирадилар. Катта орзу-умидлар билан вояга етказдилар. Уларнинг бу йўлдаги заҳмат ва машаққатлари ҳар қандай иззат-эҳтиром ва қадрлашга лойиқдир.

Фарзандлар ота-она насли, халқ ва миллат анъаналарининг давомчиларидирлар. Ота-оналарга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, катталарни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳар бир фарзанднинг бурчидир.

Ота фарзанди,

Ота дилбанди.

Эшитгил жсоним,

Бу ота панди.

*Сўзинг аста айт,
Сўзинг билиб айт,
Мақсадга етиш-чун
Фикр қилиб айт.*

Ота-онага ҳурмат кўрсатиш ҳақида улуғ алломаларимиз шундай
ёзганлар:

*Она насиҳатин қуйволсин қулоқ,
Дунёда ёмонлик истама мутлоқ.
Бағрида ўстирмиш жонидан азиз,
Жонингдек азиз тут кечаю кундуз.*

Абулқосим Фирдавсий.

*Отанг хотирига нима эзгулик қилдингки, ўғлингдан кутасан
сен ҳам?*

Саъдий Шерозий.

*Истар эсанг отангдан мерос,
Богла отанг илмига ихлос.
Не нафи бор отанг бойлигин,
Бир кун тугатарсан неча ойлигин.*

Саъдий Шерозий.

*Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тоғи эрур оёгин гарди.*

Абдурахмон Жомий.

Охирги йилларда айрим фарзандлар олий маълумотли,
яхшигина касб-ҳунар эгаси, олим, файласуф, етук санъаткор,
бошлиқ, бой-бадавлат бўла туриб, ота-оналари ҳолидан хабар
олмайдилар. Гўё ота-оналари йўқдек уларни ҳафталаб, ойлаб,
хатто йиллаб эсламайдилар:

*Ота фарзанди,
Ота дилбанди,
Дилтопар бўлдинг,
Пултопар бўлдинг.
Ёр, ошнолисан,*

*Уйли- жойлисан,
Етук сардорсан,
Ҳаммага кераксан.
Ота ҳолидан
Лек хабаринг йўқ,
Она, сингилга
Ҳеч шафқатинг йўқ,
Нечун отангни
Эсламайсан ҳеч,
Пушаймонлигинг
Англагайсан кеч.
Бемордир отанг,
Бедордир отанг.
Сенинг йўлингда
Зор-зордир отанг...*

Бизнинг турмуш тарзимиздан келиб чиққан ҳолда оилаларимиз серфарзанд бўлиб, кўпинча фарзандлар оилали бўлганларидан сўнг уй-жой килиб, чикиб кетадилар. Кўп ҳолларда кенжа ўғил ота-онаси билан қолади. Лекин фарзандларнинг мустақил яшашлари ота-оналарини ташлаб қўйишларини англатмайди. Улар хамиша ота-оналари ҳолидан хабар олиб турадилар. Уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашадилар. Бироқ ўз ташвишлари билан бўлиб, ота-оналаридан ойлар, йиллар давомида ҳам хабар олмайдиганлар, баъзида уларнинг нарсаларини олиб кетадиган, ўзлаштирадиган фарзандлар ҳам учрайди.

Қонунларимизда ота-онага ғамхўрлик қилиш биринчи ўринга қўйилган. Мамлакатимиз Конституцияси фарзандларга ота-оналарга ғамхўрлик қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклайди.

Китобларда ота-оналарнинг фарзандларда саксонта ҳақи борлиги келтирилган. Бундан қирқтасини ота-она ҳаёт бўлганда, қирқтасини вафот этганда бажо келтириш лозим. Ҳаёт бўлгандаги қирк бурчдан ўнтаси жисмга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва яна ўнтаси мол-давлатга тааллуқли.

Жисм ҳаққи – бу, ота-онага чин дилдан хизмат қилиш, уларга



Маърифатпарвар, тажрибали, ватанга содиқ инсон Султонали Болтаев китоб муаллифи билан ҳаёт тажрибалари ҳақида суҳбатлашмоқда.



Хонадон кадбонусининг энг яхши ва энг асосий вазифаси пишириш, тикиш, ювиш ва супуришдир. Нилуфар Саъдиева бу оддий ҳақиқатнинг бахт эшиги қалити эканлигини мактабда ўқийётган чоғлариданоқ англаган эди.



Етимликнинг оғир юки Абдусалом Абдурахмонов руҳини шикастлай олмади. У ҳалал фарзанд сифатида отасининг ўрнини босиб, бир катта оилани мурод ва давлат соҳилига етказди.



Нурихон Аминжорова қайногалари ва қайнисингиллари кўнглидан чунонам эҳсой олганки, ҳаммалари унга «янгажон» деб мурожаат қиладилар.

хамиша яхши караш, розиликларисиз бирон иш қилмаслик, улар олдида очик чеҳра билан ўтириш, ғамгин, баджаҳл кўринмаслик, чақирганларида зудлик билан ҳозир бўлиш...

Дил ҳаққи – уларга меҳр-шафқат билан қараш, яхшилик қилиш, хурсандчиликларига шерик бўлиш, ғамгин бўлганларида кўнгилларини кўтариш, кўп гапирганларида малол олмаслик, озор бермаслик, орзу-ниятларига етишларида қўлдан келганча кўмаклашиш, улар қанча узоқ умр кўрсалар шунча шод бўлиш...

Тил ҳаққи – уларга мулойим муносабатда бўлиш, баланд овоз билан гапирмаслик, номларини тилга олиб чақирмаслик, гапирганларида гапирмаслик, иш буюрганларида рад қилмаслик.

Мол-давлат ҳаққи – энг аввало ўзига либос олмасдан, ота-онага олиб бериш, уларга ширин таомлар ҳозир қилиш, овқатланиш чоғида дастурхондаги энг лаззатли ва сифатли неъматларни улар олдида кўйиш. Бирор нарсани сотиб олиш истагида бўлсалар, олиб бериш, чунки улар болалари истаган нарсаларни ўз вақтида олиб берганлар. Яшаш жойларига оро бериш. Улар узоқда яшасалар, гоҳ-гоҳида меҳмонга таклиф қилиш. Ота-онанинг дўстларини ҳам хурмат қилиш, улар олдида ота-онанинг чеҳраси очилади.

Ота-она вафотидан кейинги қирк ҳақнинг энг асосийлари – майитни зудлик билан дафн этиш чорасини кўриш. Майитни дафндан олдин ювиш ва кафанлашни унутмаслик. Дод-фиғон қилмаслик, бошқаларнинг ҳам бундай қилишига йўл қуймаслик.

Дафндан сўнг тез-тез қабрлари зиёратига бориб туриш. Бошқаларнинг ота-онасини ёмонлик билан эсламаслик, чунки ўзининг ота-онасини ҳам шундай ёдлайдилар...

Шу ўринда яна баъзи андишаларни фарзандларга ҳавола этамиз:

1. Ҳар бир фарзанд ўз насл-насабини яхши билиши, агар аждодлари яхши инсонлар бўлса, уларга иснод келтирмаслиги керак.

2. Фарзанд ўз ота-онасига қандай муносабатда бўлса, фарзандидан шундай муносабат кутсин.

3. Ҳар бир хайрли ишни бошлашдан олдин ота-онасидан маслаҳат ва фотиҳа олиши керак.

4. Ота-онасидан хабар олмай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўядиган

ё қариялар уйига топширадиган фарзандлар бизда ноқобил фарзанд ҳисобланади.

5. Ота-онасини бошқаларга муҳтож қилмаслиги керак.

6. Ота-она учун нимаики қилишни хоҳласа, улар тириклигида қилиши керак.

7. Ота-онаси вафотидан сўнг улар номига иснод келтирмаслиги керак.

8. Вафотларидан сўнг ҳам уларнинг қариндошлари ва ошна-оғайнилари билан дўстлик ришталарини узмасликлари лозим.

«Ҳикматлар» китобида шундай келтирилган:

Кимки ота-онасини ёмон сўзлар билан ёд этса, у ёмон шахс ҳисобланади.

Ота-онанг вафотидан сўнг яқинларини уйингга таклиф қил, улар билан биргаликда ота-онанг билан боғлиқ яхши хотираларни эсла, ота-онанг яхши кўрган овқатларни тайёрлаб, дўстларига манзур қил.

(Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий.)

Ана шундай, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурчлари туганмасдир. Чунки «бир кечалик она ранжини икки жаҳонда ҳам узолмайсан» деб бежиз айтилмаган. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир солиҳ фарзанд ота-она олдидаги бурчларини бажо келтиришга ҳаракат қилиши керак. Энг муҳими, ота-онасига иснод келтирмаслиги керак...

ТЎРТИНЧИ БОБ

ЭНГ МУҲИМ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАЛАР КЎНГИЛ ТАРБИЯСИ

Ўзини яхши инсон деб биладиган ҳар бир одам ёлғончилик, риёкорлик, бахиллик, иғворгарлик, хиёнат, ўғрилик, арокхўрлик, гиёҳвандлик каби иллатларга яқин йўламаслиги керак. Бу одатлар тартибли, одобли одамларга хос эмас.

Тақводор киши бошқаларга озор бермаслиги, ватан ва халқига зарар етказмаслиги, балки яхши амаллари билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим.

Бир тоифа ота-оналар ҳамиша парҳез ва ибодат қиладилар, бошқалар билан ишлари йўк. Бу тоифадан атрофдагилар на фойда кўрадилар, на зарар.

Яна бир тоифалари ҳамиша ибодат қилиб, ҳар қандай ёмон амаллардан парҳез қиладилар. Доимо яхши ишлар билан шуғулланиб, бирон-бир гуноҳ содир этмасликка ҳаракат қиладилар. Шундай яшаш лозимлигини фарзандлари ва бошқаларга ҳам уқтирадилар. Фарзандлари ҳамда атрофдагилар ота-оналардан ушбу яхши амалларни ўрганиб, уларга тақлид қиладилар.

Баъзи ота-оналар Ислом динини яхши биладилар, ибодат қиладилар, шунга қарамай ёлғончилик, чакимчилик, риёкорлик, фирибгарлик, ўғрилик каби ёмон одатларга кўл урадилар. Мазлумлар, ногиронлар ва мажруҳлар, етим-есирларга раҳм-шафқат қилмайдилар. Фақат ўз манфаатларини кўзлайдилар. Савдо ишларида харидорлар ҳақиқа хиёнат қиладилар. Ота-оналарнинг бундай ёмон жиҳатлар билан фарзандларига ўрнак бўлишлари гўғрими? Асло йўк.

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) буюрадилар:

Эй тилига исломни келтириб, лек қалбига йўл бермаган кишилар, муслиминга озор берманг ва уни мазаммат қилманг ва шикаст етказманг.

* * *

Менга энг яқин кишилар парҳезкорлардир, ҳар кимки бўлса, ҳар қаердаки бўлса.

* * *

Руза тутувчи киши ёмон сўз ва ишдан ҳазар қилиши, бирон қалбга озор бермаслиги керак.

* * *

Беш амал рўзани ботил қилади: ёлғон, ғийбат, сўз ташувчилик, шахват назари ва ёлғон қасам.

Баъзида мулла ва имомларнинг намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш ва шу каби шариат амалларини қилишга чорлашларига гувоҳ бўламиз. Фақатгина ибодат қилувчи шахснинг савоб-гуноҳи ўзига ёзилади, бундан бошқаларга наф тегмайди. Ҳар бир кишининг амалларидан бошқалар ҳам наф кўриши учун у киши ибодат ишлари билан бирга, ёмон одатлардан парҳез қилиб, маҳалла, кишлоқ ва ватани манфаати йўлидаги ишларда ўз ҳиссасини кўшиши керак.

РИВОЯТ. Икки дўст йигирма йил бир мадрасада ўқийдилар. Уларнинг бири илмига амал қилиш мақсадида тарки дунё қилади ва бир ғорга кириб, фақат ибодат билан шуғулланади. Иккинчиси ўз кишлоғига қайтиб, ишини давом эттиради, фарзандли бўлади.

Орадан йигирма беш йил ўтади. Ғорда ибодат билан шуғулланувчи кишига Оллоҳ таоло бир хислат ато этади: у паррандалар ва ҳайвонлар тилини тушунадиган бўлади. Бир куни икки парранданинг сўзлашувини эшитиб қолади. Улар бир-бирларига айтардилар:

– Бу ғордаги кишининг энг қалин дўсти оламдан ўтди.

Буни эшитиб у фотиҳа ўқиш учун дўстининг кишлоғига йўл олади. Кишлоққа етганида барча парранда ва ҳайвонларнинг марҳум дўсти барпо этган боғ неъматлари учун унинг ҳақиға дуо қилаётганларининг шохиди бўлади.

Дўстининг уйда эса унинг етти фарзанди оталари ҳақиға дуо қилардилар. У ўйлаиб қолади: «Дўстим тўғри йўлни танлаган экан. Ундан шунча нарсалар қолибди. Солиҳ фарзандлари оталари вафотидан сўнг ҳам ўзларининг хайрли ишлари билан унга савоб юборадилар.

Мен-чи? Мен одамлар учун нима яхшилик қилдим? Фақат ўзим учун ибодат қилдим. Илмнинг баланд чўккисига етдим, лекин мендан ҳеч нарса қолмас экан. На бирон бир яхши иш, на бирор фарзанд. Қани энди зурриёдим бўлса-ю, менинг ҳақимга дуо қилса. Оламдан ўтсам, барча аъмолимни ўзим билан олиб кетар эканман. Дўстимнинг бу дунёси ва у дунёси обод бўлган экан...»

ЯХШИ НИЯТ – ЯРИМ ДАВЛАТ

Ҳар кимга эрталаб Худои таолодан қуйидагиларни талаб қилишни тавсия қиламиз: «Илоҳо омин, ўн саккиз минг олам Парвардигори, мулку-мақонингни обод қилгин, еру кўкни барқарор тутгин.

Мамлакатларни, давлатимни, кишлок ва оила ахлини тинч, осойишта сақлагин.

Барча мамлакат ва одамларни офату фалокатлардан, беморлик, ногаҳоний тухматдан асрагин.

Бу дунё ва охираат шармандаси, дўстга хор, душманга зор ва нокасларга муҳтож қилмагин.

Ризқ-рўзимизни фаровон айлаб, баракот ато қилгин.

Барча қатори менга ва фарзандларимга инсоф бергин, ҳаммани шайтон феълидан асрагин.

Раҳбарлар ва давлат ишларига ривож бергин.

Гина-адоватни дилларимиздан узоқ қилгин.

Халқлар, инсонлар, ота-оналар, фарзандлар, кон-қариндошлар, ёру-дўстлар ва қўни-қўшнилар орасида меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, мурувват, хайр-эҳсонни барқарор этгин. Ҳамани поклик-парҳез-корлик, тўғрилиқ, ҳалол-ҳаром ризқни фарқ қилиш, итоаткор-ликка, шарм-хаёли ва аҳил бўлиш йўлига ҳидоят қилгин.

Худойим, иймонимни комил, мустаҳкам ва улуғ қилгин.

Ниятимни энг яхши ният, амалимни энг яхши амал қилгин.

Оллоҳим, дунёга нима учун келганимни унуттирмагин.

Қудратинг билан ёмонликларимни тuzатгин.

Мени ўзингдан ўзгага илтижо қилувчи қилмагин.

Мендан раҳматингни дариг тутмагин.

Хулқимни Қуръон билан зийнатлагин.

Худойим! Менга ўз ғазабларини енгувчи, адоват ва фитна оловини ўчирадиган, одамлар орасини ислоҳ қилувчи, уларни муттаҳид қилувчи, айбини яширувчи, яхшиликларини васф қилгувчи, хушмуомала ва очикқўнгил, мулойим ва хушхулк, виқорли ва шужо, доимо фазилатга интилувчи, неъматларга шуқр қилувчи, нолойиқларга ҳам яхшилик қилувчи, оғир бўлса ҳам ҳақни айтувчи, хайр ва яхшиликларни орттирувчи, ёмонликларни йўқ қилувчи ва бошқа яхши хислатларга эга бўлган кишиларга ҳамроҳ бўлиш ва улар каби бўлишни насиб этгин.

Худойим! Мен ва аҳли аёлимга саломатлик, узок умр, кенг ризк, очик қўл бергин.

Гуноҳларимни мағфират қилгин.

Обод охиратни насиб қилгин.

ҲИКМАТЛАР

(«Наҳж-ул-ҳидоя» китобидан)

1. Ҳар бир одам биродари учун ойинадир. Ҳар бир киши ўз биродарида палидлик ва нопокликни кўрса, уни дафъ қилиш ҳақида огоҳлантириши керак.

2. Сўзга оғиз очганингизда ҳақиқатни изҳор этинг, аҳдингизга вафо қилинг, ўғрилиқ қилманг, пок бўлинг, бошингизда нопок ҳавасларни сақламанг, кўлингизни уришдан асранг, ҳаром ва нобоп нарсаларни кўтаришдан ҳазар қилинг. Ҳамиша ва ҳар доим Худони эслайдиган кишилар энг яхши бандалардирлар, ғазаб билан сўз айтадиган ва нифоқ солиш пайида юрадиган кишилар Худонинг душманидирлар.

3. Тангри ва унинг Расулига иймон келтирган киши яхшилик билан сўзлаши ва ё сукут сақлаши керак.

4. Тангрига иймон келтирган киши ўз қўшнисига ёмонлик қилмаслиги лозим.

5. Очларга инъом қилинг, беморларни, адолатсизликдан маҳкум

бўлган асирларни озод этинг. Мазлумларга хоҳ мусулмон, хоҳ гайримусулмон бўлсин, кўмаклашинг.

6. Бошқаларга раҳм қилинг, токи, сизга раҳм қилишсин. Бошқаларни кечиринг, токи, сизни ҳам кечиринсин.

7. Ҳалол нарса ҳам аён, ҳаром нарса ҳам. Лекин бу икки нарсалар орасида кўпгина шубҳалар борки, улардан парҳез қилган афзал.

8. Мусулмонлар диний биродарлар ҳисобланадилар ва бир-бирларига ситам қилишлари, ва ё кўмагини дариг тутиши ва ё гина сақлаши раво эмас.

9. Олти нарсадан парҳез қилишингиз керак. Сўзга оғиз очганингизда ростдан бўлак ҳеч айтманг. Аҳд қилсангиз, вафо қилинг. Омонатдор бўлинг. Фикр ва амалда пок бўлинг. Уришга қўл қўтарманг ва ҳаром нарсаларга қўл чўзманг.

10. Бошқаларни ситамга чорловчи киши биздан эмас. Хонадони учун адолатсизлик билан уришадиган киши биздан эмас. Ситамгарликда кўмаклашиб жон берган киши биздан эмас.

11. Агар иймонингиз бўлмаса, жаннатга қадам қўймайсиз.

БОҒЧА, МАКТАБ ВА ЖАМИЯТ

Боланинг яхши тарбия топиши оиланинг мустаҳкам бўлишига, жамиятнинг тараққиётига хизмат қилади. Шундай экан, ҳар қандай жамиятда бола тарбияси энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирда ҳукуратимиз томонидан таълим-тарбия тизимини янада ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу борада ижобий ишлар амалга ошириляпти. Барча шароит ва имкониятлар яратилляпти. Айни кунда мамлакатимизнинг энг юксак мақсади ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.

Бизда болалар тарбияси оиладан сўнг боғчага ўтади. Боғчада болаларимизнинг тили, нутки, атроф-муҳитни идрок этишлари, бошқаларни кўриб, улардан ибрат олишлари, хулқ-атвори, фикрлаш тарзи шаклланади. Бунда оналардек меҳрибон мураббийлар ўз қизиқарли эртаклари, шеърлари, ва топишмоқлари билан ҳисса қўшадилар. Шунингдек, бола боғчада ҳарфлар билан танишиб, китоб ўқиб, илм-фанга нисбатан қизиқиши ошади. Таълим-тарбия олиши, илм-ҳунар ўрганиб, ватанга, ота-онага, халқ ва миллатга хизмат қилиши учун йўл очилади.

Қадимда ота-оналар болалари 6-7 ёшга тўлганида уни устозлар тарбиясига берардилар. Ҳозирда бу анъана оммавий тарзда давом эттирилмоқда. Яъни болаларимиз 7 ёшга тўлганида давлат конун-қоидаларига мувофиқ мактабга таълим-тарбия олиш учун борадилар. Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир боланинг бепул таълим олишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Мактабда болаларимизга устозлар илм-фан ўргатадилар, одоб-ахлоқларини шакллантирадилар. Болаларнинг таълим-тарбияси қай даражада бўлиши уларнинг мактабдаги устозларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Устозлар болаларнинг ота-оналари, маҳалла билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари, ҳар бир болага унинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлишлари, дарсларни завқ ва қизиқиш уйғота оладиган даражада ўтишлари болаларнинг баркамол бўлиб етишишларига шароит яратади. Ҳозирда мактабларда ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб улгайишлари учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Факатгина устозлар ҳар бир бола ва жамият келажагини кўзлаган ҳолда фаолият олиб боришлари керак. Боланинг тарбиясида мактаб муҳити, устозларнинг малака ва тажрибалари улкан аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай одам энг аввало муҳитдан баҳра олади.

Устозлари яхши тарбия берган шогирдлардан доно ва олим инсонлар чиқади.

ХИКОЯТ. Искандар Зулқарнайдан сўрадилар:

– Кимни кўпроқ яхши кўрасиз, отангизними ё устозингизними?

Искандар шундай жавоб берди:

– Отам ва устозимни бир хилда яхши кўраман. Отам дунёга келишим, вояга етишимга сабабчи бўлса, устозим фазлу-камолим учун сабабчидир. Шу боис ҳар икки тарбиячимга ҳам бир хил назар билан қарайман. Ҳар икки зотга ҳам муҳаббатим ва ҳурмат-эҳтиромим юксак.

Фарзандлар, умуман олганда инсон тарбиясида жамиятнинг ҳам ўз таъсири бор. Шунинг учун, энг аввало, жамият соғлом бўлиши керак. Масалан, жамият аҳли биргаликда ахлоқи бузук одамни тарбиялашга киришсалар, тарбиялай оладилар. Ёки шундай бир ахлоқи бузук одамга биргалашиб чора кўрсалар, биринчидан, унинг ўзи ўз хулқ-атворини ўзгартирса, иккинчидан, бу бошқалар учун сабоқ бўлади.

ТАБИАТ ВА МУҲИТ

Табиат нима? Биз яшайдиган ер қуррасини қуёш, ой, юлдузлар, ҳаво, сайёралар ўраб туради. Ер юзи тоғ ва текисликлар, сув хавзалари, ўрмонлар ва даштлардан иборат. Уларда ҳар хил ўсимликлар ўсади, турфа ҳайвонлар яшайди. Буларнинг барчаси табиатни ташкил этади.

Табиат иккита: жонли ва жонсиз қисмларга бўлинади. Қуёш, ой, юлдуз, ер, сув, ҳаво, тошлар жонсиз табиатга мансуб. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар жонли табиатни ташкил этадилар. Улар нафас оладилар, озиқланадилар, ўсадилар.

Осмонда булутларнинг пайдо бўлиши, ёмғир ва қор ёғиши, шамол, чақмоқ, паррандалар хониши табиат ҳодисаларидир.

Табиат инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур муҳитни яратади. У инсонга озуқа, кийим-кечак, ёқилғи, электр энергияси, саноат, қурилиш хом-ашёси беради. Шу боис табиатни муҳофаза ва эҳтиёт қилиб, унинг бойликларини режа асосида ишлатиш керак.

Табиатнинг барча унсурлари бир-бирлари билан ўзаро узвий боғлиқ. Наботот ва ҳайвонот дунёсига, инсоният ҳаётига қуёш, сув, ҳаво, тупроқ бевосита таъсир қилади.

Инсон фақат табиат ривожини қонуниятларини тўлиқ билгандагина унинг бойликларидан самарали фойдалана олади.

Табиатга чуқур мулоҳаза билан қарасак, унинг бағридаги барча жонли ва жонсиз ашёлар Худои таоло томонидан инсон учун яратилганлигини англаймиз. Биз ҳаётимиз давомида табиатда кечаётган жараёнларга ибрат назари билан боқиб, ўзимиз учун фойдали хулосалар чиқариб боришимиз лозим.

Яъни, агар гул ва гиёҳлар, сабзавот ҳамда дарахтларни экиб парваришлаш, ҳайвону паррандаларни боқиш бир тарафдан фаровон ҳаётимиз учун замин яратса, иккинчи тарафдан, табиатнинг мўъжизавий воқеа-ҳодисалари онгимиз ва юрагимизга таъсир қилиб, бизни чуқурроқ фикр-мулоҳаза юритишга ундайди. Табиатнинг неъматларидан истеъмол қилиб, унинг қучоғида истироҳат қилиб, баҳра оламизки, бу саломатлик, ақлу-фаросат ва билимнинг инкишофи, одоб-ахлоқ ривожланиши учун зарур.

Шу ўринда инсонлар учун ғоят манфаатли бўлган оддий бир ҳашарот, яъни асаларининг ҳикматларга, сир-саноатларга тўла ҳаётидан мисол келтирмоқчи лозим топдим. Бу ҳашарот ҳаммаси бўлиб саккиз ойдан кўпроқ умр кўради, аммо озодлик ва ростлик, ҳалолликни истайди. Асаларилар ўз сардорларига (подшоҳларига) итоаткор бўлиб, янги оила ва янги сардор пайдо бўлганида, бу оиладан ажралиб, алоҳида ўз сардорлари билан яшайдилар. Заҳарли гуллардан асал олган ариларни ўлдирадилар, ҳатто уяларига киришга ҳам қўймайдилар. Агар одам маст, атир сепиб олган ё бадбўй ҳолатда уяларига яқинлашса, унга биргалашиб ҳужум қиладилар. Бу зийрак ҳашаротларнинг ҳаракатларидан ўзимиз учун керакли хулосаларни чиқариб олишимиз мумкин.

Инсон, тарбиясида табиат ва муҳитнинг таъсири беқиёс эканли-

гини айтиб ўтмоқчимиз. Ривоят қилишларича, бир одамнинг биттагина ўғли бор экан. Шунинг учун у ўз боласини эркалатиб, истаган нарсасини муҳайё қилар экан. Натижада бола мағрур, ишэкмас ва танбал бўлиб вояга етибди. Отаси ўғлига касб-хунар ўтгатиш учун уни устозлар тарбиясига берибди. Лекин бу айёр бола устозлар сабоғини ёқтирмай, қочиб кетибди. Буни кўрган отаси уни яна бир мулла тарбиясига берибди. Мулланинг насиҳатлари ва сабоқларидан зериккан бола яна қочибди. Лекин бу сафар «отам олдиларига борсам, яна бошқасига топширадилар» деб шаҳардан ташқарига чиқиб кетишга аҳд қилибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ўрмонга кириб қолибди. Дарахт тагида дам олиб ўтириб, бир чуқурчага кўзи тушибди. Дон кўтариб олган бир чумоли ундан чиқишга уринар, аммо ҳаракатлари зое кетар экан. Чуқурча лабига базўр чиқариб олган дони яна пастга тушиб кетар, лекин у яна донни кўтариб тепага чиқишга ҳаракат қилавераркан. Ниҳоят, у кўп уринишлардан сўнг донни чуқурчадан олиб чиқибди.

Бу воқеа болага қаттиқ таъсир қилибди. Ва у чумолининг ҳаракатидан ҳар ким чин дилдан ҳаракат қилса албатта ўз мақсадига етишини англаб етибди. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят устозлари олдига қайтиб, руҳсатсиз қочиб кетгани учун узр сўрабди, илм ва касб-хунар ўрганишга киришибди. Айтишларича, у мақсадига етиб, буюк олим бўлганмиш...

Ана шундай, табиатни ўрганиб, муҳитга разм солиб, чиқарган хулосаларимиздан болалар тарбиясида фойдаланишимиз зарур. Чунки юқорида айтганимиздек, болаларнинг яхши тарбияланиши, соғлом ва баркамол бўлиб етишлари, бу оилаларимизнинг соғломлиги ва баркамоллигидир.

Биз қаерда бўлсак, қаерда умргузаронлик қилсак, ўша ер муҳит. Шу боис ҳамма жойни озода сақлаб яшашимиз лозим. Бинобарин, табиат ва муҳитни тоза сақлаш, дарахтларни ҳуда-беҳудага кесмаслик, гиёҳлар ва ўсимликларни поймол қилмаслик, парранда ва ҳайвонларга зарар етказмаслик, сув-ҳавони ифлосламаслик инсоннинг яхши хислатлари ҳисобланади.

Юқорида айтганимиздек, наботот ва ҳайвонотнинг ўсиш ва ривожланиши, паррандалар ва ҳайвонларнинг ҳаракатлари,

хуллас, табиат мўъжизалари бизнинг одоб-ахлоқимизда муҳим роль ўйнайди. Буларни ўзимизнинг беминнат устозимиз, десак муболаға бўлмайди.

Шунга мувофиқ тарзда ҳар бир ота-она қуйидагиларга амал қилиши керак:

1. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ғамхўр бўлиб, уларга зарар етказмаслик, уларнинг нест-нобуд қилинишига йўл қўмаслик лозим. Чунки ҳар бирининг инсон учун нафи бор.

2. Сув ва ҳавони ифлос қилмай, хамиша тоза асраш ҳар бир кишининг вазифасидир. Чунки инсон саломатлиги ҳавонинг тозаллигига боғлиқ.

3. Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиб, меъёр ва қоидаларга риоя қилиш лозим. Чунки биздан кейин ҳам инсонларнинг дунёга келишларини унутмаслигимиз керак.

4. Сув – ҳаёт манбаи. Ундан ҳам оқилона фойдаланиб, уни исроф қилишга йўл қўймаслик керак.

5. Ҳар бир инсон табиат ободлиги ва муҳитнинг озодалиги учун ҳаракат қилиши зарур.

6. Бу ўткинчи дунёда биз лоқайд ва томошабин бўлиб ўтмаслигимиз лозим. Чунки бу муносабат инсон шаън-шарафига муносиб эмас. Биз яхши орзу-умидлар, эзгу максадлар билан яшаб, ўз ватанимиз ва маҳалламизни обод қилишга ҳисса қўшишимиз керак.

7. Ҳар бир ота-она табиат ва атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши керак. Яъни ўсимликлар, буталар, гўзал ва хушбўй гуллар, мевали ва манзарали дарахтларни кўпроқ экиб, уларнинг нашъу-намози учун ҳаракат қилишлари лозим.

БИР ТУП ДАРАХТ

Ўнлаб бўш ер, бадахлоқ одамлардан бир туп дарахт афзал.

Дунёдаги барча нарсалар инсоният учун хизмат қилади, одамлар уларни бошқариш, улардан фойдаланиш орқали дунё ободлиги ва давомийлигини таъминлайдилар. Шунинг учун

инсон ёруғ оламдаги энг буюк, мукаррам зот ҳисобланади. Бирок ҳамма одамлар ҳам бу буюкликка муносиб тарзда яшамайдилар, зиммаларидаги вазифаларини бажармайдилар. Таассуфки, жамиятимизда ўзининг инсон фарзанди сифатидаги улуғлигини, мўтабарлигини англамайдиган локайд, майпараст ва гиёҳванд, бахил, киморбоз кимсалар ҳам учрайдилар. Бундайлар ўз оилалари, атрофдагилар, маҳалла ва кўни-кўшнилар тинчлигини бузадилар. Табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ўрнига уларга зарар етказадилар, йўқ бўлиб кетишларига сабаб бўладилар.

Шу ўринда оддийгина бир туп дарахтнинг хосиятларини санаб ўтмоқчимиз:

1. Ҳеч кимга зарар етказмайди.
2. Соясида дам оламиз.
3. Ҳавони салқинлантиради.
4. Атрофга чирой бағишлайди.
5. Бизни кислород билан таъминлайди.
6. Шамол шиддатини сусайтиради.
7. Тахталаридан уйсозлик ва мебелсозликда фойдаланилади.
8. Дори-дармонлар олинади.
9. Молларимизни боқишда унинг баргларида фойдаланамиз.
10. Ёмғирда унинг тагида яширинамиз.
11. Мевали дарахт бўлса, бизни ширин-шакар мевалари билан сийлайди.
12. Танасидан қоғоз ишлаб чиқариш учун целлюлоза оладилар.
13. Мато тикиш учун хом-ашё сифатида фойдаланилади.
14. Танасидан шарбат ва елим ҳам олинади.

Шунинг учун дарахтларни яхши парваришлаш, уларни кўпайтириш, асраб-авайлашимиз лозим. Бир туп дарахтнинг келтирадиган фойдаларини бир бадахлок одамнинг етказиши мумкин бўлган зарарлари билан қиёсласак, яшил дўстимизнинг нечоғлик афзаллигини англаб етамиз. Баъзилар шу мисолдан керакли хулоса чиқариб олсалар айни муддао бўларди. Келинглар:

*Дашту саҳро, дамани
Шудгор, текис қилайлик.
Турфа кўчатларни экиб,*

*Боглар бунёд қилайлик.
Ҳимматли қўллар билан,
Манзил обод қилайлик.
Шукр қилиб замонга,
Ўтмишни ёд қилайлик.*

УЙ ВА ҲОВЛИ ОЗОДАЛИГИ

Уй ва ҳовлидаги тозалик, саранжом-саришталик фарзандлар обод-ахлоқи ва тарбиясида муҳим ўрин тутади. Бунинг учун, энг аввало, бобою момолар, ота-оналарнинг ўзлари эътибор бериб, шунга ҳаракат қилишлари лозим. Яъни, уй ё ҳовли ҳаммаша саранжом-саришта ва тоза озода бўлиб, асбоб-анжомлар ўз ўрнида, батартиб туриши керак. Қишлоқ жойларда ҳовли уйларда яшайдиган оилалар мевали дарахтларни кўпроқ экиб, улар қаторининг тартиблилиги ва хилма-хиллигига эътибор берсалар хонадонларига файз-барака ёғилади. Ҳушбўй ва манзарали гулларни ҳовлининг муносиб жойларига экиб, зиравор ва сабзавотларни парваришлаш лозим. Молхона, товукхона, ҳожатхона ва ҳаммомни уйдан узоқроқда қуриб, тоза, озода сақлаш керак. барча уй ҳайвонларига алоҳида вақт ажратиб, самимий қараш лозим.

Сўриларни ҳовлининг салқин, баҳаво жойига қўйиб, атрофини манзарали гуллар ва буталар билан безаш, бу ишнинг эстетик жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундай чиройли манзаралар яратиш керакки, кўрган кишининг ҳаваси келсин. Ана шундай уйларда туғилиб катта бўлган болалар тартибсизликка йўл қўймайдилар. Чунки улар гўзал муҳит бағрида улғайиб, тозалик, озодалик ва тартиб-интизомга одатланадилар. Дўстлар, кўни-қўшнилар, қариндошлар ва узоқ-яқиндан келган меҳмонлар бу уйнинг озодалиги, саранжом-саришталигини кўриб баҳри-диллари очилади, хонадон эгаларидан ибрат оладилар. Ўзингиз бир тасаввур қилинг, кўча ё бозордан, иш ё сафардан чарчаб қайтганингизда ҳовлингизга кириб, унинг тартибли, тоза, саранжомлигини кўрганингизда беихтиёр қувониб кетасиз, асабларингиз ором

олиб, чарчоғингизни унутасиз. Қилган ишларингиздан хурсанд бўлиб, куч-ғайратингиз янада ошиб боради. Таъкидлаш лозимки, бундай хонадонларда яшовчи оилалар вакиллари юксак инсоний фазилатлари, одоб-ахлоқлари билан одамлар орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга бўладилар.

Бир тоифа ота-оналар ҳовли-уйларининг озодалигига эътибор бермай, куну тунлари қаерлардадир ўтади. Ҳисоб-китоб қилмай баъзида тўк, баъзида оч юрадилар. Яъни аксариятларида асбоб-ускуналарнинг ўз жойи йўқ, ҳеч қаер супурилмаган, иш асбоблари ва бошқа нарсалар ҳовлининг ҳар томонига палапартиш ташланган, бир тарафда хазон-пўчоқлар, бир тарафда тупроқ, бир тарафда моллар ахлати... Ҳовли ҳавоси ифлос ва бадбўй. Молхона, товукхона, ҳаммом ва ҳожатхона яшаш жойи яқинида қурилган. Мол ва паррандалар яхши парваришланмайди. Гуллар ўрнида бегона ўтларга, мевали дарахтлар ўрнида сада ва бақатеракнинг қуриб қолган шохларига, зиравор ва сабзавотлар ўрнида тиканларга кўз тушади. Бу ҳовлига қирган киши ўзини ноқулай ҳис этиб, ўтиргани жой тополмайди. Нохуш манзарани кўрганидаёқ асаблари бузилади, ҳатто нафрати келиши мумкин. Халқимиз айтганидек, «Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади». Яъни бу тоифа ота-оналарнинг аксарияти бадахлоқ ва қаҳр-ғазабли бўлиб, ўзларининг ножўя ҳаракатлари, сўзлари, қилиқлари билан атрофдагиларни ранжитиб юрадилар, ҳамиша таъбларини хира қиладилар, одамларнинг улар билан суҳбатлашгилари келмайди.

Ана шундай уйда, ана шундай эр-хотинлардан дунёга келиб, вояга етган фарзандлардан нимани кутиш мумкин? Улар ота-оналарининг қайси яхши ва тўғри хислатларига тақлид қилиб, ибрат оладилар? Бу саволга жавоб бериш қийин.

Учинчи тоифа ота-оналар мансабдор эканликлари, ё тез-тез хизмат сафарларида бўлишлари ва ё кўп маош олишлари, ё оилавий савдогарлик билан шуғулланишлари сабабли уй ва ҳовлининг озодалиги, саранжом-саришталигига етарли эътибор бермайдилар. Мол ва парранда боқмайдилар, гуллар ва мевали дарахтларни ўз холига ташлаб, серҳосил ерларига экин экмайдилар. Тозалик, озодалик, дарахтлар, гуллар, зироатлар экиш ва мол, паррандалар

боқиш аввало савоб амаллар бўлиб, кейинчалик оиланинг яхши яшаши учун ката даромад келтиради. Бундан ташқари, дастурхон ноз-неъматлар билан тўлиб, бозордан харид қилиш ҳожати қолмайди.

Сиз мухтарам ота-оналарга яна қуйидагиларни тавсия қиламиз, токи айтганларимизга амал қилиб, улардан фарзандларингизга яхши тарбия беришда фойдалансангиз:

1. Уй-ҳовлингиз доимо тоза, озода ва саранжом-саришта бўлишига ҳаракат қилинг, чунки тозалик саломатлик гаровидир. Аксарият табиблар беморларга тоза ҳаво, шинам ва хушманзара жойларда истироҳат қилишни маслаҳат беришлари бежиз эмас.

2. Мевали дарахтлар, хушбўй гул ва буталар, зиравор ва сабзавотларни кўпроқ экиб, парвариш қилинг. Ерни экинсиз қолдирманг, токи кўп ҳосил олиб, турмуш шароитингиз яхшилансин, ҳовлингиз шинам, салқин ва чиройли бўлсин.

* * *

3. Уй, ҳовлингизнинг ифлос ва бадбўй бўлишига йўл қўйманг.

Шуни унутмангки, тоза, озода, чиройли ва шинам жойларни доимо фаришталар маскан қиладилар, ифлосу ёмон жойларда эса инс-жинслар юрадилар.

Ҳар бир оилада фаровон ва гўзал ҳаёт кечиришнинг асосий шартлари бўлган ана шу масалаларга алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари, тозалик ва саранжом-саришталик оила давомчилари тарбиясида ҳам муҳим роль ўйнайди. Оилада янги туғилган бола дунёни шу хонадонда танийди. Демак, у туғилганда уй-жойимиз тоза, озода ва саранжом-саришта бўлса, шунга ўрганиб катта бўлади.

Уй-жойни тоза, озода тутишнинг афзалликлари шундаки, энг аввало, ҳаво тоза бўлиб, турли касалликлар микробларининг тарқалишига йўл қўйилмайди. Тозаликнинг саломатлик гарови эканлиги мана шунда. Қолаверса, бу – бизнинг юқори маданият соҳиби эканлигимиз нишонасидир. Барча оилаларда шундай муҳит ва шароит барқарор бўлиши керак. Чунки биз ҳазрати одамимиз. Оламнинг бошқа мавжудотларидан ана шу фазилатларимиз, маданиятимиз ва дунёқарашимиз билан фарқ қиламиз.

КИЙИМ, КИЙИНИШ ВА ГЎЗАЛЛИК

Кийим (либос), энг аввало, авратни яшириш ва инсон танасини шамолдан, чанг-ғубордан, иссиқ-совуқдан асраш эҳтиёжидан келиб чиққан.

Кейинчалик кийим инсон ташки кўринишига кўркамлик бағишлаш, чиройли ва соҳибжамол қилиш вазифасини ҳам ўтай бошлаган. Шунинг учун тоза, гўзал ва шинам, оддий ва камтарин кийиниш одоб-ахлоқ ва тарбияда ҳам муҳим ўрин тутади. Яъни инсоният ҳамиша гўзалликка майл қилади. «Оламни гўзаллик асрайди» (Достоевский).

Кийим муҳитга, йил фасллари, ёш, куннинг вақти, жойга мувофиқ тарзда бўлиши лозим.

Шунинг учун оиланинг ҳар бир аъзоси тез-тез ювиниб, ҳаммом қилиб, катта ёшли эркаклар соч-соқолларини олдириб, текислаб, аёллар сочларини тартибга солиб, покиза ва қулай кийимларни кийиб юришлари лозим. Қимматбаҳо ва янги либослар одамни кибр-ғурур ва манманликка олиб бориши мумкин.

«Эски кийим инсон кадрини кам қилмайди» деганлар. Айниқса, ўқитувчи ё раҳбар бўлиб ишлайдиганлар ортиқча ҳашамат ва пардоз-андозга берилмай, кийимларнинг қимматбаҳолигига эмас, балки озодалиги ва хушбичимлигига эътибор беришлари лозим. Чунки уларнинг юриш-туришлари, интизомлари, кийинишлари, муносабат ва муомалалари атрофдаги шогирдлар, ҳамкорлар ва ходимларга ибрат бўлиши лозим.

Тоза, озода кийинишга риоя қилишлари жихатидан кишиларни бир нечта тоифага ажратиш мумкин:

Биринчи тоифага тез-тез ювиниб, ҳаммом қилиб, ортиқча пардоз-андозга ружу қўймасдан, ҳамиша тоза ва ихчам кийиниб юрадиган кишилар қирадилар. Бу тоифадаги инсонлар кибр-ғурур ва манманликка берилмайдилар, мансабдор ё бадавлат эканликларига қарамай, ширинсўз, хушмуомалаликларини йўқотмайдилар, юзларидан нур ёғилади. Қариндошлар, дўстлар ва бошқа атрофдагилар ҳатто бирор бир муаммо, ё бошқа гина-адоват билан келган бўлсалар ҳам, уларни кўрганларида кўнгиллари

юмшаб, яхши гаплардан гапиришга мойил бўлиб қоладилар. Агар бир лаҳза бундай одамлар суҳбатида бўлсангиз, асабларингиз ором олиб, кўнглингиз кувончга тўлади. Шундан «Одам либос билан, уй палос билан» дейдилар.

Иккинчи тоифага доимо янги, кимматбаҳо кийимларни кийиб, ялтир-юлтур такинчоқлар тақиб, тоза, озода юрадиган кишилар кирадилар. Бу ҳолат уларнинг кибру ғурурга, манманликка берилиб кетишларига сабаб бўлиши мумкин. Натижада мазкур тоифадагилар оддий одамлар билан дўстлашиб, суҳбатлашиш ва муомала қилишни истамай қоладилар. Аксинча, мансабдор, бообрў, бой-бадавлат одамларга яқинлашишга интиладилар. Фарзандлар, шогирдлар ва атрофдагилар уларнинг юриш-туришларига таклид қилиб, гўзалликни бир томонга қўйиб, кибр-ғурур ва манманлик ортидан борадилар. Бу эса охирида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Учинчи тоифага ҳамиша озода ва шинам кийиниб, аммо қўлларини совук сувга урмай, бошқалар ҳисобидан маишат қилиб юрадиган кишилар кирадилар. Улар ишлашга, бирор фойдали юмушни амалга оширишга интилмайдилар. Аксинча, уйдагиларга, ёши ўзларидан катта одамларга дўк-пўписа қилиб, у йўк-бу йўк, ё у қилиш керак, бу қилиш керак, деб охири бетайин йўл кўрсатадилар. Бундай қилиш инсоф, одобдан эмас.

Тўртинчи тоифага хафталаб, ойлаб ювинмайдиган, ҳаммом қилмайдиган, соч-соқоллари олинмайдиган, тартибсиз, кийимлари кир ва ювилмаган, йиртилган, иш кийимлари билан кўча-кўйда, тўйларда юриб келиб яна ўша кийим билан ухлайдиган, бир қисми ҳамиша маст ҳолда юрадиган кишилар кирадилар. Бу тоифа инсонлар уй-жой, маҳалла, жамиятга лоқайд қараб, кунлари каерда ўтишига парво қилмай, «ит ётишу мирза туриш» кабилида кун кечирадилар.

Бу тоифа одамларнинг фарзандлари ва яқинлари аксарият ҳолларда уларга таклид қиладилар, баъзилари ота-оналарининг юриш-туришларидан маҳалла аҳли ва тенгдошлари орасида шармисор бўлиб, уларга нисбатан нафратлари келиб, ўзлари тоза ва озода кийиниб юришга ҳаракат қиладилар.

ДАРОМАД

Даромад бу қўлга киритилган маблағ ё мол демакдир. Фаровон ҳаётнинг энг асосий манбаи мана шу даромад ҳисобланади. Чунки тирикчилик ўз-ўзидан бўлмайди. Турмушимиз тузилиши шунақа: ҳамма нарса маблаққа боғлиқ.

Ҳар бир одам ёшлигида ўз ҳаётининг порлоқ келажаги учун яхши билим олиб, касб-хунар ўрганиши керак. Кейинчалик ана шу касб-хунари билан ҳалол меҳнат қилиб, оиласини боқади. Инсон табиатан шундай, даромадини доимо орттириб боришга интилади. Аслида бу оилавий ҳаёт тақозосидир. Ҳаёт учун керакли шарт-шароитларни яратиш, машина олиш, тўйлар ўтказиш, санаторияларда дам олиш ҳамда «қора кун» учун олдиндан жамғариб қўйилган даромад қўл келади. Ўз даромадини орттиришга интилиш – бу, яхши, албатта. Бироқ айрим кимсалар осон, ноҳалол йўллар билан пул топишга уринадилар. Бу нотўғри албатта. Чунки даромадни осон йўллар билан орттиришга уриниш ё жиноят бўлади, ё бировни алдаш ва ё биров ҳаққини ўғирлаш ҳисобланади. Шариатда ҳам, Худои таоло ҳалол меҳнат билан топганнинг баракасини беради, дейилади.

ҲИКМАТ. Донишмандлар илмни мол-давлатдан ҳам афзал билганлар. Уларнинг айтишларича, илм агар мағиз бўлса, мол-сарват унинг пўсти, агар илм гул бўлса, мол-сарват унинг хиди. Оқил кишилар ҳамиша ўша мағизни қўлга киритиш учун заҳмат чекканлар. Чунки илм агар фазилатли кишилардан мерос бўлса, мол-дунё бойликка, сохта шон-шуҳратга интилганлардан мерос қолган. Иккинчидан, илм одамга камтаринлик келтирса, мол манманлик келтиради. Учинчидан, илм-маърифатли кишиларнинг дўстлари кўп бўлиб, давлатманд кишиларнинг душманлари кўп бўлади. Тўртинчидан, сарватмандлар ҳасис ва бахил бўлиб, маърифатли кишилар саховатли бўладилар. Бешинчидан, илм одамга обрў келтирса, мол-сарват ранж-азоб келтиради. Яъни илм ранжи одамнинг хазина ва ганжи бўлиб, мол-дунё ганжи бошдан-оёққача ранж экан.

Юқоридаги фикрларни жамлаб шундай хулосага келиш

мумкинки, оиланинг турмуш шароитини мухайё қилиш ва эҳтиёжини кондириш учун албатта мол-пул керак. Ота-оналар шуни унутмасликлари керакки, ҳаддан ортиқ мол-пул йиғишнинг ҳам хосияти йўк. Ёки еру кўкка қараб, ҳаракат қилмай, кашшок яшаш ҳам ўз соғлиги, фарзандлар тарбияси ва камол топишига ёмон таъсир кўрсатади. Улуғларнинг шундай ҳикматлари бор:

«Молинг бор – холинг бор».

«Мол умр осойиши учундир, умр мол йиғиш учун эмас». (Саъдий Шерозий).

Дунёни дунё аҳлига қўйинг, андозадан ортиқ дунёдан баҳра олган киши ўзи билмаган ҳолда ўзининг ўлимига ҳаракат қилади.

Инсон бойлик йиғишда ҳам ўрта йўлни танлаши керак. «Кўп пул ва мол инсон душманидир» дейдиларким, ҳақ гапдир. Чунки пулу мол кишини йўлдан чиқаради, уни ўғри, ёлгончи, фирибгар қилиши мумкин.

Пул-мол учун баъзилар яхши инсоний хислатларни унутиб, ёвузликка ўтадилар. Яъни, ота-оналари, ака-ука, опа- сингиллари, қон-қариндошлари, дўстлари ва яқинлари билан уришадилар, ҳатто бир-бирларини мажруҳ ва йўқ қилишгача борадилар. Пул-молни деб ота-онани норози қилиш, бир-бирларини ранжитиш, соғликларига зиён етказиш инсофдан эмас. Чунки инсон учун саломатлик ва тинчлик бебаҳо неъматдир. Мустаҳкам саломатлик, тинчлик, етук ақл ва аҳиллик бўлса, ҳар қандай бойликни топиш мумкин. Айтганларидек: «Ақл – давлат етакчисидир».

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақилликдан сўнг ҳукумат раҳбарлари одамларнинг бой-бадавлат, тўқ ва фаровон яшашлари учун зарур йўлларни очиб, керакли шароитни мухайё қилиб бердилар. Фақат ўғрилик, фирибгарлик қилмай, ақл-фаросатни ишлатиб, озгина ҳаракат ва меҳнат қилиш керак, холос.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда ушбу хулосаларни билдириш мумкин:

1. Пул билан манманлик қилиш одобдан эмас, чунки айтадилар: «Пул – қўлнинг кири». Қўлни совун билан ювганда кирдан асар қолмаганидек, пул ҳам шундай нарса.

2. Пул ўзига хос мўъжизадир: баланд-баланд иморатлар, турли

кийим-кечаклар эгаси бўлиш, саломатлик ва хотиржамлик унга боғлиқдир. Бинобарин, қўлингиздаги пул-молни режа асосида сарфлашингиз керак, акс ҳолда уни тезда тамомлаб қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин.

3. Пул-мол киморбозлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, маишат ва шуҳратпарастликка сарфланмаслиги керак.

4. Қўлингиздаги бир сўмнинг ҳам кадрига етиб, беҳуда сарф-харажатларга йўл қўйманг. Яъни пулни оёғости қилманг, чунки вақти келиб бир сўмга ҳам зор бўлишингиз мумкин.

5. Сиз Оллоҳ таолодан ҳамиша тинчлик, осойишталик, етук ақл, мустаҳкам саломатлик, узок умр, очик қўл тилашингиз лозим. Чунки ҳар қандай мол-давлат саломатлик ва тинчлик олдида ҳеч қандай қимматга эга эмас.

6. Агар турмуш шароитингиз яхши бўлишини, фаровон ҳаёт кечиришни истасангиз, шароит ва имкониятга қараб, қуйидагиларга эътибор берсангиз, ҳам савоб иш қилган бўласиз, ҳам катта даромад оласиз:

а) мевали ва манзарали дарахтларни кўпроқ экиб, парвариш қилинг. Чунки бу даромаднинг бир манбаидир;

б) ҳайвонлар ва паррандаларни кўпроқ боқинг, сонини кўпайтиринг. Имкони бўлса, фермалар ташкил қилинг. Чунки бу гўшт, сут, тухум, тери, жун ва бошқалар манбаидир;

в) асаларичилик ва балиқчиликни йўлга қўйиш керак;

г) сабзавот ва зироатлар экишга эътибор қаратиб, ерга яхши ишлов бериш, минерал ўғит ва бошқа озуқалар билан таъминлаш, иссиқхоналар қуриш орқали кўп ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Халқимизда оилага даромад келтирадиган етти хазина шундай изоҳланади:

1. Сигир – рўзғор кассоби ва баққоли.

2. Асалари – оила табиби.

3. Қурт (пилла қурти) – қизлар сепи.

4. Обжувоз – қозон ёғи.

5. Тегирмон – қорин камарбанди.

6. Ўрмон (дарахт) – уй суяги, қозон олови.

7. Товуқ – ҳам ёвғон сув, ҳам дори-дармон.

Азалдан шу етти хазинага оилаларимизда алоҳида эътибор берилиб келинади. Аслида ҳам ушбу хазиналардан оқилона фойдаланиш оила фаровонлигига замин яратади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик ва савдогарлик қилиш, ҳалол йўл билан даромад орттириш оиланинг фаровон келажагига йўл очади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам энг аввало тежамкорликка риоя қилиш керак. Чунки беҳуда сарф-харажатлар оқибатда оила пойдеворини бузиши мумкин. Ҳаётда шундай воқеалар ҳам бўладики, обрў-эътибор қозониш учун минг-минглаб маблағни сарфлаб, дабдабали тўйлар ўтказиб, машҳур санъаткорларни келтирадилар. Охирида эса қарзга ботиб кетадилар. Бу, албатта, нотўғри. Маблағ ўз-ўзидан қўлга келмайди. Уни йиғиш учун не-не машаққатларни бошдан кечирадилар. Шунинг учун уни қадрига етиш, тежаш лозим. Ҳар бир тўй-ҳашам ҳам ўз меъёрида, оилавий имконият доирасида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, оила даромадларини жуда узокни кўзлаган ҳолда сарфлаш керак.

ДАБДАБАЛИ ТҶЙЛАР

Хатна ва никоҳ тўйлари ўтказиш ота-боболаримиздан бизга анъана бўлиб келаётган одатлардандир. Тўй – бу, шодлик, хурсандчилик, яхши орзу-умидлар рўёби бўлиб, унинг шарофати билан қон-қариндошлар, дўстлар, маҳалладошлар, ҳамкорлар ва қўшнилари орасида аҳиллик вужудга келади. Узок шаҳар ва қишлоқлардаги қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар шу баҳонада келиб, тўй эгалари бўлган яқинлари билан дийдор кўришадилар. Бир-икки кун давомида истироҳат қилиб, бир-бирларига кўмаклашиб, ораларида меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкамланади. Фарзандларини ўзаро таништириб, уларга келажакда қон-қариндошлик ришталарини давом эттиришлари кераклиги ҳақида сабоқ берадилар.

Ўйлаб кўринг, бир тўй баҳонасида қанчадан-қанча инсонлар орасида меҳр-муҳаббат ва яхшиликлар юзага келади. Аммо битта энг асосий жойини билишимиз керак. Яъни тўй оиланинг шароит ва имкониятига қараб, ортиқча сарф-харажатларга йўл

қўйилмаган ҳолда, муайян вақт доирасидан чиқмасдан, атрофдаги кўни-қўшниларга халал бермасдан, қабул қилинган меъёр ва қонун-қоидалар юзасидан ўтказилиши керак. Лекин охириги йилларда баъзи тўйлар қон-қариндошлар, дўстлар, кўни-қўшнилар жанжалларига сабаб бўлмоқда.

Афсуски, бир тоифа ота-оналар тўйни обрў орттириш, шуҳрат қозониш, ном қолдириш ва ҳатто айрим қариндош ва дўстлардан қасос олиш воситаси деб билмоқдалар. Беҳуда ва кечириб бўлмас сарф-харажатларга йўл қўйиб, дабдабали тўйлар ўтказадиларким, бундан атрофдагиларга моддий ва маънавий зарар етади. Яъни пулқувар отарчилар ва дайди раққосаларни жуда қиммат нархда гаплашиб олиб келишлари оқибатида алламаҳалгача тарақ-турук, ичкилик ичиш ва дод-вой солишлар давом этади. Натижада биринчидан, кўни-қўшнилар, маҳалладагилар тинчлиги бузилади, иккинчидан, тўйга келган меҳмонлар санъаткорлар ва раққосаларга пулларини бериб тугатадилар, баъзилари маст ҳолатда бутун бошли ойлик маошларини, ундан ҳам кўп пулни бериб юборадилар. Учинчидан, аксарият шундай тўйларда жанжаллар бўлиб, охири яхшилик билан тугамайди. Тўртинчидан, атиги бир неча соат давомида тўрт-беш нафар оила аъзолари бирикки йил бемалол яшашларига имкон берадиган қатта маблағ елга соғурилади. Бешинчидан, баъзилар бундай тўйларга тақлид қилиб, тўй ўтказадиларки, охирида қарзга ботиб, ўзларига кела олмайдилар, натижада оилада келишмовчиликлар, ажралишлар юз беради.

Бирмулоҳаза қилиб кўринг, икки-уч соат давомида отарчиларнинг бу қулоқдан кириб, у қулоқдан чиқиб кетадиган хайқириқлари билан тинч-тоғув ва осойишта ҳаёт кечираётган аҳолига жабру зулм қилиш инсофданми? Дабдабали тўйлар ўтказадиган кишилар охирида ҳеч вақосиз қолишади, буни унутманг. Пул ва молни ҳеч қачон оёқости қилиш керак эмас.

Бу тоифа ота-оналардан фарзандлар қандай яхши одоб-ахлоқ оладилар? Аксинча, ота-оналар шундай тўйларни ўтказиб, қарзга ботиб, қашшоқ бўлганидан сўнг, аста-секин бу оилалар фарзандлари ҳам бадахлоқ бўлиб кетадилар.

Яхшиси, тўйларимизни оддий ва камхарж қилиб, юкори маънавий ва маданий савияда ўтказайлик. Токи, бир умр эслаб, хурсанд бўлиб юрайлик.

ТУРФА ОИЛАЛАР

Ҳаётда ҳар хил оилаларни учратиш мумкин. Оилалар бор, барча аъзолари олий маълумотли, одобли, маданиятли, маҳалладошлари орасида алоҳида обрў-эътибор топган. Уларга ҳамма ҳавас билан қарайди. Бундай оилалар вакиллари маҳалла ва жамоат ишларида фаол катнашадилар.

Оилалар бор, барча аъзолари олий маълумотли бўлмасалар ҳам, одобли, бир-бирларини чиндан ҳурмат қиладилар. Тинч-тотув яшайдилар. Ҳамма ишни биргаликда бажарадилар. Бундай оилаларда бўладиган гап-сўзлар ташқарига чикмайди.

Оилалар бор, ота-оналари олий маълумотли бўлсалар ҳам фарзандлари олий маълумотга эга эмас. Одоб-ахлоқлари ҳам унчалик яхши эмас. Маҳалла ишларида катнашмайдилар. Баъзида уларнинг ўзларини тутишларини кўриб, олий маълумотли ота-онанинг фарзандлари эканликларига шубҳа қилади киши.

Баъзи бой оилалар бор, обрўли, эътиборли. Улар ҳамма билан баробар бўлиб, катта-кичикни бир хил ҳурмат қиладилар. Маҳаллага, эҳтиёжли оилаларга кўмаклашадилар. Хайрли ишларга бош-қош бўладилар.

Бой, аммо обрў-эътиборсиз оилалар ҳам учрайди. Бунинг сабаби улар манманликка берилишган. Одамларни менсимайдилар. Маҳалла ва жамоат ишларидан қочадилар. Фарзандлари ҳам ахлоқки бузук бўлиб камол топадилар, одамлар орасида ота-оналари обрўсига путур етказадилар.

Оилалар бор, уйларида ҳар доим жанжал-тўполон. Бир-бирлари билан уришганлари-уришган. Бундай оилаларга келинлар келиб кетаверади. Баъзида қизлари ҳам қайтиб келади.

Оилалар бор, унчалик бой-бадавлат бўлмасалар ҳам, катта обрў-эътиборга эга. Сабаби, ҳаммани ҳурмат қиладилар, жамоат ишларида куч-ғайратларини аямайдилар. Маҳалладошлари кўнглидан жой олганлар...

Ҳа, ҳар хил оилалар бор. Табиийки, улардаги шароит ва муҳит турлича. Аслида, ҳар хиллик-табиат қонуни. Бироқ мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёти ҳар бир оилада соғлом муҳитни яратишни тақозо этмоқда. Бир тасаввур қилинг, оилада ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бола мактабда қандай ўқимоқда, нималарни ўрганмоқда, кимлар билан дўстлашмоқда, ота-она билмайди. Хонадонда палапартишлик, ҳар доим жанжал, уриш-сўқиш, одоб-ахлоқ доирасидан ташқари гаплар... Бундай муҳитда қандай қилиб баркамол авлод камол топиши мумкин? «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, бундай оиладан уришқоқ, жанжалкаш ва худбин одамлар етишиб чиқиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳар бир оила бошлиқлари соғлом оилавий муҳитнинг шаклланишига аҳамият беришлари лозим. Чунки оилавий муҳитнинг юксалиши асосан оила бошлиқларига боғлиқ. Ўзаро ҳурмат-эҳтиромни тиклаш, муомалада одоб-ахлоқ доирасидан чиқишни таъқиқлаш, оиланинг ҳар бир аъзоси мавқеини барқарорлаштириш ва сақлаш, уларнинг ўз мажбуриятлари ҳамда вазифаларини бажаришларини назорат қилиш ва таъминлаш оилавий муҳитни соғломлаштиришнинг асосий омилларидандир.

Ана шунда биз келажак учун энг соғлом ва баркамол авлодни тортиқ қилган, шу йўл билан энг юқори инсоний турмуш тарзини яратган бўламиз.

ИККИНЧИ ФАСЛ ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

БИРИНЧИ БОБ ЁМОН ХИСЛАТЛАР ВА ҚАБИҲ ОДАТЛАР

Кейинги йилларда дунё миқёсида одамлар орасида ёлғончилик, ёлғондан қасам ичиш, ҳасад, бахиллик, чақимчилик, риёкорлик, ифвогарлик, ғийбат, ҳийла, найрангбозлик, алдаш, хиёнат қилиш ва шунга ўхшаган кўплай салбий одат ва қабиҳ иллатлар камайиш ўрнига кўпайиб бораётгани кишини каттиқ ранжитади. Бундай ёмон иллатлар нафақат мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар орасида, балки катта ёшдаги кишилар: раҳбарлар, педагоглар, хизматчилар, талабалар ва ҳатто ўзига динни никоб қилиб олган баъзи бир чала муллалар орасида ҳам кузатилмоқда.

Орамиздаги айрим одамларнинг кеча-кундуз ибодатда бўлиб, мусулмончиликнинг барча фарзларини адо этган ҳолда, ёлғончилик, ёлғондан қасам ичиш, қасамхўрлик ва бахиллик, чақимчилик, риёкорлигу-ғийбатчилик, алдаш ва хиёнат қилишлари кишини таажжубга келтиради. Шунинг учун бу борадаги фикр-мулоҳазаларимизни сизларга ҳавола этамиз.

СИДҚ

*Ростликдан бош тортмас ҳеч доно инсон,
Ростликдан одамга келар ардоқ, шон.*

(Саъдий Шерозий).

Сидқ арабча сўз бўлиб, тўғрилик, тўғрисўзлик, ростлик маъноларини англатади ва бунинг тагида жуда катта маъно бор. Зеро, тўғрилик, ростлик эминлик ва хотиржамлик гаровидир.

Доно кишиларнинг айтишларича, кимки ширингуфторлик ва ростгуйликни ирода қилса, эл орасида обрў ва эътибор топади. Шоирлар султони Низомиддин Мир Алишер Навоий айтади:

*Ҳар кишиким ростни беҳост дер,
Айтса ёлгон, доғи эл рост дер.*

Яъни кимки доим рост сўзласа, агар бирор марта ёлгон айтса ҳам, унинг айтган бу сўзини эл рост деб билади. Ахлоқ олими Саъдий айтади:

*Кимга одат бўлса рост гапириш,
Барча ишонади қилса ҳам хато.
Ёлгончилик билан номи чиқса-чи?
Ҳеч ким ишонмас рост гапига ҳатто.*

Навоий ҳазратлари ёлгончиликни ёмон иллат ҳисоблаб, сўз, яъни гапнинг тури кўп, ёлгондан ёмон тури топилмаслигини айтади:

*Сўзнинг аснофи бағоят чўқдир,
Ёлгондин ёмонроқ синфи йўқдир.*

Яна бир жойда Навоий чин сўзнинг мўътабарлиги ва яхши сўзнинг эса мухтасарлигини изоҳлайди:

Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.

Ровийлар ривоят қиладиларки, золим Ҳажжож кулларни тўплаб, сиёсат қилар эди. Бир кулга навбат етганида у айтди: «Эй амир, мени ўлдирма, сенинг ҳақингда бир иш қилдим».

Айтди: – Қандайин иш ва ҳақ?

Айтди: – Бир душманинг сени ҳақингда ғийбат қилиб турувди, мен қайтардим.

Айтди: – Исбот ва гувоҳинг борми?

Айтди: – Албатта, бул киши менинг гувоҳим, – деб бир кулни кўрсатди.

Ул кул айтди: – Мен гувоҳманки, бу киши сен ҳақингда ёмон ва фаҳш сўзларни айтган эди, ман қилди.

Ҳажжож айтди: – Нимага сен душманимнинг ғараз ва ғийбатини ман этмадинг?

Кул айтди: – Мен сени душман сифатида билар эдим ва ёнингни олмадим.

Иккала кулни озод этишди. Биринчисини Ҳажжожнинг ҳаққини айтгани учун, иккинчисини рост гапиргани учун.

*Гапинг чинлигини яхши билмасдан,
Оғзинг очиб асло сўзга олма дам.
Ёлгон сени банддан қилса ҳам халос,
Рост гапиргил, агар бандда қолсанг ҳам.*

Ёлгон гапиришдан ташқари инсоннинг обрўсига путур етказадиган ҳазилу масҳара қилиш каби ёмон одатлар ҳам бор. Масҳара қилиш, қулиш, камситиш арбобларга ярашмас ҳолатдир. Агар арбоб ўз қўл остидагиларни масҳара қилиб, камситиш нигоҳи билан қараса, ўзига нисбатан гина ва адоват уйғотиши муқаррар. «Рушнойинома»да шундай келтирилган (мазмунан):

Ҳамма фаҳшу ёлгон – ҳазл пеша,

Урма оёгингга сен зинҳор теша.

Агар шох бўлсанг-да, ҳазл тўқар обрўйинг,

Ва гар ойдирсен ҳам сиёҳ қилур рўйинг.

Агар дунёга тавфиқ кўзи билан назар солсак, инсон Оллоҳ таолонинг истаги ва марҳамати билан дунёга келади, вояга етади, ҳаёт учун елиб-югуради, умри давомида турфа муаммоларга дуч келиб, охир-оқибат қарийди ва бандаликни бажо келтиради.

Худодан бўлак барча мавжудот фонийдир. Шунинг учун инсондан уч нарса боқий қолур: биринчиси – садакаи жория, яъни эл-юрт учун кўприк қуриш, ариқлар қазииш, сув чиқариш, боғлар барпо этиш, янги суғориладиган ерлар очиш каби. Иккинчиси – илму-урфони, ёзган китоблари ва етиштирган зукко шогирдларидир. Учинчиси – эл-юрт хизматига камарбаста бўладиган қилиб тарбияланган солих фарзандлари.

Ривоятда келтиришларича, бир чол бемор бўлгач фарзандларини хузурига чорлаб айтади:

– Менинг уч нафар дўстим бор, уларни қаршимга келтиринглар.

Фарзандлари падари бузрукворининг айтганини бажо келтиришди. Чол учала дўстига неча йиллардан бери нон-туз тотганлари, оғир кунларда, хурсандчилик онларида бирга бўлганларини айтиб, рози-ризалик изҳор этади ва дейди:

– Сизлардан қайси бирларинг мен билан охират уйимга бирга борасизлар?

Чолнинг биринчи дўсти уйдан бир кадам қўймаслигини, иккинчи дўсти эса кабристонгача боришини айтса, учинчи дўсти айтармиш:

– Муҳтарам тақсирим, мен сиз билан гўрингизга бораман, лозим бўлса охиратда ҳам сизга қўмаклашаман.

Чолнинг дўстлари ким?

Биринчи дўсти – пулу мол ва уй-ҳовлию давлати. Иккинчиси – аҳли аёли, фарзандлари, яқин кишилари, маҳалла аҳли. Учинчи дўсти – солиҳ амаллари, тоату ибодати экан.

ЁЛҒОН ВА ЁЛҒОНДАН ҚАСАМ ИЧИШ

Ёлғон – нотўғри, ҳақиқату савобдан йирок сўз. Ёлғон инсоннинг ашаддий душмани ҳисобланади. Ёлғончининг мақсади элни алдаш орқали бирон мол-дунёга эришиш, икки киши орасида низо чиқариш, уриштиришдир. Ёлғончининг исботи – ёлғондан қасам ичиши ҳисобланади ва ундан турли ёмон хислатларни кутиш мумкин. Бу борада Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўзларининг ҳадиси шарифларида келтирадилар:

«Ёлғончи менинг умматим эмас».

«Ёлғондан парҳез килинг, ёлғон иймондан йироқдир».

«Сўзнинг офати ёлғондир».

«Киши иймонини қасамларидан сезиш мумкин».

«Кимки бу дунёда ёлғончи бўлса, қиёматда икки ўтли тили бўлар».

Юқоридаги ҳадиси шарифлардан шундай хулоса келиб чиқадикки, ёлғончилик энг ёмон одат ҳисобланади, ёлғончида иймон бўлмайди, иймонсиз одам эса мусулмон ҳисобланмайди.

Биз ёлғон гаплар тўкиб, дўсту ўртоқларимизни алдамасдан, тўғрисиёз ва ростгўй бўлайлик.

Ёлғончи киши юрт ва оила аҳли, дўсту ўртоқлари ишончидан чиқади. Ким бўлишидан қатъи назар, у хоҳ раҳбар, хоҳ зиёли ва хоҳ қария бўлсин, кенг омма орасида ардоғини йўқотади. Юсуф Хос Ҳожиб айтади:

Ёлғончи кишида бўлмагай вафо,

Бу сўз кўп қадимги, талай йилгидир.

Ёлғончилик нафакат ёмон одат ва иллат, унинг соҳиблари – ёлғончилар худонинг душмани эканлигини кўп бора зикр этганлар. Ҳазрат Навоий айтадилар:

Ёлғончи киши эрмас,

Ёлғон айтиши эрлар иши эрмас.

Ёлғончи – худонинг душмани, дея таъкидлайди Мушфикий (мазмунан):

*Чин эмас рақибдин, ёр лаълининг пайгоми,
Қаерда ёлғончи бор у худонинг душмани.*

Билим ва одобу ақлимизнинг пастлиги туфайлими ёки кенг дунёкараш ва яхши тарбия эгаси эмаслигимиз сабабиданми, андишасизлик қилиб, арзимас бир иш ва арзимас манфаат учун пок тилимизни булғаймиз, ёлғон қасамлар ичиб, дўсту ҳамкорлар ва ўртоқларимиз олдида обрўимизни ер ости қиламиз, бутун омма ишончидан чиқамиз. Баъзида ёлғон сўзларимизга ишонтириш учун сохта қасам ичамиз. Бу ҳол инсофданми? Албатта йўқ. Ҳижозий айтади (мазмунан):

*Кимки ёлғон сўзи учун онт ичса,
Кўпроқ эҳтимолки ёлғон дер.*

Бир-икки марта ёлғон гапириб, онтлар ичиб кўникиб қолсак, бора-бора оддий одатга айланади ва уни тарқ этиш қийин кечади. Бундай одамнинг хонадонида фэйз, ишида унум ва барака, ўзида эса фароғат ва хотиржамлик бўлмайди.

Доно халқимиз ёлғончини шайтонга нисбат беради ва «Ёлғончи шайтоннинг шериги» дейди. Фалончи шайтонга дарс беради, фалончи шайтонни алдайди, деган гаплар бор. Шундай хулоса қиламизки, ёлғончи шайтондан ҳам қабиҳроқ экан.

Бир киши шайтон билан дўстлашиб, кўпгина қабиҳ амалларни бажо келтирибди. Қунларнинг бирида уни тутиб қозикалон хузурига олиб боришибди. Қатл ҳукмини эшитгач, охирги тилагини айтибди:

– Жамики қилган қабиҳ ишларим, нолойиқ амалларимни дўстим шайтоннинг кўмаги ва кўрсатмалари билан адо этганман. Мен унинг фармонларини ижро қилмасликка ниҳоят ожиз эдим.

Қозикалон амри билан шайтонни қозихонага олиб келишгач, шайтон дебди:

– Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, барча тубан ишу-амалларни бу инсон менга ўргатган. Бу киши менинг устозим...

Қаранг-а, ҳатто лаънатланган шайтон ҳам ёлғончининг қурбонига айланибди. Азизлар, сиз ҳам гофил бўлиб, ёлғончилар

билан дўстлашманг, пушаймон бўлиб, надомат чекманг. Ёлгончи кишилардан йироқлашинг. Агар ёлгончилик иллатининг олди олинмаса, у одамнинг кон-қонига сингиб, суягидан жой олади ва оромидан жудо қилади.

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) такрор-такрор ёлгончилик, ғийбат қилиш, парҳезкорликка оид ҳадисларни зикр этганлар:

«Қиёмат куни Оллоҳ қуйидаги уч тоифа кишилар билан сўзлашмайди, улрга боқмайди ва аянчли азоб белгилайди:

1. Зинокор қария. 2. Ёлгончи пешво. 3. Мутақаббир фақир».

«Парҳезкорлик белгиси уч нарса: 1. Ёмон ҳамроҳ ва сохта ўртоқдан йироқда бўлиш. 2. Ғийбатчиларнинг гапига қўшилмаслик 3. Ҳалолни ҳаром билан аралаштирмаслик».

«Мўмин киши агар тўрт нарсани тарк этмаса, азобдан нажот топмас. Булар: бахиллик, ёлгон, бадгумонлик ва такаббурлик».

«Мен ҳазил ва шўхлик қиламан, лекин ҳамиша рост гапираман».

Расули Акрамнинг юқорида келтирилган охириги ҳадислари шўхлик ва зарофатда ҳам рост гапиришга бир ишорадир. Шўхлик, зарофатгўйликда ҳам ёлгон раво эмас.

Буюк кишилар ёлгон борасида айтганлар:

*Эй биродар, ёлгон гапирма зинҳор,
Ёлгончи бўлур хору безътибор.*

*Ёлгон бевиқор қилур одамни,
Ёлгон шармисор қилур одамни.*

*Ёлгончидан ордир оқиллар иши,
Ёлгончини одам дермас ҳеч киши.*

Саъдий Шерозий.

*Сўзга лаб очсанг, ҳикмат билан оч,
Ақлсиз вақ-вақ, сафсатадан қоч.*

Абдурахмон Жомий.

ҲАСАД ВА БАХИЛЛИК

Ҳасад – рашк, кўролмаслик, бировнинг омадини истамаслик. Ҳасад ва бахиллик бир-бирига яқин сўзлар бўлиб, бу иллат сохибларининг кўйнида, тилида оғу, заҳар сочувчи иккита илони борга ўхшайди. Охири шу заҳардан эгаси ҳалок бўлади. Бундай кишилар икки инсоннинг дўстлиги, улар ўртасидаги аҳиллик, борди-келдилар ва қудалар ўртасидаги яхши муносабатни кўра олмайдилар.

Икки киши орасига ўт ташлар кези,

Бу ўртада ақлсизнинг куйди ўзи.

Бу тоифадаги одамлар кишиларнинг бахти-тахтини кўра олмайдилар. Ич-ичларидан куйиб, эзиладилар, адои тамом бўладилар. Бировларнинг бошига ғам-ташвиш тушганда эса, бундан хурсанд бўладилар, завқ оладилар.

Ҳасадгўй одамнинг дилида файзу тароват бўлмайди. Халқимизнинг «Бахилнинг боғи кўкармас» деган мақолида олам-олам маъно мужассам.

Ёмонотлик бўлишдан кўра, яхши кўни-кўшнидан ўрнак ва маслаҳат олса ўзига, оиласига ҳам наф келтиради. Бировга ҳавас қилиб яшаш яхши, пок кишилар хислатидир ва бундай иш тутиш – савобдир. Кимки ҳасад қилса, иши юришмайди, муродига етмайди, ҳавас билан яшаган одам бахтлидир.

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўз ҳадисларида айтадилар:

«Ҳасад қилмайдиган кишилар жаннат аҳлидан ҳисобланур. Ҳасаднинг уч белгиси бўлур: тўғридан-тўғри лагандбардорлик қилса, одамларни ортидан ёмонласа, ўринсиз шохидлик берса».

«Ҳасаддан йирок бўлинг, чунки у эзгу амалларни йўқ қилади».

«Ҳасаддан ёмон дард бўлмайди».

Бахиллик ва ҳасад ҳақида бир ривоят бор. Бир кишлоқда икки кўшни яшашар экан. Уларнинг бири ўз кўшнисига ҳасад қилиб, кишлоқ сардорига унинг устидан арз қилибди. Сардор унга икки бош сигир инъом этибди. Икки кундан сўнг ҳасадчининг «яна дарди кўзғаб» сардорнинг олдига бориб, хашак йўқлигини айтибди. Сардор керакли ем-хашакларни унинг уйига етказибди. Шу тарика

яна оғили, молбокари йўқлигини куйиниб арз қилибди. Бечора сардор унга оғил қурдириб берибди, ҳатто хизматкорларидан бирини тортик қилибди. Бир оз фурсат ўтгач, ҳасадчи ич-ичидан куйиб, яна сардор хузурига келиб, дебди:

– Эй сахий сардор, яна бир илтимосимни бажо келтиринг, ўша кўшнимдан молларини тортиб олинг...

Ҳа, ҳасадгўйнинг тубан амаллари ва нопок ниятлари ўз танасига дард бўлиб ёпишади, ҳатто уни ҳалок қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун айтишади: «Бахилнинг боғи кўкармас, кўкарса ҳам мева тугмас».

Мақтасанг, сахий кишининг мадҳини қил, бахил кишига қаттик ёй ўқини сақлаб (яшириб) қўйгин, дейди донолардан бири.

Бахил, нокас, олчок, тубан киши ўз молининг посбонидир, бойлик йиғиб, уни емай-ичмай сақлайди. Ҳаёт пайтида дўстига ошини, тузини топширмайди, ўлгач, қолиб кетган моли душманига буюради.

*Яхши билсанг, бериш керак нарсани,
Жаҳл қилмай, бергил лутф ила хуррам.
Кимки хоҳиши билан хирож бермаса,
Куч билан олишар миршаб ҳақин ҳам.*

*Ўтиргил очу бечора, ялангоч,
Вале нокасга бўлма асло муҳтож.*

(Саъдий Шерозий).

ИҒВОГАРЛИК, ЧАҚИМЧИЛИК, ҒАММОЗЛИК, РИЁКОРЛИК ВА ҒИЙБАТ

Одамларда яна бошқа шундай ёқимсиз иллатлар ҳам борки, улар инсонлар билан муомала қилиш пайтида маълум бўлиб қолади. Куйида мана шулар хусусида фикр юритамиз.

Иғво – адаштириш, йўлдан чиқариш, алдаш, нораво маслаҳат билан ёмон ишга ундашдир.

*Доми тазвир қуриб халқни йўлдан урдинг,
Шайхлик қилиб риё бирла дўкон қурдинг.*

*Ишрат қилиб шайтон бирла даврон сурдинг,
Дийдориға сени не деб раво қилсун?*

Хожа Аҳмад Яссавий.

Иғвогарнинг мақсадлари ғаразли бўлади.

Чақимчилик ва ғийбат – кишининг йўқлигида унинг кирди-корларини муҳокама қилиш, камчилик ва хатоларини айтиш. Бундай ҳолларда юзига айтиш жоиз. Шунинг учун дўстона маслаҳатни кўзгуга ва ғийбатни тароққа ўхшатишади. Инсон ўз дўсти, таниши камчиликларини ойнадек кўрсатиши лозим. Бу билан ўша камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўл очилади. Агар одам тароққа ўхшаб орқадан тараса, ғийбат қилса, ишнинг яхшилигига қор қилмайди. Лекин баъзи мунофиқ ва сохта дўстлар раҳбарнинг кўнглидан жой олиш мақсадида чақимчилик қилиб, доно ва ишчан одамни унга қора қилиб кўрсатишади. Бундай ҳолларда зийрак ва оқил раҳбарлар чуқур мулоҳаза қилиб, обдон кузатиб, хулоса чиқаришлари лозим. Халқимизнинг мақолларидан фойдаланишса, яхши бўлади: «Етти ўлчаб, бир кес» ё «Маслаҳатли тўй тарқамас».

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар:

«Чақимчилар жаннатга кирмайдилар».

Хусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» китобида келтиради: «Донолар айтганлар: агар бирон киши сени олдинга келиб, сени фалон киши ғийбат қилди, деб хабар келтирса, сенга олти нарсa вожибдир: Биринчиси шулки, бу кишини рост гапирувчи одам сифатида билма. Иккинчиси шулки, уни бундай ишидан тўхтат, ман эт. Учинчиси шулки, уни душман деб бил. Тўртинчиси шулки, биродарларингдан гумон қилма. Бешинчиси шулки, бу хабарни синчиклама. Олтинчиси шулки, ҳар не чақимчи айтса, бундай иш қилма, аслида чақимчини олдинга йўлатма ва умуман сўзларига қулоқ солма.

Одамни ёмонлаб келса ёнингга,

Ул кимсани яқин тутма жонингга.

Ким сенга бошқалар айбин гапиргай,

Бошқалар олдидан сендан лоф ургай».

Келтирадиларки, исфаҳонлик бир хожа бир қулга харидор бўлади. Сотувчи қулнинг бир айби – чақимчилиги борлигини айтади.

– Қулнинг чакимчилиги ҳеч нима бўлмайди, – дея уни сотиб олади харидор.

Кунлар ўтгач, қул бекага айтди:

– Хожа сизни севмайди ва ўзга аёлга майли бор.

Бека бу сўзларни эшитиб таъсирланиб кетгач, қул бир тадбир ўйлайди:

– Хожанинг севишини хоҳлайсизми?

– Албатта, – дея жавоб қилади бека.

Қул бекага хожа ухлаб ётганида унинг соқолидан озгина қирқиб келса, афсун қилишини ва шу билан эри уни севиб қолишини айтади.

– Бугун шундай қиламан – дейди аёл.

Уни афсунига ишонтирган қул хожанинг қошига бориб дейди:

– Эй мухтарам хўжайин! Менга нисбатан ҳаққинг бор, нон-тузингни еб-ичдим, шунинг учун сенга бир хабар айтмоқчиман, токи огоҳ бўлсанг.

– Қандайин хабар экан? – сўрайди хожа.

– Хотининг биров билан дон олишиб юради ва сени устара билан ўлдирмоқчи. Агар ишонмасанг, уйга бориб ўзингни ухлаганга ол, амин бўласан.

Хожа қулнинг айтганини қилади. Шу пайт аёл эрини ухлаб ётибди деб ўйлаб, устара билан соқолидан бир неча тола қирқади. Эри кўзини очиб аёлнинг қўлидаги устарани кўриб қолади ва қулнинг сўзларига ишонгани сабабли устарани ғазаб билан хотинининг кўлидан олиб, бўғзига тортиб юборади... Яқинлари ўлимидан хабар топган аёлнинг ақраболари қасос олиш учун хожани ўлдиришади. Шундай қилиб, ифвогар қулнинг шумлиги туфайли бир хонадон хароб бўлади.

Байт:

*Биров сўзлар эди ўйладим мазоқ,
Деди гийбатчидан ўғри яхшироқ.
Ниҳоний тиг санчар гийбатчи номард,
Дилни сиёҳ этар дард устига дард.*

* * *

*Сўз ташувчи аблаҳ адоват кўзгар,
Ақли солимга ҳам жаҳолат кўзгар,
Унинг суҳбатидан узоқ бўл, узоқ,
Уйғотма фитнани гар бўлса ухлоқ,
Адоват оловдир кишилар аро,
Чақимчи ташийди ўтин беибо.*

Саъдий Шерозий.

Фикрларимни жамлаб шундай хулосага келдимки, чақимчилар икки тоифада бўлар экан:

1. Ёмон тоифадаги чақимчиларки, одамлар орасида нифок ва адоват келтириб, уларнинг дўстлик муносабатларини вайрон қиладилар, обрўли одамлар номини булғайдилар, тўғри ва ҳалол кишиларни ёмонотлик қиладилар.

2. Яхши тоифадаги «чақимчилар». Бундай кишилар турли хоинлик, бўҳтон, жосуслик ва шунга ўхшаш кўплаб фалокатларнинг олдини олувчилардир. Уларнинг хабаркашлиги жамият учун фойдали бўлиб, эл-юрт ва Ватан улардан ризо бўлади.

Ғаммоз арабча сўз бўлиб, кўз билан имо-ишора қилувчи, кўзини қисувчи, кўзини ноз-карашма билан ўйнатадиган киши, чақимчи, сўз ташувчи маъноларини англатади.

(Хусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи Султоний»да ғаммозлик қилишни алдаш маъносида келтирган).

Суҳбатларда кўзларини ўйнатиб, гоҳ у одамга, гоҳ бу одамга, гоҳ бошқасига, гоҳ бошлиққа ва гоҳ ходимга юзланиб, кўзини қисиб, айтмоқчи бўлган сўзини тўхтатиб турувчилар ғаммозлардир. Улар бундай амаллари билан бировга яхшилик қилмоқчи бўлишади, лекин охирида яхши натижа келиб чиқмайди. Баъзан бундай кўз қисилар туфайли ходим бошлиқнинг юзига ҳар хил гапларни айтиб юборади ва ё айтмоқчи бўлган сўзини эсидан чиқаради.

Ғаммозлар ҳақида Хусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» китобида қайд этади:

«Ғаммозлар дийдорини кўрмаслик, айтганларини эшитмаслик лозим.»

Байт (мазмунан):

Кўрмадим ғаммоздан саргаштани,

Бахту толеи забун баргаштани.

Асарда ғаммозларнинг ҳалолзода эмасликлари таъкидланади.

Келтирадиларки, Мусо пайғамбар замонида курғокчилик бўлади. Бани Исроил қавми сув сўраб тўрт кечаю кундуз дуо қилишади, қор қилмайди. Кўкдан, яна қирк кун дуо қилсангиз ҳам мустажоб бўлмас, зеро, сизнинг ичингизда бир ғаммоз бор, унинг шумлиги дуоларингизнинг мустажоб бўлишига тўскинлик қилмоқда, деган садо келади.

Мусо ўз қавмини ғаммозликдан тавба қилдиради. Шундан кейингина ёмғир ёғади, қаҳатчилик бартараф бўлади.

ҲИКОЯТ. Келтирадиларки, подшоҳ бир одамга насиҳат қилди: «Агар рўзгорим обод бўлсин, мартабам соат сайин кўтарилсин десанг, учта ишга итоат ва риоят қил: 1. Ёлғон гапирма. 2. Мени юзимга ўзимни мақтама. 3. Ғаммозликдан ҳазар қил ва унинг ёмонлигин менга айта кўрма».

Назм:

Сўзим тўғри бўлса, дилим бўлса пок,

Ғийбатчи сўздан кўнгилда не бок.

Ишим, сўзим тўғри бўлса не ғамим,

Нима деса десин ғийбатчи ғаним.

...Покиза вазирки айлади эъзоз,

Ҳазодан хўрланди тухматчи, носоз.

Нўширавон бир куни йиғилиш қилди, мулозимларидан бири унинг ҳузурда ғаммозлик қилди. Нўширавон деди: - Бу сўзингни синайман, агар рост айтган бўлсанг, ғаммозлигинг учун душман деб биламан, агар сўзинг ёлғон бўлса, сени ҳайдайман ва агар тавба қилсанг, гуноҳингдан кечаман.

Айтди: – Тавба қилдим.

Нўширавон айтди: – Мен кечирдим.

Риёкорлик – ўзини зоҳиран хайрихоҳ ва покдомон қилиб кўрсатишдир. Риёкорлар – мунофиқлик, иккиюзламачилик қилувчи шахслардир.

Бу тарика кишилар одамларнинг юзига бошқа гап айтиб, таъриф у тавсиф қилишиб, йўқликларида уларни ёмонлашади,

омадсизликларидан қувонишади, лекин уларнинг ҳузурида ўзларини жонқуяр ва меҳрибон қилиб кўрсатишади. Риёкор ва мунофикнинг юзи иккита: бири ёруғ, иккинчиси зимистон. Бундайларнинг тили ва дили ҳам иккитадан бўлар экан: бири – поқу оқ, иккинчиси – кир ва нопок.

Бир куни маҳалла раисининг ўғли айтди: «Отамга ҳайронман, кечкурун бир аёл келиб келини билан уришганини айтиб, ариза ёзиб беришини илтимос қилди. Отам ёзиб берди. Эртаси эрталаб ўша аёлнинг келини келиб, бўлган воқеани айтди ва қайнонаси устидан ариза ёзиб беришни сўради. Отам унга ҳам шикоят ариза ёзиб берди. Отамнинг бу қилиғидан ҳайрон бўлдим».

Икки киши адоватин ўт десак агар,

Ўтин ташиб турувчидир бадбахт извогар.

Қайта тотув бўлишганда бу икки кўнғил,

У бўлади бахти қаро, шарманда, хижил.

Ғийбат – киши айбини унинг ўзи шу ерда йўқлигида, ортидан айтиш, айб излаш.

Ғийбатчи – ғийбат қилувчи, бўҳтончи, тухматчи, хабаркаш, чақимчи демак. Бундай кимсалар раҳбарлар, бошлиқлар ортидан улар ҳақида нораво гаплар айтиб, оқилу доно кишиларни ёмонотлик қилиш мақсадида уйдирма гаплар тарқатувчи ҳамда пок ва ҳалол инсонлар тирноғи тагидан кир қидирувчи тухматчи ва бўҳтончилардир. Маълумки, худодан бўлак ҳамманинг камчилиги, хатоси бўлади. Ғийбатчилар эса озгина хатони ҳамиша катта гуноҳи азимдек кўрсатишга ошиқадилар.

Ғийбатчи ва тухматчиларнинг қилмишини чаённинг чақишига ўхшатса бўлади. Унинг чақиши ёмон кўришидан эмас, табиати шунини тақозо этишидан экан. Модомики шундай экан, уларнинг захридан кўплаб одамлар, ҳалол раҳбарлар, жамият ва эл-юрт зарар кўриши муқаррар.

Кимки бировлар ҳақида ёмон сўз айтса, ундан парҳез қил, зеро ўзгаларга сен ҳақингда ҳам ғийбат қилар (Саъдий Шерозий).

Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асарида ғийбатчиларга оид маълумот бериб, айтади:

«...Ғийбатнинг гуноҳи зино билан баробар, балки ундан ёмонроқдир. Ғийбатчи ўлик гўштини ғажиб истеъмол қилувчи

мурдор (ўликхўр)га ўхшайди.

Шоҳ хузурида ғийбатчи ва бўхтончиларнинг бўлмагани яхшидир. Зеро, ғийбат ҳаром ва уни эшитиш нораво. Ғийбатчи ва уни эшитувчининг азоби баравардир».

*Қулоқ ва тилингни ғийбат йўлига қўйма,
Кишилар ғийбатидан уларни пок тут.*

ҲИЙЛА, АЛДАШ ВА ХИЁНАТКОРЛИК

Ҳийла – макр ва фириб.

Ҳийлагар – алдамчи, макр қилувчи, маккор.

Хиёнат – вафосизлик, эгрилик, хоинлик.

Хоин – хиёнат қилувчи ва бевафо одам.

Биз фаровон ҳаёт ва чиройли умргузаронлик қилиш учун ҳаракат қиламиз. Лекин орамизда шундай одамлар ҳам топиладики, ўз манфаатларини кўзлаб ҳийла ва макр, хоинлик, яъни хиёнат қилишдан ҳам тоймайдилар. Молу пул, давлат йиғиш, баланд иморатлар қуриш, турли машиналар эгаси бўлиш учун қинғир ишларга қўл уришиб, пок ва диёнатли инсонларнинг кўнглини оғритадилар. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) айтган эдилар: «Мен сенга икки нафар ҳақни ҳаром қилдим: биринчиси етимлар, иккинчиси аёллар ҳақки.»

Афсуски, ўз аёлини камситиб ҳақ-ҳуқуқини менсимай, хўрлайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ахир, уларга ҳам худо бор. Худо назаридан ҳеч нарса четда қолмайди.

Охирги пайтларда одамлар орасида бировнинг омонатига хиёнат қилишдек қабих одат тез-тез учраб турибди. Инсонларнинг кўнглини овлаб, ишончини қозонгач, ўз манфаати ва фойдасини кўзлаб иш кўрадиган одамлар талайгина.

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар: «Ёлғон сўзлаган кимса менинг умматимдан эмас. Ваъдага вафо қилмаган, омонатга хиёнат қилган кишилар ҳам шу жумладандир».

Ривоят қиладиларки, бир киши даромад орттиришнинг қинғир йўлини топибди. Бозордан қатик сотиб олиб, унга сув қўшиб сотиб, анчагина сармоя эгаси бўлибди ва кемада ўз ватанига кетишни жоиз деб билибди. Ҳамёнини очиб, пулларида завкланиб турганида тўсатдан бир маймун арқонда илашиб келиб, унинг қўлидан ҳамённи олиб қочиб, кеманинг четига ўтирибди. Тангаларнинг

бирини пул эгаси томон ва бирини сувга ташлайверибди. Охирида катикфуруш пулни санаса, қилган фойдасидан бир мири ҳам колмаган экан. «Сувники сувга кетди, қолди катикнинг пули» деган мақол шу тарзда пайдо бўлган, дейишади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁҲВАНДЛИК

Коньяк, арок, вино ва шунга ўхшаш спиртли ичимликлар узум ва мевани ачитиш натижасида пайдо бўлади. Ароқхўр ва май-парастрлар – доимий равишда спиртли ичимлик ичадиган шахслардир. Мастлик – ичимликни ичиб сархуш бўлган, ўзидан кетган кишиларнинг ҳолатидир.

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик инсоннинг ёмон одат ва иллатларидан биридир. Бундай одамларнинг сўзида субут, ишида унум, турмушида барака, юришида, яшашида маъно бўлмайди. Улар нафақат ўзларининг умрига зомин бўладилар, балки яқин қариндошлари, қўшнилари, хатто бутун бир маҳалла ё кишлоқ-жамиятнинг тинчини бузиб, хотирларни паришон, кўнгилларни вайрон қиладилар. Бундай кабиҳ ишларга одатланган кишиларнинг иродаси суст ва заиф бўлади. Баъзилар ғаму-дарднинг унут бўлишида ёрдам беради дея ичишади. Лекин бу чора мастлик натижасида янги муаммони юзага чиқаради, пастликка етаклайди, тубанликка олиб боради.

Майхўрликнинг ёмон оқибатлари ҳақида Л. Н. Толстой айтади: «Май инсоннинг соғлиғини махв, фикрлаш қудратини заиф, мўътадил оила ҳаётини вайрон, инсон руҳининг қувватини паст қилади». Ёки қадимги юнон олими Тутарх: «Ичкиликбоздан яхши нарса кутма» – деган эди.

Ривоят қилишларича, қадимда бир зинокор аёл пок ва парҳезкор эркакни уйига чақиради, муддаосини айтади. Эркак унинг раъйини қайтармоқчи бўлади. Аёл макрини ишга солади ва учта шарт қўяди: «Ё зино қиласан, ё бу гўдакни ўлдирасан ва ё шишадаги майни ичасан. Акс ҳолда, сени халқ олдида шарманда қиламан». Ҳалиги одам зино қилиш, одам ўлдиришнинг гуноҳи азим эканлигини билар эди ва ўзича гуноҳи енгилроқ деб шишадаги ароқни ичишга

жазм этади. Маст бўлгандан сўнг эса зино қилади ва бу ҳолатнинг ёлғиз гувоҳини йўқ қилиш учун гуноҳсиз гўдакни ҳам ўлдиради.

Бу ривоятнинг ғояси шундайки, маст, майхўр киши ҳар қандай қабиҳликлар қилиши муқаррар. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) айтадилар: Шаробдан парҳезде бўлинг, чунки у ёмонликлар очқичи. «Бақара» сурасининг охириги оятлари нозил бўлгач, Расулulloҳ ўз умматларига маст қилувчи ичимликларни ичишни ман этдилар.

Бодапарастнинг организми ичимликка ўрганиб қолгани учун у ўз вақтида истеъмол қилинмаса, уни сотиб олиш учун керакли маблағ бўлмаса одам ҳар қандай қабиҳлик ва разолатга қўл уриши мумкин. «Девона, коч, маст келди» деган гап шу мазмунни ойдинлаштиради. Шайх Саъдий айтадилар:

Паст нодон мастликда ўйламас асло,

Не кечар аҳволи йўқлик қўйида.

Баҳорда барги мўл дарахтлар ночор,

Ялангоч қолар қиш изгиринида.

Доноҳалқимизнинг, қабиҳиллатли бодабозлар ва гиёҳвандлардан ҳар қанча узоқда юрсанг, омонлик ва хотиржамликда бўласан, деган ҳикматли гапи бор. Дарҳақиқат, қозонга яқин юрсанг, қораси юқади... Мусулмончиликнинг бешинчи фарзи – ҳажни адо этган ҳожилар, нафақа ёшидаги қариялар, ўқитувчиларнинг маъракаларда ароқ ичишлари аянчли ҳолдир. Ахир улардан бўлажак авлод, фарзандлари нимани ўрганишади?

Халқимизда шундай ибратли сўзлар бор:

Бодабозлик – охирида тахири чиқадиган лаззат.

Кайф – ақлу заковатни ютиб юборувчи аждаҳо.

Ароқ аввал шер қилади, кейин - тўнғиз.

Оқ ароқ - обрўнинг қораси.

Бода билан гуноҳнинг ораси – бир қадам.

Бодабоз билан ҳамхона бўлган одам доимо қуюн ичида яшайди.

Бодабозлик – йўқчиликнинг отаси.

Бодахўрлик ва гиёҳвандликнинг инсонларга келтирадиган моддий ва маънавий зарарлари:

1. Саломатликни емиради.

2. Оиланинг моддий аҳволини хароб этади.

3. Оилавий низоларга, қариндошлар ўртасида жанжалларга, ажралишларга ва фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолишларига олиб келади.

4. Ногирон фарзандлар туғилади.

5. Катта-кичик жиноятлар содир бўлади.

6. Фарзандлар ва оила бошқа аъзолари эл олдида мулзам бўладилар.

Ота-оналар ўз фарзандларига бодахўрлик ва гиёҳвандликнинг аянчли оқибатларини тушунтириб боришлари зарур. Мамлакатимиз Президенти ва Республика ҳукумати томонидан гиёҳвандлик ва кишини маст ҳолатга келтирувчи ўсимликларни экиш, сақлаш, сотишга чек қўйиш ҳақида қабул қилинган фармон ва қарорлар ҳар биримизни қувонтиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарига Президентимиз И. А. Каримов нутқ сўзлаб, бутун дунё аҳлини гиёҳвандликка ва ушбу оғунинг тарқалишига қарши курашга даъват этган эди. Умумжаҳон ҳамжамияти бу таклифни маъқуллади ва у ўз самарасини бераётир.

САРСОН БЎЛГАН ЕТИМЛАР

Июль ойи, ҳаво жазирама иссиқ. Кўпгина мевалар етилиб пишган, ўрик йиғим-терими айни қизиган палла.

Ситорабону 4 яшар кизчаси ва 7 ёшли ўғилчаси билан ўрикларни қокиб, сомон устига тўкиб қуриштириш пайида. Ўғилчасининг 1-синфга боришига кийим-кечак харид қилмоқчи.

Ота-онасининг тўртинчи кизлари бўлган Ситорабонуни онасининг жияни Аловиддинга унинг розилигини сўрамасдан унаштирган эдилар. Аловиддин оилада ёлғиз фарзанд эди, эрка ва инжик, ота-онаси гапига қулоқ солмайдиган, майпараст ва кашанда одам бўлиб вояга етди. Ҳеч кимнинг насихатини олмасди. Ўрта мактабни зўрға битиргач, «меҳрибон» ота-онаси уни Ситорабонуга уйлантиришди. Ваҳоланки, Аловиддин олий ўқув юртида ўқиб ёки ҳарбий хизматга бориб, бирор касбнинг этагини ушлаши мумкин эди.

У на бирор жойда ишларди ва на маҳалла ишларига қўшиларди. Ота-онасининг орқасидан ҳар куни кайф-сафо билан машғул эди. Кўча-кўй, бозорда кимлар биландир уришиб-жанжаллашиб, кечгача санғиб юрадиган одат чиқарди. Ёдига на ота-онаси ва на оиласи, болалари келарди. Оқибатда ота-онаси бевақт қазо қилиб кетишди. Ситорабону болаларини деб ҳар қандай машаққатларга чидарди. У қачондир эрига инсоф киришига ишонар эди.

Ситорабону ўрикнинг ҳосилидан тушган даромаддан узишни кўзлаб, рўзғорга қўшниларидан қарз олди. Эри ҳам маишат учун ҳар кимдан қарз олиб юрганди. Кунларнинг бирида Аловиддин ўзининг ҳамтовоқларини чақириб, хотинига ош қилишни буюрди. Хотин эрини бир чеккага чақириб, уйда масаллик йўқлигини айтганди, эр бирон қўшнидан қарз олиб ошга керакли маҳсулот сотиб олиб келишни тайинлади.

– Ҳой хўжайин, менга ҳеч ким қарз бермайди, унингсиз ҳам қарзим кўпайиб кетган, – дея эрига вазиятни тушунтормокчи бўлди Ситорабону.

Аmmo Аловиддин хотинининг гапини тингламай, уни уриш, дўппослашга тушиб кетди. Қабих сўзлар билан ҳақоратлаб, жавобини бериб юборди, уйдан хайдаб чиқарди. Эракнинг шериклари бу ҳолга умуман парво қилишмади.

Ситорабону юзлари қонга беланган ҳолда отасининг уйи томон кетди. У ерда маълум муддат ўтиргач, оқилалиги, чиройлилиги туфайли совчилар кела бошлади. Кичкина ҳовлида уй эгаларидан ташқари етти нафар боласи билан иккита келин, буниг устига Ситорабону ва унинг икки боласи сиқилишиб яшашар, оилада шароит яхши эмасди. Болалар тез-тез уришиб, совукчиликлар сабабчиси бўлишарди. Келинлар Ситорабонуни ва унинг болаларини хуш кўрмай қолишганди. Шу сабабли ота-онаси уни қўшни кишлоққа эрга бериб юборишди.

Ситорабонунинг боболари уйда қолган болалари тоғаларининг фарзандлари билан чиқишолмагач, уларни холалари олиб кетди. У ерда бор-йўғи ўн беш кун яшашди холос, кейин яна бир холалариникига боришди. Иккинчи холаларининг уйда йигирма кунгина туриб, у ердан ҳам чиқиб кетишга мажбур бўлишди.

Кўлларида битта нон ва пиёла солинган халта билан юриб, оналарини кидира-кидира, неча азоблар билан уни топдилар. Она жигарбандларини кўриб, додлаб йиглаб юборди. Айвонда чой ичиб ўтирган эри унинг фарёдини эшитиб кўчага чикди ва хотинининг болаларини кўриб, дарғазаб бўлиб айтди:

– Мен сени хотинликка олганимда етим болаларингнинг кафолатини олмаган эдим.

Қабиҳ ҳақоратларни қилиб, Ситорабонунини кўлидан ховлига қараб силтаб, туртиб юборди. Қизча ва ўғилчаси дарвоза ортида йиглаб-йиглаб қолабердилар...

*Мен бир сарсон-сағира,
Гоҳ у жой, гоҳ бу жойда,
Икки кўзим тўла ёш,
Лек йиглашим бефойда.
Узоқда мендан онам,
Лоқайддир менга отам.
Ҳеч кимсиз мен ва синглим,
Вой- дод деймиз, вой алам.
Энди амак бегона,
Бегона амма-хола,
Тога, бобою момо,
Кимга қилай мен нола.
Эри билан онамиз,
Хотини бор отамиз.
Айтгил, қайга борайлик,
Эй сингилжон, иккимиз.
Кўча-кўйда, бозорда
Ғамхўр ота-оналар
Ўз фарзандлари учун
Нарса сотиб оларлар.
Қани эди, сиз, онам,
Қани эди, сиз, отам,
Совга олиб берсангиз
Улар қаби бизга ҳам.
Кўча-кўйларда сарсон,*

*Юрамиз зор-зор йиглаб,
Кўзларимиз тўла ёш,
Онажонимни излаб.
Менинг овқатим сарқит,
Тушагим бошқа касдан.
Тўкин овқат, уйқу йўқ,
Ёстигим эса хасдан.
Бебахтликларга боис,
Беаҳдликларга боис,
Сарсонликларга боис,
Бўлманглар мутлақо сиз.
Отажон, онажонлар,
Эй, азиз онажонлар,
Эй, дилсўз отажонлар,
Бизни етим қилманглар,
Сиз билан ширин онлар.
Отажон, эгон отажон,
Кўчаларда мен сарсон.
Менинг борар жойим йўқ,
Олиб боринг, отажон.
Сагираи бебахтман,
Сагираи сарсонман,
Менинг борар жойим йўқ,
Шумқадам, саргардонман...*

Етимларга яхшилик қилиш ҳақида буюк донишманд аждодларимиз шундай ёзганлар:

*Етимлар бошига бўлгин соябон,
Тикан кирса чиқар, чангин арт осон.
Олдида фарзандинг ўпиб, суймагил,
Етим гар йиғласа, ким овутар, ким?
Агар у ранжиса, қўлин тутар ким?
Шафқат бирла арит кўзин ёшини,
Чехрасин пок айла, силаб бошини.
Бошидан кетмишдир гар соябони,
Сен айла парварши, бўл соябони.*

* * *

*Ғарибни эшикдан қувама бенашиб,
Бир куни ўзинг ҳам бўлмагин ғариб.
Ғариб, бечоралар дилини шод қил,
Бечора кунларин эслагил, ёд қил.*

ЎҒРИЛИК ВА КИМОРБОЗЛИК

Одамлар орасида тарқалган ёмон иллатлардан бири ўғрилик ва киморбозликдир. Бировларнинг молини яширинча олган ё ғорат қилган одам ўғри ҳисобланади. Қимор – бу, бирон ўйинни ўртга пул тикиб ўйнашдир.

Қимор ўйини билан шуғулланган киши киморбоз деб аталади.

Ўғри ва киморбозларнинг ҳаром пул билан кун кўриб, улғайган фарзандлари ота «касбини» танлаб ҳаром йўлга кириб қоладилар. Бу йўлга кирган инсонларда раҳм-шафқат, ор-номус, иймон, виждон ва андиша бўлмайди. Уларни мафкуравий бузуклик, ваҳшиёна хаёллар ўз измига солади.

Бундай кимсалар хатто қотилликдан ҳам қайтмайдилар. Чунки ўғри ўғирлик пайтида қўлга тушмаслик ё қўлга тушганида ўзини ҳимоя қилиш учун, киморбоз эса киморда ютказган пулни топиб бериш учун ҳар қандай разил ишларга қўл урмоғи табиий ҳолдир.

Қиморда ютказиб қарздор бўлган шахс уйидаги бор бисотини оила аъзоларидан яширинча сотиб, қарзини узади, агар қарзни вақтида узмаса, устига фоиз кўшилади. Уйида ҳеч вақоси қолмагандан сўнг бировнинг молини ўғирлашга мажбур бўлади. Ёинки, оила аъзоларини ўғирлик қилиб бўлса ҳам унга пул топиб келишга мажбурлайди. Ана шундай қилиб, фарзандлар ҳам аста-аста ўғриликка ружу кўядилар. Бу қабих ишнинг охири вой. Бир кун келиб кўзанинг синиши бор, деганларидек, вақти келиб бу тоифадаги одамларнинг қилмишлари фош бўлиб, ўз жазоларини оладилар. Қолган умрларини қамокда ўтказадилар.

Бундай ҳаёт кимга керак? Наҳот инсон ўз меҳнати билан кун кўрмоққа қодир бўлмаса? Албатта, қодир. Агар соғлом ота-онадан дунёга келган бўлсаю, ёшлигидан яхши тарбия олиб, бировларга

кўз олайтирмасдан, ҳалол меҳнат қилишни ўрганса, у ҳечам ўғри ва ҳаромхўр бўлиб вояга етмайди.

Қиссадан ҳисса шулким, меҳнатсиз кун кечиришга ўрганган кимсаларнинг фаолиятлари ибтидоси чақалоқлик даврига каттик боғлиқдир. Демак, инсонни ёшлиқдан тўғрилиқка, меҳнат қилмоққа ўргатиш керак экан.

Қиморбозлик ва ўғрилиқ каби ёмон иллатларнинг оқибати шармандалиқ ва ёмонлик билан яқун топади. Бу ҳақда донишмандлар айтганлар:

«Таъбингни ножўя амалга майл эттирма. Барча тинч ва осойишта ҳаёт кечирса, ўғри доимо хавф-хатар ва изтиробда кун ўтказади, катталар ва ёшларнинг таънаю маломатларига дучор бўлади. Одамлар ундан вабо касаллигига чалинган инсондан ҳазар қилгандай ҳазар қилиб, яқинига ҳам бормайдилар».

Ўтган даврларда киморбозларнинг бор бисотларини бой берганларидан сўнг уй-жой, хотин ва кизларини пул ўрнига киморга тикиб, ютқазиб қўйишлари оддий ҳол эди. Бундайларни инсон деб бўлармиди? Албатта йўқ! Ўғрилиқ ва киморбозлик даромади ҳисобидан оиласини парвариш ҳамда тарбия қилган одамлар шуни унутмасинки, бировнинг моли бировга асло насиб этмайди. Чунки унда етим-есир, қариялар, беморларнинг ҳақи бўлиши мумкин. Донишманд боболаримиз бежизга айтмаганлар:

Ўғри ҳеч қачон боймайди.

* * *

Ўғирланган молда барака бўлмайди.

* * *

Ҳаром мол ҳаромга кетади.

ҲИКОЯТ. Бир куни Тамғоч номли ҳукмдорга бир қаллоб йигит гулдаста инъом этади. Ҳукмдор йигитдан сўрайди:

– Сен бу гулдастани қаердан териб олдинг?

– Гулзордан, – жавоб беради йигит.

Тамғоч яна сўрайди: – Гулзорнинг эгасини ризо қилиб, гуллар ҳақини тўладингми?

Йигит: – Гулзорнинг эгаси йўқ экан, уч-тўрт дона гулга эгаси хафа бўлмаса керак, – дейди.

Хукмдор дарғазаб бўлиб: – Хуллас, ўғрилиқ қилдим дегин, ўзганинг мулкига кириб, эгасидан сўрамасдан, унинг нарсасига қўл урмоқ ёмон ва ифлос иш эканлигини билмасмидинг, аҳмоқ?! Бу гулларни ол-да, эгасини топиб ундан узр сўра! Узган гулларингнинг хакини тўлаб, уни рози қил. Бу сафар ёш бўлганингни ҳисобга олиб, сени кечирдим, яна шу йўлга кирсанг, сени каттиқ жазолайман! – дейди.

Йигит ҳукмдорнинг олдида тавба-тазарру қилиб, бундан сўнг фақат ҳалол меҳнат қиламан, деб ваъда беради ва гулзор эгасини топиш учун чиқиб кетади.

Нақл қиладиларким, бир куни безорилар Тамғочнинг дарвозаси олдида:

– Эй ҳоким, биз кўкламга ўхшаймиз, бошимизни олиб ташлашга қанча уринмагин, биз шунчалик кўкараверамиз, – деб хаг ёзиб ташлаб кетадилар.

Тамғоч эса уларнинг хатига жавобан шундай ёзади:

– Биз кўкламиз деб беҳуда лоф урманг. Аслида сизлар девпечак (кераксиз ўт)ларсиз, биз эса кераксиз, зарар келтирувчи ўтларни илдизи билан юлиб ташлайдиган моҳир боғбонлармиз.

ТУЗ ҲАҚИ: Бир куни ўғри кечаси ер остидан туйнук қавлаб подшоҳ хазинахонасига қиради. Тўрвасини олтин ва қиматбаҳо гавҳарлар билан тўлдиради. Чиқиб кетаётган пайтида кўзи ялтираб турган бир нарсага тушади. Қоронғуда бу ялтирок нарсани шамчирок гавҳари деб ўйлаб, кўлига олади-да, ялаб кўради. Аммо бу шамчирок гавҳари эмас, қотиб қолган туз эди. Ўғри эса барча олган олтин ва гавҳарларни қайтиб жойига қўядида, келган ер ости йўли билан чиқиб кетади. Эртасига тонгда хазиначи шоҳнинг олдида келиб:

– Мени маъзур тутинг, олампаҳо, кечаси ўғрилар ер ости йўли билан хазинахонангизга кирибдилар. Бироқ ажабланарлиси шундаки, ўғирланган қиматбаҳо буюмларни жой-жойига қўйиб чиқиб кетибдилар.

Шоҳ таажжубланиб дейди:

– Ўша ўғрилар менинг олдимга келиб, олтинларимнинг бирон-тасини олмаганлиқларининг сабабини айтсалар, уларни ҳеч қачон жазоламайман.

Ўғри бу эълонни эшитиб, шох хузурига келади ва унга таъзим этиб, дейди:

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, шоҳим, хазинангизга ер ости йўли билан кирган одм менинг танҳо ўзим. Бошқаларнинг бунга дахли йўқ.

Шоҳ ўғридан сўрайди:

– Яхши, шунча меҳнат қилиб, ер остидан йўл кавлаб, хазинамга кирдинг, бироқ бирон нарсамни ўғирламаганлигинг боиси надир?

Ўғри жавоб беради:

– Шохнинг тузини тотиб кўрдим. Туз ҳақига риоя қилиб, ҳеч нарсани ўғирламадим. Туз ҳақига риоя қилмаслик аблаҳнинг иши.

Шунда подшоҳ ўғрига инъомлар бериб, бир қошиқ қонидан кечади.

РИВОЯТ. Азим шаҳарларнинг бирида бир йигит ўғирлик қилиб, қўлга тушади.

Ўғри йигит бу ишига жавобан ўлим жазосига ҳукм қилинади. Ҳукм бажарилаётган пайтда кўзи онасига тушади-да, ҳокимдан сўнгги сўзини айтмоқ учун рухсат сўрайди. Рухсат олгач, онасининг олдига бориб, ўткир тишлари билан она сийнасини қаттиқ тишлайди. Онаси бу воқеадан қарахт бўлади ва ниҳоят икки қўли билан кўкрагини ушлаб, ерга йиқилиб жон беради.

– Не қилиб қўйдинг, эй онабезори? Сен ўз онангни ўлдирдинг-ку?! – дейди бу воқеадан ғазабланган шох.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, қилган ишимнинг маъносини сизга тушунтириб бераман.

Ҳукмдор ижозат беради.

– Мен ёшлиқдан бировлар хизматини қилиб, суягим қотган. Она-бола ўз рўзгоримизни эплаб тургандик. Онам: – Ўғлим, бўйинг ҳам етиб қолди, топганимиз қорнимиздан ошмаяпти, бу аҳвол билан қачон уйланасан, қачон уй-жой қурасан? Яхшиси, қўшни йигитларга қўшилиб, пул топиш йўлини изла, – деб холижонимга қўймади ва мени ўғрилар қўлига топширди. Менинг янги «қасбим» шундан бошланган эди. Шерикларим бошқа шаҳарга қочиб кетдилар. Мен эса қўлга тушдим. Мени оз бўлса ҳам ҳалол пулдан қолдириб, бу ёмон йўлга даъват этгани учун ўз онамдан

касос олдим. Аллоҳнинг номи билан онт ичаманки, мен сизларга бор ҳақиқатни айтдим. Ана энди мени ўлдиринглар, деб жаллодга юзланади.

– Тўхтанглар, уни ўлдирманглар, – фармон беради ҳукмдор, – ўз ўғлини мудҳиш йўлга ҳидоят қилган бемехр она ўз жазосини олди. Энди ўғлини ўлдирманг, уни кечирдим. Бор, йигитча, ўғрилиқни ташлагин-да, олдинги ҳалол ишингга қайт. Қилган гуноҳларингни Оллоҳ ўзи кечирсин, бироқ шуни унутмаки, ҳеч қачон жиноят жазосиз қолмайди.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМНИ ФАРҚЛАШ ОДОБИ

Яратган Эгам инсонни бино қилиб, унинг учун ҳадду қанори йўқ табиатни инъом этди. То озод ҳаёт кечирсин ва унинг неъматларидан бебаҳра қолмасин. Ҳаёт давомида инсон зулм ва золимликдан узоқлашиб, бировлар ҳақиқа кўз олайтирмасдан табиат, наботот ва барча ер юзидаги мавжуд махлуқотларга зарар етказмаслиги керак. Мана шунинг учун ҳам Аллоҳ борлиқни ҳалолу ҳаромга ажратган ва таъкидлаб ўтганким, ҳаромдан парҳез қилиб, ризқимизни ҳалол йўл билан топмоғимиз лозим.

Неъмат – рўзғорда ишлатиладиган нарсалар, яъни ризқ, мол-мулк, моддий ва манавий бойликлардир.

Ризқ – насиба, қут, озик.

Лукма – бир парча, бир бўлак.

Ҳалол – раво, жоиз, изн берилган (шаръий томондан).

Ҳаром – ман этилган, раво сўзининг акси, ношоиста, ғайри-қонуний (шаръий томондан).

Аллоҳ ман этмаган, яъни ҳалол неъматларни истеъмол қилган ва улардан фойдаланган, ўз ризқини ҳалол меҳнат қилиб топган инсонгина яратганнинг суйган бандаси ҳисобланади. Минг афсуски, баъзилар, тўғри тушунмаганликлариданми, дейдилар: «Ҳалол ҳам ризқ, ҳаром ҳам ризқ». Ҳақдирким, ҳалол ва ҳаром ҳам инсон учун ризқ. Бироқ, ризқ ҳалол ва ҳаром бўлади. Ҳалол ризқ ҳалол йўл билан топилади. Ҳаром ризқ эса ҳаром йўл билан топилади. Яъни киморбозлик, поражўрлик, зулм, ўғрилиқ, ғоратчилик, бировнинг

меҳнати ҳисобидан эришилган ризк ҳаромдир.

Дарҳақиқат, ҳаётни меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар одам фарзанди ҳаракат қилмаса, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланмаса, бирор-бир касбни эгаси бўлиб, ўз ризқини топа олмаса, ҳаёти ширин ўтмайди.

Шуни унутмаслик керакки, ҳаёт фақат қорин тўйдиришдан иборат эмас. Инсон каби ер юзидаги барча жонзотлар ҳам яшаш учун курашади, ўз ризқини излайди. Бироқ инсон ўзга жонзотлардан акли ва тили билан фарқ қилади. Ҳадисда айtilган: «Эй одамлар, Аллоҳдан қўркинг, ўз ризқингизни фақат ҳалол йўл билан топинг. Ҳеч ким то ўз ризқ ва насибасини еб тугатмагунча оламдан ўтмайди».

Ҳа, ҳалолни ҳаромдан фарқлай олган ва ўз ризқини ҳалол меҳнат қилиб топган инсон пок ҳисобланиб, ўзгалар орасида обрў-эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлади.

Болалиқдан бошлаб ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормоқ учун, донишмандлар ўғитларига амал қилмоқ ва бировнинг нарсасини сўрамасдан олмаслик лозим. Бировнинг ҳақиқа хийнат қилмасликка, агар кўчадан пул ё бирон бир нарсани топиб олсак, дарҳол ўз эгасини топиб қайтариб бермоқликка одат қилишимиз керак.

Шундай экан, биз ота-оналар ҳар бир лўкма нонимизни ҳалол меҳнат билан топиб, фарзандларимизни ҳам ана шу йўлда тарбия қилайлик. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: «Мусулмонликнинг энг олий шартларидан бири – бу, ҳалоллик, ҳалоллик ва яна ҳалолликдир».

Саъд ибн Абу Ваққос пайғамбаримиздан илтимос қилдилар: «Ё Расулulloҳ (с.а.в.) дуо қилингки, дуойимиз ҳамиша ижобат бўлсин!» Пайғамбаримиз жавоб бердилар: «Эй Саъд, ўз лўкмангни ҳалол ва покиза сақла, сўнг дуонг ижобат бўлади. Ҳар ким бир лўкма ҳаром истеъмол қилса, қирк кун дуоси қабул бўлмагай.

«Ҳаром лўкма егандан, оташни ютмоқ афзалдир». (Ҳадис).

Айниқса, аёл зоти ҳаром лўкмадан парҳез қилмоғи лозим. Акс ҳолда, ҳаром унинг қони орқали фазандларига ҳам таъсир қилади. Ҳатто эри кўчадан (ё ишхонадан) ҳаром нарса олиб келса, унинг

йўлини тўхтатиб, ўз эрига ушбу нарсанинг ҳаром эканлигини тушунтириши керак.

Дейдиларким, савдода хиёнат қилган ҳамда пора олган ва бировнинг ҳақини еган кимсаларнинг ибодати қабул қилинмайди.

Яратганга шукрлар бўлсинким, мустақилликка эришганимиздан сўнг бизга осойишта ва фаровон ҳаёт ҳамда обод ва озод даврон насиб этди. Серкуёш Ватанимизнинг халқи фаровон яшаши учун ҳукуратимиз ва Юртбошимиз томонидан барча имкониятлар яратилди. Қомусимиз олдида барчанинг ҳуқуқи тенг бўлди. Шунинг учун ҳам бугунги ҳаётимизда ўғрилиқ ва шу каби бошқа ёмон одатлар йўқ бўлиб бормоқда.

ИККИНЧИ БОБ

АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАРНИНГ АЙРИМ НОЖЎЯ ҚИЛИҚЛАРИ

БАДАХЛОҚ АЁЛЛАР

Инсон учун берилган қисқагина умрдан тўғри ва оқилона фойдалана билиш керак. Умрни беҳуда ўтказмоқ – азим гуноҳ, – дейди донишманд халқимиз. Ҳеч бўлмаганда тўғрисиўзлик, хушмуомалалик каби яхши фазилатларни ўзимизда касб этиб, бировлар кўнглига йўл топа билишимиз керак. Буюк донишманд Саъдий Шерозий шундай ёзган:

Бисот, мол кўлга киритмоқ ҳунармас,

Кўлингдан келса бир дил овла, э ёр.

Бироқ «Беш кўл баравар эмас» деганларидек, гоҳида ҳаётда мол-дунёга меҳр қўйиб, одамийлик доирасидан чикиб кетганлар ҳам учраб турар экан. Ҳатто ҳаётда шундай одамлар борки, ёмон одатлари билан кишилар ўртасига нифок солиб, дўстларни ёвга айлантиради.

Бугунги кунда ушбу ёмон иллат кўпроқ аёлларда учраб туради. Шундай аёллар борки, бировнинг бахтини, тинчлигини ва муваффақиятини кўролмай, ҳатто фолбинга бориб, унга «банд» қиладилар, «иссиқ», «совуқ» қилиб бошқаларнинг ширин ҳаётларига раҳна соладилар. Бу ноҳўя амалларга қандай ҳолатларда кўл урилади?

1. Намунавий, осойишта ҳаёт кечираётган, бир-бирларини севадиган эр-хотинни ажратиб, эркакни кўлга олиш учун ёки ҳасадгўйлик билан оилани бузиш ниятида.

2. Йигит қизни ё қиз йигитни севганида унинг васлига етиш мақсадида.

3. Икки муносиб оила қуда бўлишлари арафасида уларни ажратиш ё уларнинг бири билан қуда бўлиб олиш мақсадида.

4. Бирон-бир манфаатга, мансабга эга бўлиш учун ёки бировни ўз вазифасидан олдириш учун.

Бу тоифа одамлар бир муддат мақсадларига етишлари мумкин, аммо қилган ёмонликлари пировардида ўз бошларига қайтиб келади.

Минг афсуски, айрим бадахлоқ аёллар арзимаган нарса учун уйларида жанжал чикарадилар, ўз эрларига қайнота-қайноналарини ёмонлаб, ҳатто ўғилни ота-онасига тескари қилиб қўядилар. Оиладагиларни кўрқитиш ва айтганларини бажаришлари учун ўзларини ёлғондан касал қилиб кўрсатадилар. Ё жанжал кўтариб, ўз жонларига қасд қилмоқчи бўладилар.

«Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин» деган ажойиб мақол бор халқимизда. Шу боис агар аёл ақлли бўлса, ўша хонадондан файзу-барака аримайди. Аёли доно хонадоннинг асло камчилиги бўлмайди. Буюк форс-тожик донишманди Шайх Саъдийда шундай байт бор:

*Зани хубу фармонбару порсо,
Кунад марди дарवेशро подшо.*

(Мазмуни: Эри фармойишига итоат этувчи оқила хотин дарвиш эркакни ҳам подшо қилади).

ЭР ЎҒИРЛОВЧИ ХОТИНЛАР

Баъзи аёллар борки, ўзларини меҳрибон дугонадек кўрсатиб, бировнинг бахтига зомин бўладилар. Бу тоифадаги аёллар ўз дугоналарининг табиатини тўлик билиб олиб, ундаги нуқсонларни топишга ҳаракат қиладилар. Сўнгра унинг бирор нуқсонини ошкор этиб, оиласини нотинч қиладилар. Эр ва хотин орасида олов ёқиб, уларни бир-бирларига тескари қилиб қўядилар. Мақсадлари дугоналарининг ҳаёти бузилиб, келажақда уларнинг эрларига турмушга чиқишдир. «Хотинини эрга қарши қилган инсонга Аллоҳ лаънат ўқийди» (Ҳадис).

Яна бир тоифа аёллар борки, дугоналарига яқинлашиб, бирга кинолар, сайр-саёҳатларга, тўй-ҳашамларга, санаторияларга, узок сафарларга борадилар, уйда ҳамма ишларига ёрдам берадилар. Дугоналари унга ҳамма нарсасини ишониб берадиган бўлганда, зарурат юзасидан, уй калитини унга топшириб, бошқа

жойларга кетганларида, ана шундай кулай фурсатдан фойдаланиб, дугоналарининг эри билан яқинлашиб, ҳам ўз эрларига ва ҳам жонажон дугоналарига хиёнат қиладилар.

ХОТИНБОЗ ЭРКАКЛАР

*Зан чу дори, марав паи зани гайр,
Чу равий, дар занат намонад хайр.*

Р. Авҳадий.

(Мазмуни: хотининг бўлса, ўзга аёл ортидан юрма. Гар юрсанг, ўз хотинингда хайр қолмайди.)

Ҳаётда шундай эркакларни учратамизки, оила қуриб, кўша-кўша ўғил-қизли бўлиб, неча йиллар ўтгандан сўнг ёмон одат пайдо қиладилар. Яъни, ўз оилаларидан воз кечиб, бир бегона аёл билан бошқа шаҳарга кўчиб кетиб, бирга яшайдилар. Ўз оилалари, бинойидек хотинлари ва болалари бўла туриб, ўз никоҳига бошқа бир аёлни олган эркаклар қуйидагилар:

1. Ота-онасининг истаги билан ўз яқинлари, бой ёки бирон бир нуфузли мансабдагиларнинг кизига уйланиб, ораларида муҳаббат пайдо бўлмаса.

2. Аёллари бир неча йиллардан сўнг бемор бўлиб, бир умрга мажруҳ бўлиб қолса.

3. Ўз аёлидан шахвоний нафси қониқмаса.

4. Бир неча йил тинч ва осуда ҳаёт кечириб, пул-моллари кўпайганидан ё нуфузли мансабга эришганидан сўнг бошқа хотинни учратиб қолса.

5. Бегона аёлнинг ҳусни жамоли ё бойлигига алданса. Тўғри, Ислом динида эркакларнинг имконият ва шароитлари бўлса, тўртта аёлни никоҳларига олишга ҳақлари бор. Бирок шуни унутмаслик керакки, аввало, бизнинг давлатимиз исломий давлат эмас, иккинчидан, бизнинг бош Қомусимизда фақат бир аёлни никоҳга олиш ҳуқуқи берилган. Шундай экан, давлатимиз бош Қомусини ҳурмат қилиб, унга итоат этмоқ бизнинг асосий вазифамиздир.

Фақат қуйидаги ҳолатларда эркакларга иккинчи хотинни никоҳ-

ларига олиш мумкин:

Аёли бир умрлик хасталикка чалиниб, қўлидан иш келмаса, касаллик сабаб эрининг шахвоний нафсини қондиrolмаса.

Саломатлиги туфайли аёлда зурриёт қолдириш имконияти бўлмаса. Бундай ҳолда икки томон ўзаро маслаҳатлашиб, аёлни ранжитмасдан, унга ҳар қандай шарт-шароитларни муҳайё қилиб, бошка хотин олгани маъкул.

Яна халқ ҳикматларини эслаймиз:

Икки хотини бор уйда барака йўқ.

* * *

Ошпаз иккита бўлса, ош ё шўр бўлади ё тузсиз.

* * *

Бир қозонда икки бош қайнамайди.

* * *

Бир қалбга икки ёр сизмайди.

ХИЁНАТКОР АЁЛ ВА ЭРКАКЛАР

Жалил номли бир эркак ўзга бир хиёнаткор аёл билан учрашиб юрарди. Бир гал ўзининг разил мақсадини амалга ошириш учун аёлга мувофиқ жой топилмади. Аёлнинг эри сафарда. Шу боис кайнота ва кайнонаси унинг уйида яшардилар.

Бир куни маккора аёл кайнонасига «Сиз болаларга қараб туринг, мен ҳовли ортидаги уйда ювиниб келай», деб унга ёлғон гапиради. Келишилган шу соатда Жалил уйга келади ва улар разил мақсадларини бажарадилар. Бу эса маккора аёлларнинг макрларидандир.

Жалил мол (сигир, қўй ва ҳоказо) олиб сотарди. Бир шогирди бор эди ва унинг ишларига ёрдамлашарди. Шогирд Жалил берган арзимас маош ҳисобидан кун кечирарди. Шогирдининг хотини жуда гўзал ва латофатли аёл эди. Пасткаш Жалил унинг ҳусну-жамолига маҳлиё бўлиб, ўз шогирдининг аёлига кўз олайтира бошлади. Иложини топиб ўша аёл билан гаплашди-да, унга катта

пул таклиф қилди. Аёлнинг қалби ўзи каби чиройли эмас экан. Жалил таклиф қилган катта пулга учиб унга розилик берди.

Шундан сўнг, Жалил бозор кунлари тонгда туриб, молларини шогирдининг уйига ҳайдаб келиб, шогирдига: «Сен молларни бозорга олиб бор, мен кейинроқ етиб бораман» дерди. Шогирд молларни ҳайдаб, бозор томон йўл олгач, Жалил орқа эшик билан шогирдининг уйига кириб, ўз шахвоний нафсини қондирарди.

Бечора шогирд нонушта қилмай, совук, иссик ва қоронғу кунларда ўз оиламни ҳеч кимдан кам этмасдан боқаман десаю унинг «окила» аёли ўз эрининг азобларига парво ҳам этмай, унга хиёнат қилса...

САДОҚАТЛИ АЁЛ

Бир куни Басра шаҳрининг ҳоқими хордик чиқариш мақсадида ўз боғига боради. Боғбоннинг ифғатли ва лобар аёли бор эди. Ҳоқим аёлни кўриб, эс-ҳушидан айрилиб қолади.

Ҳоқим қандайдир бир ишни баҳона қилиб, боғбонни узок жойга юборади. Сўнгра боғбоннинг аёлига «Боғнинг барча дарвозаларини беркит!» дея амр беради.

Аёл қайтгач, ҳоқим дейди:

– Барча эшикларни беркитдингми?

Аёл шундай жавоб беради:

– Барча эшикларни беркитдим, фақат бир эшикни беркитмоқликка ожизлик килурман.

– Нечук? – сўрайди ҳоқим.

– Чунки ул менинг виждон ва эримга бўлган садоқатимнинг эшиги, – деб жавоб беради аёл.

Бу сўзларни эшитган ҳоқим:

– Синглим, мени кечир! – деб узр сўрайди ва ўз қилмишидан пушаймон бўлади.

ТУҲМАТДАН ЎЗИНГ АСРА, ОЛЛОҲИМ!

Бир хонадонда қариб қолган эр-хотин яшардилар. Улар биттагина ўғилларини уйлантириб, келинли бўлдилар. Эри хотинига унчалик ишонмагани сабабли, келин олгандан сўнг оила даромади ва нафақалари пулларини келинига берарди. Келин оқилаю доно бўлгани боис, пулларни қайнотасидан олиб, «оқила» қайнонасига олиб бориб берарди. У пулларни олиб сандикка қўярди. Зарур бўлганда қайнота келинига, пулни олиб чиқ, дерди, келин эса қайнонасидан олиб чикиб берарди. Келин қайнотасидан олган пулни санамасди, латтада қандай ўралган бўлса шундайлигича қайнонасига берарди. Бу ҳол икки-уч йил давом этади. Келин қайнонасининг қўли эгри эканини билмас эди.

«Ишбилармон» қайнона келинининг пулни санаб олмаслигидан «оқилона» фойдаланиб, латтага ўралган пуллардан 5 минг, 10 минг оладиган бўлади. Қайнота бозор ё магазинга бориб нарса харид қилганида пул беш-ўн минг сўм кам чиқарди. Орада қайнона ўғрилиги келинга юкланиб, балога қолишига бир баҳя қолади.

Хайрият, можаро яхшилик билан тугайди. Хотинидан шубҳаси бор бўлган қайнота келинидан пулни каерга қўяётганини сўрайди. Келин бор гапни, яъни пулларни қайнонаси қўлига топширишини айтади. Шунда қайнотанинг шубҳа-гумонлари тўғри чикиб, келиндан шубҳаланишга чек қўяди.

* * *

Илгари одамлар рўзғордан орттирилган пулларини қоғозга ўраб, махсус сандикчаларга солиб қўяр эдилар. Кунлардан бир куни бир кампир уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзига керакли матоларини олмокчи бўлади. Шу вақт бирдан қўшни аёл ундан пиёз сўраб чиқади. Содда кампир унинг гапига лаққа ишониб, пиёз олгани томга чикиб кетади. Сандикнинг очик қолганидан фойдаланиб, қўшни аёл кампирнинг беркитган пулларини ўғирлаб, пайпоғига яширади. Сўнгра пиёзни олади ва кампирга миннатдорчилик билдириб, чикиб кетади. Кампир эса керакли матони олиб сандикни яна қулфлаб қўяди.

Орадан уч ой ўтади. Эри кампиридан яшириб кўйган пулларини олиб беришини сўрайди. Сандикни очиб не кўз билан кўрсинки, яширган пуллари йўк. Титкилаб чиқади, бироқ пул топилмайди. Натижада эру хотин ўртасида низо келиб чиқади. Халқимизнинг «Ўғри битта, гумондор юзта» дейиши бежиз эмас. Бу ўғриликда нафақат эру хотин, балки ўғли, келини ва бошқалар гумон қилиниб, катта жанжалга сабаб бўлади. Бу «ишбилармон» кўшни аёл вазиятдан хабар топиб, унинг хатоси эвазига бир оиланинг бузилиб кетишини ўзига раво кўрмайди. Шу боис, ўша кечасидаёқ қоғозга ўралган пулни девордан ҳовли йўлакка ташлайди. Эрталаб кампирнинг эри дарвозани очиш учун бораётганида ногоҳ қоғозга ўралган бир нарсага кўзи тушади. Не кўз билан кўрсинки, қоғозга ўралган нарса ҳамманинг тинчини бузган ўша пуллар эди...

* * *

Бир оилада уч нафар ўғил ва бир нафар киз бор эди. Ота-она ҳамма катта фарзандларини уйли-жойли қилиб, кенжа ўғиллари билан бирга яшардилар. Турмушлари яхши, ҳаммалари ҳаётларидан мамнун эдилар. Бироқ бу узокка чўзилмади. Чунки эрка улғайган кенжа ўғиллари кам-кам ичкилик ва киморбозликка майл қилиб, бора-бора одатланиб қолади. Ҳеч қаерда ишламаганлиги боис аста-секин ичиш ва кимор ўйнаш учун жавонларни очиб, ота-онаси йиғиб қўйган пуллардан олиб, киморда ютқаза бошлайди.

Бир маҳал ота-она жавондаги пулларини санаб кўрадиларки, ярмидан кўпи йўк. Улар ўз «арзандагарининг» қилиқларидан беҳабар уйдаги келинларидан гумон қиладилар. Натижада муаммони чуқур таҳлил қилмасдан, енгиллик қилиб келинларини фарзандлари билан уйдан ҳайдаб юборадилар.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаётда шу ва шунга ўхшаш воқеалар содир бўлиб қолган тақдирда, дарров бир қарорга келмасдан, уни чуқур таҳлил қилиб, текшириб, кейингина оқилона хулоса чиқаришга ҳаракат қилиш лозим.

ЧОҲ ҚАЗИГАН ЧОҲГА ЎЗИ ЙИҚИЛУР

Жуфти ҳалоли Жалил акага икки қизу бир ўғил туғиб беради. Мактабни битирган тўнғич қизи олий ўқув юртида таҳсил олаётган қўшни йигитга кўнгиб боғлаган эди. Аммо қизнинг уйига катта бир қорхона раҳбарининг хонадонидан совчи келади.

Мол-дунёга ружу қўйган Жалил ака қизидан бесўроқ дарҳол розилигини айтади. Бироқ қиз совчиларга рад жавобини беради. Чорасиз қолган Жалил ака шаҳарлик уч-тўртга безори йигитларга қизининг суйганини йўқотиш учун катта пул ваъда қилади ва қўшни йигитни йўқотгач, қизини ўзи хоҳлаган ўша бой хонадонга узатади.

Орадан олти йил ўтади. Буни қарангки, Жалилнинг ўғли сабабсиз йўқолиб қолади. Йигирма йилдан буён унинг ўғлига нима бўлганини ҳеч ким билмайди.

* * *

Бир қишлоқда бир йигит хотини, фарзандлари ва онаси билан яшар эди. Онаси келини билан ҳеч мураса қилолмас, уйда ҳар доим жанжал эди. Бир куни эр-хотин кечаси ухлаганида кампирни бўғиб ўлдириш ҳақида маслаҳатлашадилар. Тўрт яшар қизчалари уларнинг бу қабих ниятларини бувисига етказди. Зийрак кампир кечқурун ҳеч кимга билдирмасдан келинининг онасиникига боради. Унга қизи касаллигини айтиб, унинг уйига бориб набираси билан бирга ухлашини илтимос қилади. Келиннинг онаси уйга келса, қизи билан куёви ухлаб қолган бўладилар. Набираси ёнига кириб ухлайди. Бир оз фурсат ўтгач, куёви ва қизи уйга кириб унинг устига кўрпани ёпиб, бўғиб ўлдирадилар. Кейин жойларига кириб ухладилар.

Эртаси эрталаб кампирни (йигитнинг онасини) кўриб, лол қоладилар. Кампир келинидан «Онанг уйда эди, ҳолидан хабар олдингми?» деб сўрайди. Ўз онасини ўлдирган қиз эса бошини деворларга уриб дод-вой солади. «Чоҳ қазиган чоҳга ўзи йиқилур» деб бежизга айтилмаган.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, фарзандларимизнинг

хулқ-атвори биз топиб уларни едириб, кийдириб вояга етказган ризқ-насибага боғлиқ экан. Чунки бизнинг ҳар бир амалимиз фарзандларимизга ўрнак бўлади. Бир тасаввур қилинг, бизнинг қинғир ишимиз, хиёнатимиз, ёлғончилигимиз, бошқалар ҳақини ейишимиз, маҳсулотлар, жумладан, дори-дармонлар, болалар озуқаси ишлаб чиқаришда стандарт талабларига риоя қилмаслигимиз, сутга сув аралаштириб, вазни ва метрига хиёнат қилишларимиздан фарзандларимиз нима ўрганишлари мумкин? Ахир бу билан ўзимизни алдаймиз-ку?!

Биз бу ёмон ниятлар ва қилиқларимиз билан давлат қонунлари талабларини бузамиз ҳамда Ислом дини шартларига қарши борган бўламиз. Оллоҳ таоло икки тоифа инсонларга аввал жазоларини бериб, сўнгра жонларини олишга аҳд қилибди:

1. Ота-онасига хиёнат қилган ё уларни рози қилмаган кимсаларга.

2. Бошқалар ҳисобидан яшайдиган кимсаларга.

Биз ўзимизнинг эзгу сўз, эзгу иш ва эзгу фикримиз билан фарзандларимизга ўрнак бўлишимиз керак, токи улар биздан ўрганиб, бизга тақлид қилсалар.

Шундай йигитлар борки, яхши-ёмон амалларни билмай туриб, хато-камчиликларга йўл қўядилар. Бироқ улғайиб, одоб-ахлоқ меъёрларини ўрганиб олгандан сўнг ўз хато-камчиликларини англаб, уларни тузатадилар. Ҳатто, бошқаларни ҳам тўғри йўлга тарғиб этадилар. Қаранг, қандай яхши. Ўзлари тўғри йўлга киришларидан ташқари, бошқаларни ҳам даъват қиладилар.

Бир тоифа зиёлилар ўқитувчилик ва устозлик қиладилар. Аммо ўзлари ёлғончи, риёкор, бахил, ғаммоз, хийлагар, найрангбоз ва фирибгардирлар. Шогирдлар, ходимлар, ўқувчи ва талабалар бу табақа шахслардан қандай ибрат оладилар? Аксинча, улар халқ ва жамиятга салбий таъсир етказадилар. Бу тоифалардан узок бўлиш афзал.

Тилимиз билан дилимиз бир бўлиши керак. Тил билан айтиб, амалда бошқа муносабат қилсак, бундан атрофдагиларга зарар етади. Чунки одамлар кўпроқ бизнинг амалимизга тақлид қиладилар ва таянадилар.

Биз фарзандларимиз одобсиз ва бадхулк бўлмаслиги учун тўғри йўлни танлаб, бориға шуқр қилиб, йўғига сабр-қаноат айлаб, ҳалол ризқ топишимиз керак.

Ҳаётда инсон турли йўлларға дуч келади. Аммо тўғри йўлни танлаш инсоннинг ўз қўлида. Ҳаёт ўткинчи. Инсон бу дунёға меҳмон. Бу беш кунлик дунёда шундай яшасинки, қарилиқда ортға қараб босган изларини сарҳисоб қилиб, афсусланмасин.

Инсон ҳаётдан, ўтиб бораётган умридан самарали ва оқилона фойдалана билиши керак. Қанча пул топсақ, шунча дил топайлик, азизлар!

Зеро, Шайх Саъдий айтганидек, «Дунёни қўлга киритмоқ хунар эмас, аксинча, қўлингдан келса бировнинг дилини қўлга ол».

Ҳаётда фақат тўғри йўлда юрган, яхши хислатларни ўзида мужассам этган, инсонийлик доирасидан чиқмаган инсонгина қоқилмайди ва жамиятда ўз мавқеини топади. Шундай экан, келинг азизлар, инсон номиға лойиқ инсон бўлайлик. Бу ҳаётда ўзимиздан яхши ном колдирайлик.

Байт:

Қолмагай ҳеч ким жаҳонда пойидор,

Қолгусидир яхши номи ёдигор.

Абулқосим Фирдавсий.

УЧИНЧИ БОБ

ПАНДУ ҲИКМАТЛАР

Муҳтарама аёллар, бу ҳикматларни ҳамиша ёдда тутинг ва улардаги эзгу гоյарга амал қилинг. Шунда сизга икки дунё саодати насиб этади.

Аёл кўшни учун сингилдай. Чунки у кўшнисига қариндошларидан ҳам яқинроқдир.

Заруратда биринчи бўлиб, ёрдам кўлини чўзадиган ҳам кўшидир. Расулуллох (с.а.в.) олдида, ҳамиша намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, саховатли, мудом Аллох зикрида юрадиган аёл шол бўлиб қолади. Биргина нуқсони шуки, у тили билан кўшниларга озор етказарди. Расулуллох (с.а.в.) айтибдилар: «У аёл дўзахда бўлади».

* * *

Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар кўрган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса, бир санъатдир. Дунёда қандай ёвузлик содир бўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси нодонлик орқали келиб чиққан. Энг зўр ҳалокат нодонлик, инсонийликни битирувчи ҳам нодонликдир. Яхши таҳсил кўрган ва илм нури билан хулқини яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм – аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан кутқарган ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб этади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиясида турли камчиликларга йўл қўяди. Одам учун энг зарур нарсалар номус, иззат, ҳаё каби фазилатлар илму-маърифат орқали касб этилади.

Бахтнинг ҳам, роҳатнинг ҳам, бойликнинг ҳам асосий негизи илмдир. Олим ва комил кишиларнинг мартабаси шунинг учун ҳам баланд бўлади.

Оқила хотин ўз эрининг ҳақиқий кўмакдошидир. Бундай хотин

эрининг сўзларини ҳеч вақт ерда қолдирмайди. Менсимасдан карамайди. Уни ҳар ишда қўллаб-қувватлайди. Аммо оқила хотин эрга итоат қилиш керак экан, деб эр бошлаган ҳар хил қабиҳ йўлларга юравермайди, аксинча, ўз эрини ёмон ва жиноятга олиб борадиган йўллардан қайтаради.

Бадхулк ва бемаъни эрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб эрининг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга садоқатли ёр эканлигини амалда исботлаб, барча чора-тадбирларни қўллаган ҳолда, эрини ҳалол йўлга қайтариши лозим.

Тажрибалардан маълум бўлишича, чиройли хулққа эга бўлган аёлларнинг эрлари ҳам шундай хулққа эга бўлар эканлар. Аксинча, ёмон хулқли аёлларнинг эрлари ёмон хулққа эга бўлиб, уларда ёвузлик хислатлари пайдо бўлар, бошқаларга ҳам шундай муомала қилар эканлар. Оилавий масалада эр билан хотин ўртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади. Бундай оиладан лаззат кетади, роҳат йўқолади, болаларнинг тинчлиги бузилади, оила аъзолари ўртасида бир-бирига душманлик пайдо бўлади, шунинг учун оилада жанжал чиқмаслигининг олдини олиш аёлларимизнинг муқаддас вазифаларидандир.

Эр билан мурося ва мадорада яшаш учун аёлларимиз куйидаги икки нарсага амал қилишлари зарур. Биринчидан, эрнинг табиатини, мижозини ва хулқини билиш, шунга қараб муомала қилиш, масалан, эр нимадан кўпроқ хурсанд бўлса, ўшани қилишга, қандай нарса ғашини келтирса, уни қилмасликка уриниш зарур. Эрнинг одатини билиш ва ўшанга асосланиб, иш юритиш тотувликни келтириб чиқарадиган муҳим омиллардан биридир. Иккинчидан, вафодор, садоқатли ва ишбилармон аёллар ҳақидаги ҳикоят, шеър ва дostonларни кўп ўқиш, ёмон, бадхулк ва беҳаё аёлларнинг қилмишлари ва унинг оқибатида турли хил балоларга гирифтор бўлганлари тўғрисидаги воқеалардан ибрат ва керакли хулосалар чиқара олиш керак.

Билимли, ҳаёли ва виждонли оилада тарбия топган боқира кизлар ҳаё ва иффат, меҳр ва муҳаббат эгалари бўлиб, улар билан қурилган ҳаёт тотли ва тинч бўлади.

ДОНОЛАР ИЛМ-ҲУНАР ВА ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДА

*Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт онинг нишини нўшу хорини гул айлади.*

* * *

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.
Чунки ёгин манбаи бўлди ҳаё,
Қатраси тупроқни қилур кимиё.*

* * *

*Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хейлини чархи баланд.*

* * *

*Кимники айлай десанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагин ҳамдаминг.
Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема,
Воқиф ўлиб сўнгра пушаймон ема.*

* * *

*Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин анга яхшилик.*

* * *

*Кимки қаноатдан эрур ҳужжати,
Яхши- ёмонга йўқ онинг ҳожати.*

* * *

*Асра ўзингни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.*

* * *

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур.*

* * *

*Ва гар кимсадан зоҳир бўлса ёмон,
Кўрар ҳар не ким зоҳир этди ҳамон.*

Алишер Навоий.

*Мардларнинг ишларин андеша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил.*

* * *

*Агар марди дурустсан ҳужраи дил посбони бўл,
Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл.*

* * *

*Гар бўлай десанг ҳақиқатга яқин,
Тўғри сўзги бўл, мунофиқ бўлмагил.*

Шоир Аҳмад.

*Адаб бозорига кирсанг баякбор,
Энг яхши хулқ учун бўлгил харидор,
Адаб бўлса сенинг аввал сўрогинг,
Тамомий илм ила тўлгай қулогинг.*

Хожамназар Хувайдо.

*Агар яхши амал қилсанг савоб ҳосил бўлур, лекин
Ситам қилсанг, бўлур олдинда албатта ситам пайдо.*

Бобораҳим Маишраб.

Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади: у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан яхшилик қилади.

Абу Яъзид.

*Оқила, тадбиркор бўлса гар аёл,
Қўлдаги игнаси ёй ўқи мисол.*

* * *

*Хазина келтирган келиндан зинҳор,
Тўғри, ростгўй келин яхшироқ минг бор.*

* * *

*Ҳалол ишлаб топсанг гар арна донин
Яхшидир егандан биров оқ нонин.*

Хусрав Деҳлавий.

*Ҳар тирик эсон агар қилса ҳаракат,
Ҳаракатга қараб топар баракат.*

Камолиддин Биноий.

*Ҳунар ўрга, чунки ҳунарда кўп сир,
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.*

Низомий Ганжавий.

*Забт этайин десанг сен илму ҳунар,
Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар.*

Абдулқодир Бедил.

*Илмдан яхшироқ ҳазина бўлмас,
Кўлингдан келганча тера олсанг, бас.*

* * *

*Шубҳа йўқ, илмдан тирикдир инсон,
Машаққат-меҳнатни енгади осон.*

Абулқосим Фирдавсий.

*Истар эсанг отангдан мерос,
Богла отанг илмига ихлос.*

Саъдий Шерозий.

*Эй, энг яхши одам ким, деб сўраган,
Айтайин, ким бўлур энг яхши одам.
Энг яхши одам шу – кимдан халқига,
Қандайдир наф тегар ҳар куну ҳар дам.*

Абдурахмон Жомий.

*Ўз нафсин мағлуб этолган марддир,
Ғийбатлардан узоқ кетолган марддир.*

Абу Абдулло Рудакий.

АНДИШАЛАР

Агар бир оқил эркак ўнлаб ўғри, киморбоз, майпараст ва гиёҳвандни тўғри йўлга киритибди, десалар ишонаман. Агар юзта оқил эркак бир нафар ёлғончи ё бахилни тўғри йўлга кирита олмабдилар, десалар ҳам ишонаман. Фалон одам намозхон ё хожи бўлибди, десалар ишонаман, аммо ёмон феълени ташлабди, десалар ишонмайман.

* * *

Ҳожи бўлиш – бу, шухрат ва мансаб эмас, балки ҳар жиҳатдан ўрناق бўлиш демакдир.

* * *

Ўн нафар ахлоксиз ва дилозор кишидан бир туп сояли дарахт афзал.

* * *

Ўзимдаги эзгу сўз, фикр ва амални ҳам, мавжуд ёмон одат ва феъл-атворни ҳам сиз дўстларим ва сафдошларимдан олганман.

* * *

Ҳар бир халқнинг ақлу идрок ва феъл-атвори ўша жойнинг табиати ва муҳитига вобаста.

* * *

Хушомадгўйдан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Ҳалол меҳнат билан яшайдиган кишининг жисму жони ҳамиша хузур ҳаловатдадир ва ҳаёти хотиржамлик билан ўтади.

* * *

Киморбоз, гиёҳванд ва зинокорда фэйз-барака бўлмайди.

* * *

Порахўр тинч ухлолмайди.

* * *

Қиморбозлар, ўғри ва фирибгарлар, порахўр ва гиёҳфурушлар томонидан йиғилган пул-моллари омонатдир. Чунки буни Оллоҳ ҳаром ризқ ҳисоблаган.

* * *

Фарзандларнинг хулқ-атвори биз едириб, кийдириб вояга етказган ризқ ва насибага боғлиқ.

* * *

Хушомадгўй ва лаганбардорлар бамисоли эски латтадирки, ифлос жойни тозалаб, сўнг ташлаб юборадилар.

* * *

Гиёҳванддан эҳтиёт бўлинг, чунки у бир лаҳзалик маишатни деб, одам ўлдириб, Ваганни ҳам сотишдан қайтмайди.

Билими йўқ, бироқ ўзини бу дунёнинг Афлотуни билганларга нафратим келади. Аммо донолигига қарамай, сокин юрганларга ҳавасим келади.

* * *

Андишасиз донодан андишали нодон яхши.

* * *

Ҳасис давлатманддан ширинсўз камбағал афзал.

* * *

Ажаб дунё! Дононинг умри азиятдаю нодоннинг умри фароғатда ўтади.

* * *

Худодан эмас, бандасидан кўрккан инсонлар ҳам бор экан.

* * *

Беамал ва мағрур олимдан илм-маърифатни, жоҳил табибдан инсон саломатлигини, ершунос дехқондан хирмон баракасини истайдилар.

* * *

Ширинсўз инсон бўлиш учун ақли расолик, мукамал билим ва кенг дунёқараш лозимдир.

* * *

Комил инсон бўлиш учун мукамал билим, расо ақл, чин сўз, пок қалб, яхши одоб-ахлоқ ва кенг дунёқараш бўлиши лозим.

* * *

Кишининг олим, файласуф, шоир, адиб, санъаткор, спортчи, ишчи, энг зўр ва машҳур мутахассис бўлиши бу унинг комил инсон бўлди, дегани эмас.

* * *

Илму маърифат, катта бойлик эгаси, спортчи, санъаткор, машҳур мутахассис, раҳбар бўлиш баробарида оддий, хоксор ва меҳнатсевару инсонпарвар бўлсанг, замоннинг комил ва бахтли инсони сенсан!

* * *

Раҳбарлик молу дунё тўплаш ва маишат, шуҳратпарастлик эмас, балки жамиятда инсонийлик масъулиятни бажармоқдир.

* * *

Қалбида гина-адоват ва қасос чироғини ёққан инсон, нафақат яхши раҳбар, ҳатто одамийликнинг оддий шартига ҳам якин бўлолмайди.

* * *

Шижоат ва миллий ғурури бор инсонгина халқини чин дилдан
яхши кўриб, ўз Ватанини обод этади.

* * *

Ота-онаси мурувват кўрмаган шахсдан яхши раҳбар чикмайди
ва ундан илтифот изламоқ хатодир.

Раҳбар оҳанрабодай ўзгаларни атрофига жалб этиб, қутбнамо
каби доимо ҳаракатда бўлиб, йўлини йўқотганларга йўлбошчи
бўлмоғи лозим.

* * *

Оқил, доно халқпарвар ва ватансевар раҳбар ҳамиша камчилик
ва нуқсонларини тузатиб юради.

* * *

Хато ва нуқсонларини тузатишга уриниб кўрмасдан уни
яширишга уринган раҳбар ўз халқининг душманидир.

* * *

Иродаси суст, ёлғончи, бахил ва кўп онт ичадиган раҳбарнинг
иши яхшилик билан тугамайди.

* * *

Яхши аёл хонадон гули ва эркак гавҳаридир.

* * *

Яхши эркак файз-барака ва хонадон аҳлининг хотиржамлигидир.

* * *

Окила, доно, хушхулк, кўнгли пок, хушбичим, хушрўй, ростгўй,
ширинсўз, ифбатли ва, энг муҳими, эрига хиёнат қилмайдиган
аёлдан жаннат хиди таралади.

* * *

Агар эри аёлига ҳаддан зиёд ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилса,
баъзилар буни ўзгача тушуниб, хиёнат қилишгача борадилар.

* * *

Ахиллик бўлмаган оилада файз-барака бўлмайди.

* * *

Риёкор, ёлгончи, бахил, фирибгар, хийлагар ва хиёнаткор аёл
эри учун ер юзидаги дўзахдир.

* * *

Хоксорлик, шарм-ҳаё қиз бола ва келинлар зийнатидир.

* * *

Шарм-ҳаё, гўзал ва ибтиҳо бўлиш, ширин сўзлик ва хушмуомалалик
қизлар ва аёлларга хос бўлиб, уларнинг меҳрибонлик, нафислик,
гўзаллик ва кўнгили овутовчи аломатларидир.

* * *

Жасурлик, кўркмаслик, серғайратлик, тамкин ва кечиришлик
ўғиллар ва эркекларга хос фазилатлар бўлиб, уларнинг мардлик ва
жувонмардлигидан дарак беради.

* * *

Худодан кўркмайдиган, пайгамбарлар сўзларига ва илоҳий
китобларга амал қилмайдиган кишидан кўркмоқ лозим.

Меҳнат, ҳалол ризқ, тўғрилиқ, яхши одоб-ахлоқ кишини камол
топтиради ва унинг саломатлиги ва осудалиги гаровидир.

* * *

Пул-мол, машина, ҳашаматли уйлар, кийим-кечак, заргарлик
буюмлари, мансаб, шуҳрат, маишат ва саёҳатлар инсон учун
саломатлик ва осудалик олдида ҳеч нарса эмас.

* * *

Фарзандларига ғамхўр ва меҳрибон киши ота-онасига ҳам ғамхўр ва меҳрибон бўлмоғи керак.

* * *

Ажабо! Баъзиларнинг қилиқларига кишининг қулгиси келади: улар ўз ота-оналарини бирор марта отажон, онажон демаганлару, мансабдорларнинг ота-оналарини отажон, онажон деб атрофларида парвона бўладилар.

* * *

Ёмонларнинг қонидан ҳазар қилиб, уларни ҳатто пашша ҳам чақмайди.

* * *

Санъат ва спорт маънавиятни ривожлантирувчи ҳамда ҳақларни ўзаро бирлаштирувчи омилдир.

* * *

Тўғри ва нотўғри маслаҳатларни бир вақтда тасдиқлаб, ҳақни айтмайдиган киши иккиюзламачи ҳисобланади.

* * *

Ҳар бир инсон одамларнинг яхши хислати ва амалларига ҳавас қилиб, ёмон одати ва амалларидан нафратланиб, ҳаётий ибрат олиши керак.

* * *

Баъзилар ўз ҳаётлари давомида бирор марта яхши амаллар қилмаган, ё қила олмайдилар ҳам, аммо оқилу доно ва поку тўғри одамларни шарманда қилиб, қасос олиш пайида бўладилар.

* * *

Айрим ота-оналар ўз фарзандларининг камчилик ва хатоларидан хабардор бўла туриб, уларни тузатиш ўрнига яширишга

уринадилар. Улар келажакда фарзандларининг бундан-да баттар хато ва камчиликларга йўл қўйишларига сабаб бўладилар.

* * *

Бир пайтлар дўстлар жоний, ноний ва забоний эдилар. Бугун шундай дўстлар ҳам борки, сингил, қиз, аёл ва молу давлатни кўлга киритмоқ учун дўст бўладилар.

* * *

Айрим дўстларнинг табиати ғалати. Муваффақиятларга эришганимда мени таъриф-тавсиф қиладилар, вале ишларим юришмай қолса, мени камситадилар.

* * *

Ота-онаси, аёлу фарзанди ва оила аъзоларига зулм қилган киши меҳрга зор бўлади.

* * *

Кўп исроф қилган – пул-мол ва неъматга зор бўлмоғи табиий хол.

* * *

Ватан ҳамда ўз миллати кадрига етмаган киши оқибат сарсон ва саргардон бўлади.

* * *

Ҳарбир шахс учун мукамал билим баробарида инсонийликнинг яхши хислат ва фазилатлари бўлмоғи лозим. Инсон ўзида ота-она эҳтироми, фарзандни тарбиялаш, она тилини асраш, ўзга миллатларни ҳурмат қилиш, Худога иймон, Ватанга садоқат, халққа хизмат ва замонага шуқр этмоқ каби эзгу фазилатларни мужассам этмоғи лозимдир.

* * *

Тарихдан маълумки, ўтган кўплаб мутафаккирларимиз худбин ва жоҳил амалдорлар томонидан ғам-қулфатларга гирифтор бўлиб,

уларнинг умри таъқиб ва қочокликда ўтган. Бирок, йиллар, асрлар ўтиб уларнинг, айникса, Фирдавсий, Саъдий, Сино, Ҳофиз, Бедил, Машраб ва бошқа буюк зотларнинг номи бутун оламга дoston бўлиб, одамларнинг тилидан тушмайди.

* * *

Иссиқ ёзда меҳнат қилиб, пешона тери тўқиб, кам ҳосил олса ҳам шукр қилиб яшашни одат қилган деҳқонга ҳавасим келади. Бирок тижорат йўли билан бой бўлган бўлса ҳам нолийдиганлардан нафратланаман.

* * *

Ишларининг бошию охирини ҳисоб-китоб қилмаган шахснинг охири вой.

* * *

Ҳаётда шундай одамларни учратамизки, мансаб чўққисига чиққунча ўзларини меҳрибон, Ваган, халққа нисбатан дилсўз қилиб кўрсатиб, ёлғон ваъдалар берадилар. Аммо амал курсисига ўтиргандан сўнг ғурур ва шухратга берилиб, мол-мулк жамлаш билан овора бўладилар. Бу тоифадаги инсонлар маккор, тулки ва лаъин шайтондан фарқ қилмайдилар.

* * *

Яхши-ёмон, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган, маккор ва ўз манфаатини ўйлайдиган дўстдан узок юрган маъқул.

Илгари наф топмоқ учун баъзи одамлар қон-қариндош ва ночор кишиларга мол-пул қарз бериб, савоб олар эдилар. Бирок бугун бировлар ҳожатини чиқараман деб, ҳам қон-қариндош ва пулу-молингдан айриласан, яъни ўзингга ғавго оласан.

* * *

Китоб қуёш каби инсонга иссиқлик ва ёруғлик бахш этади, кутбнамодай тўғри йўлга ҳидоят қилади, оҳанрабодек маърифат, маънавият ҳамда маданият томон жалб этади.

* * *

Китоб бир оинадирки, инсон ҳаётининг қай зинасида эканлигини унда кўради.

* * *

Инсон ҳар бир амалини ўзининг ҳаёт майдонида текшириб сўнгра ўзгаларга раво кўрмоғи керак. Зеро, «Пичоқни аввал ўзингга, оғримаса бировга ур» деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

* * *

Она қуёшдир, фарзандига иссиқлик, ёруғлик ва нуру зиё бахш этади. Она ойдир, фарзанди ундан мулойимлик ва ҳусн-тароват олади.

«Андиша»ларни тўплаб шундай хулосага келдим: инсон илм-дониш, яхши хулқ-атвор, кенг дунёқараш эгаси бўлмоғи, яхши ишларни бажармоғи лозим.

«Авесто»да айтилганидай, эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амал – инсонни эзгу мақсад сари элтади. Аллоҳга иймон, Ватан, миллатга садоқат, халққа хизмат, хоксорлик, маънавият каби эзгу ишларни ўзида мужассам этган инсон ҳар жиҳатдан комил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, сиз истеъдод эгалари асло толиқмасдан ижод қилинг. Зеро бугун шундай замон келдики, сиз ва истеъдодингиз кадрига етадилар. Ҳа, қунлар, ойлар, йиллар ўтиб сиз ҳам бутун дунёга машҳур бўласиз.

ХОТИМА ЎРНИДА

Агар башарият тарихига назар солсак, шуни англаб оламизки, дунё ўтар йўлга ўхшар экан: келганлар кетдилар, биз ҳам келдик ва кетамиз ва яна келарлар-кетарлар. Фақат бу ўткинчи дунёда шундай ишлар қилайликки, биздан сўнг келганлар номимизни ифтихор ила тилга олсинлар.

Ҳаёт бир тусда эмас. Кувончли ва қайғули кунлардан иборат. Инсон ҳаётнинг яхшию-ёмони, бору-йўғига сабр-қаноат қилиб, кун кечириши лозим. Шоир айтганидек:

Аз ноумедй басо умед аст,
Поёни шаби сиях сафед аст.

(Мазмуни: барча умидсизликлардан умид бор, қоронғу тунларнинг охири равшанликдир).

Инсоннинг умри мазмунли ўтмоғи учун қуйидаги саволларга мувофиқ жавоблари бўлмоғи лозим:

1. Ҳаётнинг мазмуни нимада?
2. Инсон ҳаёти қандай бўлмоғи лозим?
3. Инсон ҳаётда қайси вазифаларни бажармоғи шарт?

Қуйидаги амаллар мазмунли ҳаётнинг нишонларидир:

1. Эзгу иш, эзгу сўз ва эзгу фикр эгаси бўлиш.
2. Шарму-ҳаёли, озода ва хушбичим бўлиш.
3. Оддий, хоксор, яхши хулқ эгаси, яхши тарбия, эзгу хислат, маданият ва маънавиятли бўлиш.

4. Инсонларни дуст деб билиш.
5. Ота-онага, фарзандларга ва катталарга ғамхўр ҳамда меҳрибон бўлиш.
6. Ватан, халқ ва миллатини ўзидан яхши кўриш.
7. Ҳалол меҳнат килиб, ҳалол пул топиб, кун кечириш.
8. Бировнинг туз-нони ва омонатига хиёнат қилмаслик.
9. Иймонли, виждонли ва диёнатли бўлиш.
10. Аллоҳнинг айтганлари ва ҳадисларга амал қилиш.

* * *

Инсон то охири нафасигача ҳаётдан ўргансин ва ўзгаларга ҳам ўргатсин. Ватанга садоқат, халққа хизмат ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги шиори бўлсин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Бурхониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. – Тошкент: Адолат, 2001.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Шарқ, 2012.
4. Маннонов А., Раҳимова Г. Оилада фарзанд тарбияси. – Хўжанд, 1995.
5. Каримов А. Бир гапим бор уч тилло. – Тошкент: Адолат, 1992.
6. Бўронов Б., Ҳамидов Б. Инсон фазилати – Душанбе, 2007.
7. Шоумаров Ғ. Б., Шоумаров Ш. Б. Муҳаббат ва оила. – Тошкент, 1994.
8. Сиёсий иқтисод. 8-10 синфлар учун ўқув китоби. Тошкент.
9. Наҳж-ул-ҳидоя. Суханони раҳнамо (Аллома Сухравардий таълифи). – Душанбе, 1991.
10. Тўраева О. Одобрнома. 7-синф ўқувчилари учун қўлланма – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
11. Одобр бўстони ва ахлоқ гулистони. Маҳмуд Ҳасаний таржимаси – Тошкент: Фан.
12. Раҳимов Х., Б. Исматов. Одоби оиладори. 8-9 синф ўқув китоби – Душанбе: Маориф, 1992.
13. Пайғамбаримиз буюрганлар. Муҳаммад Мустафо салаллоху алайхи васаллам ҳадиси шарифлари (тўртинчи китоб). – Хўжанд, 1991.
14. Панду ҳикмат. Тўпловчи М. Фозилов. – Душанбе, Тожикистон давлат нашриёти, 1963.
15. Панжсад ҳадис (Беш юз ҳадис) Ислом пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом пандлари. – Душанбе, 1991.
16. Қурбонов Т. Одобрнома. 9- синф учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
17. Унсур-ул Маоний Кайковус. Насихатнома. – Душанбе: Ирфон, 1968.

18. Фозил қори Собиров. Ҳалол ва ҳаром. – Тошкент, 2001.
19. Ҳусайн Воизи Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. – Душанбе, 1991.
20. Ҳаёт китоби. Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2011.

МУНДАРИЖА

Жамият пойдевори.....	3
Ҳаётий ва ибратли китоб.....	4
Инсон ҳаётининг раҳнамоси.....	6
Ширин орзулар.....	7

Биринчи фасл

Оила одоби

Биринчи боб

Оилада кимлар нималарни билишлари керак?.....	8
Қизлик бурчлари.....	9
Келинлик бурчлари.....	13
Оналик бурчлари.....	17
Қайноналик бурчлари.....	21
Ўғиллик бурчлари.....	25
Куёвлик бурчлари.....	28
Оталик бурчлари.....	31
Қайноталик бурчлари.....	36
Аёллик бурчлари.....	38
Эркаклик бурчлари.....	42

Иккинчи боб

Оила ва унинг вазифалари.....	44
Уйланиш ҳақида.....	44
Фарзанд ва унинг тарбияси.....	46
Фарзандлар тарбиясида халқ ҳикматларидан фойдаланиш.....	48
Ёрга вафо – саодат қалити.....	51

Учинчи боб

Оила аъзоларининг вазифалари.....	55
Бобо ва момоларнинг вазифалари.....	55

Ота-она масъулияти.....	56
Фарзандлик бурчи.....	58

Тўртинчи боб

Боғча, мактаб, жамият, оила ва тарбия.....	63
Яхши ният – ярим давлат.....	65
Ҳикматлар.....	66
Боғча, мактаб ва жамият.....	68
Табиат ва муҳит.....	69
Бир туп дарахт.....	72
Уй ва ҳовли озодалиги.....	74
Кийим, кийиниш ва гўзаллик.....	77
Даромад.....	79
Дабдабали тўйлар.....	82
Турфа оилалар.....	84

Иккинчи фасл

Тўғрилиқ ҳақида

Биринчи боб

Ёмон хислатлар ва кабиҳ одатлар.....	86
Сидк.....	86
Ёлғон ва ёлғондан қасам ичиш.....	89
Ҳасад ва бахиллик.....	92
Иғвогарлик, чақимчилик, ғаммозлик, риёкорлик ва ғийбат.....	93
Ҳийла, алдаш ва хиёнаткорлик.....	99
Ичкилик, бозлик ва гиёҳвандлик.....	100
Сарсон бўлган етимлар.....	102
Ўғрилиқ ва қиморбозлик.....	106
Ҳалол ва ҳаромни фарқлаш одоби.....	110

Иккинчи боб

Аёллар ва эркакларнинг айрим ножўя қилиқлари.....	113
Бадахлоқ аёллар.....	113
Эр ўғирловчи хотинлар.....	114
Хотинбоз эркаклар.....	115

Хиёнаткор аёл ва эркаклар.....	116
Садоқатли аёл.....	117
Тухматдан ўзинг асра, Оллоҳим!.....	118
Чоҳ қазиган чоҳга ўзи йиқилур.....	120

Учинчи боб

Панду ҳикматлар	123
Донолар илм-хунар ва одоб-ахлоқ ҳақида.....	125
Андишалар	128
Хотима ўрнида.....	137
Фойдаланилган адабиётлар.....	139

6900 сўм

Публицистик нашр

Али Мухаммад ПЎЛОДИЙ
ОИЛА ОДОБИ

Илмий-адабий дастур

Муҳаррир:

Абдулла Содик

Тех. муҳаррир:

Назиржон Ҳошимов

Дизайнер:

С. Хасанов

Нашриёт лицензияси: А1 №. 162. 2009 йил 14 август.

Теришга берилди: 3.09.2012 йил.

Босишга рухсат этилди: 12.10.2012 йил.

Ҳажми 60x84 ¹/₁₆. Офсет усули. Times гарнитураси.

Нашриёт босма табоғи: 9,0. Шартли босма табоғи: 12,25.

Адади: 1000 нусха. Буюртма № 240.

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Соҳибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КО‘НИ-NUR» МЧЖ босмахонаси.

100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,

Бунёдкор шох кўчаси, 44.